

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАФОАТ РАҲМАТУЛЛО ТЕРМИЗИЙ

**БОШЛАНГИЧ  
МУСИҚА  
ТАЪЛИМИ**



Термиз-2001

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАФОАТ РАҲМАТУЛЛО ТЕРМИЗИЙ

**БОШЛАНГИЧ  
МУСИҚА  
ТАЪЛИМИ**

Шафоат Раҳматулло ТЕРМИЗИЙ

## БОШЛАНГИЧ МУСИҚА ТАЪЛИМИ

Термиз Давлат университети  
ўқув-илмий методик кенгаши  
нашрға тавсия этган.

Тақризчи:

Ўзбекистон халқ таълими аълочиси,  
олий тоифали мусиқа ўқитувчиси  
Йўлдош ҲАЙДАРОВ.

*(Рисоладаги мавзулар олий ва ўрта маҳсус  
таълим вазирлигида намунали маъruzalar  
матни сифатида тавсия қилинган).*

**O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASINING DAVLAT  
MADHIYASI.**

*M. Burxonov* musiqasi.

*A. Oripov* she'ri.

Tantanavor

Ser - qu - yosh hur o'l- kam , el-  
ga baxt, na- jot Sen o'zing do'st- lar- ga

Serquyosh, hur o'lkam, elga baxt, najot,  
Sen o'zing do'stlarga yo'ldosh, mehribon!  
Yashnagay to abad ilmu fan, ijod,  
Shahrating porlasin toki bor jahon!

**N a q a r o t :**

Oltin bu vodiylar — jon O'zbekiston,  
Ajdodlar mardona ruhi senga yor!  
Ulug' xalq qudrati jo'sh urgan zamon,  
Olamni mahliyo aylagan diyor!

Bag'ri keng o'zbekning o'chmas iymoni,  
Erkin, yosh avlodlar senga zo'r qanot!  
Istiqlol mash'ali, tinchlik posboni,  
Xa qsevar, ona yurt, mangu bo'l obod!

**N a q a r o t :**

Oltin bu vodiylar — jon O'zbekiston,  
Ajdodlar mardona ruhi senga yor!  
Ulug' xalq qudrati jo'sh urgan zamon,  
Olamni mahliyo aylagan diyor!

# КИРИШ

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАЛҚЛАРИ ҚАДИМГИ АЖДОДЛАРИНИНГ МУСИҚАЛИ ҲАЁТИ ВА ИЖОДЛАРИ

Ўзбек ҳалқининг мусиқа маданияти кўп асрлик тарихга эга, кўпгина со-  
занда ва хонандалар авлодининг фаолиятида қарор топган ҳалқ ҳамда оғзаки  
антъаналаридағи профессионал мусиқа санъати бу ҳақда гувоҳлик беради.  
Моддий маданият ёдгорликларининг тасдиқлашича, бугунги Ўзбекистон ҳуду-  
дида Марказий Осиё ҳалқларининг аждодлари яратган қадимги цивилизация  
мавжуд бўлган. Археология маълумотлари, тасвирий санъат асарлари-мини-  
атюралар, шарқшуносларнинг янги тадқиқотлари ва ниҳоят ўрта асрдаги  
Марказий Осиё олимларининг мусиқий рисолалари таржимаси ўзбек ҳалқи  
мусиқа маданияти тараққиётининг тарихий жараёнини тасаввур қилишимизга  
ёрдам беради.

Ўзбек ҳалқи аждодларининг мусиқа сарчашмалари Марказий Осиё ҳуду-  
дида яшаган қардош ҳалқлар биринчи навбатда тожик ҳалқи ижоди билан  
мустаҳкам боғланган. Бу мусиқа асарлари X-XI асрларда иккала ҳалқ учун ҳам  
бир бутунликни ифода этади. Кейинчалик у ўзбек ва тожик мусиқа маданият-  
ларининг шаклланиши учун бир умумий асос бўлиб хизмат қилди.

Марказий Осиё ҳалқлари ҳаётида тарихий чегараланиш босқичи тахми-  
наи бизнинг эрамизгача бўлган биринчи минг йилликдан бошланади. Булар  
ўтроқ деҳқонлар- сүфдийлар, бақтирияликлар, хоразмийлар ва ҳамда кўчманчи  
саклар, массагет кабилар эди. Улар ҳақидаги маълумотлар “Овасто” да ҳам  
учрайди. Ҳалқ поэтик ва мусиқа санъатининг бошланиши ўша даврларга бо-  
риб тақалади. Ҳалқ поэтик ижоди ва мусиқаси дастлаб синкетик ҳолатда  
бўлгани тўғрисида Овасто китоби ва бошқа ёзма ёдгорликлар, шунингдек:  
Марказий Осиё ҳалқларининг турмуши, уларнинг урф-одатлари, тўй-томо-  
шаларининг арҳак элементлари гувоҳлик беради. Буни археология,этногра-  
фия ва бошқа фанлар берган маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Синфсиз жамият  
шароитида Марказий Осиё мусиқа асблорининг асосий-яъни уриб чали-  
надиган, пуфлаб чалинадиган ва торли созлар турлари вужудга келган эди.

Уруғчилик жамиятининг емирилиши ва синфий жамиятга ўтиш, Бақт-  
рия, Суғдиёна ва Хоразмда давлатларнинг пайдо бўлиши, ахмониларнинг ҳар-  
бий/маъмурий жиҳатдан бирлашувлари, Искандар давлати, Грек-Бақтрия  
подшолигининг вужудга келиши эрамиздан олдинги Ү11 асрдан то эрамиз-  
нинг 1Ү асригача бўлган жуда катта тарихий даврни ўз ичига олади. Бу давр  
эпик характерли мифологик қаҳрамонлар устун бўлган қадимги оғзаки муси-  
қали поэтик ижоднинг юзага келиши билан машҳурdir.

Қаҳрамонлик афсоналари, эпик қўшиқлар Марказий Осиё ҳалқларининг  
ўз мустақилликлари учун олиб борган мардонавор курашларининг бўёқдор  
тасвиirlари билан тұла. Ўз ҳалқининг озодлиги йўлида жонини қурбон қилган  
чўпон Широқнинг мислсиз жасорати, ватанга бўлган муҳаббат тўғрисида ҳикоя

қилувчи сак афсоналаридан парчалар биәнинг кунларимизгача сақланиб келган. Масалан Рустам ва унинг жанглари, малика Тахминага бўлган маҳаббати, танимаган отаси қўлида қатл қилинганд ўғли Сухробнинг ўлими тўғрисида ҳикоя қилувчи қўшиқлар мустақил маросим томошаларга айланиб кетган.

Кейинчалик бу қўшиқлар форс ҳалқининг ажойиб достони “Шоҳнома” да ўз аксини топди. Рустам, Сиёвуш ва бошқа баҳодирлар тўғрисида афсоналар цикли яратилди.

Худоларга сифиниш билан боғлиқ бўлган турли маросимларда ҳам қўшиқ айтилган. Бу ҳақда Овастода баён қилинган. Овасто гимнларининг ўзи речитатив тарзида ижро этилган. Гимнлар хор бўлиб айтиш мумкин бўлган банд ва тақрорланувчи нақоратли ярим насрой ярим вазни ривоятлардан иборат бўлган. Худоларга сифиниш билан боғлик маросимларда муқаддас олов атрофига қўшиқ айтилган, рақе тушилган.

Ҳалқнинг байрам маросимлари, масалан: баҳорда кун ва туннинг бара-варлашви-Навruz кенг тарқалган эди. Ўрта аср олимлари мусиқанинг меҳнат маросимларидаги ролини, инсоннинг мусиқани олам тузилиши билан боғлашга бўлган интилишларини ҳам кўрсатиб ўтганлар. Эрадан аввалги ЙУ асрдан эрамизнинг бошларигача Марказий Осиёнинг кўп қисми Искандар давлати, кейинроқ эса Грек-Бақтрия давлати таркибида бўлган. Шу боисдан у даврнинг маданиятига ҳам, мусиқасига ҳам грек маданияти катта таъсир кўрсатган. Бунга Термиздан топилган Айритом фризи мисол бўла олади.

Қадимги Марказий Осиёдаги антик маданиятининг кўпгина хусусиятларини аниқлаган бизнинг шарқшуносларимиз уни билишнинг ўзига хослигини, мусиқа асбобларида маҳаллий хусусиятлар мавжудлигини най, уд, доира каби асбоблар ўша пайтларда ҳам бор эканлигини кўрсатиб берганлар. Маҳаллий анъаналарнинг юонон, ҳинд ва бошқа ҳалқлар анъаналари билан чатишшиб кетиши ўша давр маданиятининг ўзига хос томонларидан биридир. Кичик ҳайкалтарошлиқ Марказий Осиё антик маданиятининг ёрқин ёдгорлиги ҳисобланади. Афросиёбдан топилган кўпгина ҳайкалчаларда аксарият най, уд, доира чалаётган созандалар тасвирланган. Кўплаб топилган ҳайкалчалар мусиқанинг сүфлар ва уларнинг пойтахти бўлган Самарқандда катта аҳамиятга эга эканлигидан гувоҳлик беради.

Эрамизнинг ЙУ асрдан бошлаб Марказий Осиёда қулдорлик аста-секин феодал тузуми билан алмашди. Марказий Осиёда яшаган турклар ўз давлатини ҳоқонликлар деб атай бошладилар. Ана шу даврдан бошлаб турклар билан форсий ҳалқларнинг аралашиб яшаш жараёни бошланди. Бу даврда айниқса ЙУ-УП асрлар оралиғида санъет ва мўсиқа гуркираб ривожланган даврлар бўлди.

Бутун Шарққа машҳур бўлган ва кейинчалик шарқ адабиёти тасвирланган Барбаднинг номи машҳур бўлди. Марв шаҳрида истиқомат қилган Барбад УП аср бошларида Эрон сосонийлар сулоласидан бўлган Хисрав Парвиз саройида хизмат қилди. Тарихчиларнинг берган маълумотларига қараганда Барбад мадҳия ва тарихий қўшиқлар, ҳарбий ғалабалар ҳақида қўшиқлар ижод этган. Улуғ Озарбайжон шоири Низомий ўзининг “Хисрав ва Ширин” достонида Барбад ҳақида, унинг санъети шинавандаларга фавқулодда кучли таъсир қилиш ҳақида ёзib кетган.

Тасвирий санъетнинг жуда кўп обидалари мазкур даврнинг қуроллари ва

мусиқа иштирокидаги урф-одатлари тұғрисида маълумотлар беради. Қадимги Панжикентдан топилған ёрқин нақшлар ана шулар жумласидандир. Үнда икки томонли ногора ва доира жүрлигіда рақсلى саҳна, сопол идишда дағы маросимида аёл кишининг маросим рақсини ижро этиб турган пайти гавдалантирилған ёрқин тасвир учрайди. Кумуш лаганга ов манзараси, ашула ва рақс иштирокидаги зиёфат нақшланған.

Үткөң форслар туркларнинг мусиқа ҳәётининг айрим томонларини месрас қилиб олғанлар. Кейинчалик “Китоби Құрқұт” циклига кирған күпгина түрк ағсаналари Марказий Осиё санъати маданияти ва эпик достонларнинг шаклланишида катта рол үйнаган.

Шундай қилиб, халқ ижоди ва маҳаллий профессионал анъана келәжак-да оғзаки анъанадаги йирик мусиқа асарларига асос бўлди.

Айрим кенг тарқалған мақом куй тузилмаларининг туркча, “Авжитурк” деб аталиши ҳам бежиз эмас. Эҳтимол, вафот эттан кишининг жасади тепасида туриб маҳсус айтувчилар томонидан марсия айтиб йиглаш одати қадимги түрк қабилаларидан қолғандир. Эҳтимол узбек баҳшилари қадимгү аждодларнинг ички товуш ифода услубларидан ҳамон фойдаланиб, давом этириб келаётгандир. Зеро, буни узбек фольклорининг ранг-баранглиги, унинг куй, лад ва айниқса ритмик тузилишида кўриш мумкин.

Шундай қилиб, УП-УШ асрларга келиб маҳаллий мусиқа анъаналари аниқ бўлиб қолди, халқ профессионал мусиқанинг оғзаки анъаналари шакли вужудга келди.

Араблар ҳукмронлиги даври УШ-ІХ асрлар тарихда ислом динини мажбуран қабул қилдириш ва маҳаллий халқларнинг тұхтосыз құзғолонлари билан жой олди. Бу құзғолонлар аҳолининг меҳнаткаш табақалари манфаатларини ифодаловчи Муқанна раҳбарлыгыда “оққийимлилар” номи билан машҳур бўлған жуда катта халқ ҳаракати /785 йил/га турткى бўлди. Маҳаллий зиёлилар ҳам араб босқинчиларга бўлған муносабатларни яширин ҳолда баён қила бошладилар. Бу Шуубийлар ҳаракатини келтириб чиқарди. Улар ўзларининг араб тилида яратған асарларида араблар босиб олган халқларнинг маданияти арабларнинг маданиятидан устун эканлигини таъкидладилар.

Ислом дини дастлаб мусиқани йўқотиш, ман этишга уринди. Бироқ, мусулмон руҳонийлари халқ оммасини зарур томонға бошқаришида мусиқанинг құдратли қорол сифатида қандай аҳамиятли эканлигини тушунар эдилар. Шунинг учун ҳам мусиқага дин доирасида йўл бердилар.

Марказий Осиёнинг араб халифалигига қўшиб олиниши маълум даражада ижобий аҳамиятга ҳам эга эди. Чунки Марказий Осиёлик алломалар араб дунёсида тұпланиб қолған қадимги Грек маданиятини ўзлаشتира бошладилар.

Шунингдек, араблар ҳам ўз навбатида мусиқа санъати соҳасида маҳаллий аҳолидан күпгина нарсаларни ўрганиб олдилар. А. Исфахонийнинг араб тилида ёзилған “Қўшиқлар китоби”га кўра жуда кўп Марказий Осиё халқлари куйларидан араблар фойдаланған.

ІХ асрға келиб Марказий Осиёда ҳокимият Сомонийлар қўлига ўтди. Феодал хонликлар мустаҳкамланды, шаҳарлар ривожланды. Марказий Осиё юз-йил давомида бу даврда чет босқинчилар ҳужумларига учрамади. Бу эса мамлакат ҳўжалиги ва маданиятининг гуркираб ривожланишига имкон берди.

Бу даврда ажойиб олимлар, шоирлар, мусиқачилар: машхур математик ва астроном Аҳмад Фарғоний, Ал-Жабрнинг отаси Муҳаммад ибн Мусо Ҳоразмий, ўрта аср шарқининг машхур файласуфи, мусиқа соҳасидаги ишлари замондошлари ҳамда ундан кейинги мусиқачилар авлоди учун асос бўлган Форобий, ўрга асрлардаги барча фанларга муносиб ҳисса қўшган буюк алломалар Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, буюк ҳадисшунослар Исмоил Бухорий ва Ат-Термизийлар яшаб ижод қилдилар.

Сомонийлар даврида шаҳарлар орасида Бухоро гуллаб яшинади, чунки у пойттаҳт эди. У мамлакат маданиятининг ҳам маркази эди. Подшоҳлар саройи муҳити ўз даврининг маънавий ва маданий йўналишларини ҳам белгилар эди.

Сарой шоирлари ва мусиқачилари ижодида асосий жанр-хукмрон шахсларни мақтайдиган ва шарафлайдиган қасида эди. Унинг муқаддима қисми / насиб/ да мусиқа жўр бўлар эди. Чолғу куйлари баъзан хос кечаларда алоҳида ҳам ижро қилинарди.

Мадҳиялардан ташқари, илғор ижтимоий қайфиятларни ифодалайдиган шеърлар ва мусиқа асарлари ҳам яратилар эди.

Х асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган Рудакий ўз даврининг машхур шоири ва мусиқачиларидан бири эди.

Бу даврга келиб фақат ҳалқ оғзаки ижодида расм бўлган қадимги эпик афсона ва ривоятларга қизиқиш кучайди. Ўшалар асосида икки мисраси ўзаро қофияланадиган, ўн бир бўгинли мутақариб вазнида ёзилган қаҳрамонлик достонлари вужудга келди. Бу достонлар орасида Фирдавсийнинг Марказий Осиё ҳалқлари афсоналари асосида яратган “Шоҳнома”си машхур эди.

Ўша даврларда арфа ва уд типидаги торли ҳамда пуфлаб чалинадиган найтипидаги асбоблар кенг тарқалганди. Ўша даврининг машхур асбоблари уд, чанг, най, руд, барбад ва доира кенг түе олган эди.

Ўша даврининг машхур олими Форобий ўз даври мусиқаси ҳақида шундай дейди: “Жангларга мўлжалланган чолғу асбоблари мавжуд, уларнинг овози баланд ва кескин, зиёрат ва ракслар учун, тўй ва қувноқ йиғилишлар учун, муҳаббат қўшиқлари учун ҳам маҳсус чолгу асбоблар бор. Айримларининг товуши кескин ва хазин бўлади, бир сўз билан айтганда, улар шунчалик кўп, шунчалик хилма-хилки, ҳаммасини санаб ўтиш қийин”.

Шундай қилиб, бу даврда чолғу асбобларида ижрочилик кенг кўламда ривожланди.

# ЎЗБЕК ХАЛҚ МУСИҚА САНЪАТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ТАРИХИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ўз давлатчилигимиз, байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз, Конституциямизга эга бўлишдек асрий орзумиз рўёбга чиқди. БМТ пештоқидаги жаҳон халқлари ва давлатлари байроғи сафида бизнинг ҳам ой-юлдузли гўзал байроғимиз ҳилпирашида олам-олам рамзий маънолар бор. Мамлакатимиз ва миллатимиз тарихида шундай бир буюк янгиланиш бориши керак. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов миллий истиқлол мафкурасини яратиш муаммосини жамиятимиз кун тартибига қўйди.

Хўш, мафкура ўзи нима дегани? Баъзи сиёсат арбоблари жамият мафкурасини “тасаввурлар, тушунчалар, фоялар мажмуаси билан бирликдаги тарғиботга хос бўлган маълум бир маслак, таълимот, дунёқараашдир” деб талқин қиласидилар. Бошқа тоифа сиёсатшунослар” дунё ва ҳаёт фалсафасига дაъвогарлик қилувчи фоялар тизими- мафкурадир”, деб тушунадилар. Француз сиёсатчилари мафкуруни тизим ҳолига келтирилган фоялардир, деб таърифлайдилар, баъзи хорижий луғатларда эса “ мафкура таълимот /доктрина/ назария ташкил қилувчи фоялар ва фикрлар мажмуасидир” дейилади. Бу фикрларга қўшилган ҳолда унинг қўйидаги қирраларини ҳам алоҳида таъкидлаймиз.

Мафкура ўз соҳибининг ижтимоий барқарорлигини foявий жиҳатдан таъминлаш вазифасини ҳам бажаради. Унинг яна бир вазифаси шундан иборатки, у ўз ижодкори бўлган ижтимоий гурӯҳ ёки миллатнинг нураши ёки инқиrozga юз тутишига тўсқинлик қилиб, унинг яшовчанилигини таъминлаб турди. Шу жиҳатдан у ўз соҳибини сақлаш тарғиботи ҳамдир. Мафкурасиз ҳар қандай давлат ёки жамият таназулга юз тутиши турган гап. Асосий ижтимоий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурларни фақат мафкура воситасидагина ҳосил қилиш мумкин. Энди истиқлолга эришган халқнинг, буюк давлат қураётган миллатнинг мафкураси бош асоси ўзлигини теран англаш ва Ватанга буюк муҳаббатидир. Бу дегани эса ўзинг мансуб бўлган халқнинг кечмиш тарихини, маданиятини, санъатини дилга жо қилиб, киндик қониниг томган тупроқнинг ўтмишини билиб, дилда ифтихор туйиш, шу замин, шу халқ, шу Ватан билан ўз қисматингни бир бутун, деб ҳис қилиш лозим.

Ўз халқингнинг мусиқа тарихини ўрганиш учун аввал унинг маданият тарихини урганишинг, маданият тарихини ўрганиш учун эса унинг халқ бўлиб шаклланиш ва давлатчилик тарихини ўрганишинг, халқнинг умумий тарихини ўрганишинг учун эса умуминсоният тарихини ўрганишинг зарур бўлади. Чунки ҳар бир халқ тарихи умуминсоният тарихининг бир бўлагидир.

Инсоният тарихи дин туйгуси қадар кўхнадир. Жамиятларнинг ибтидоий даврларида оталарнинг /улугларнинг/ хурмат-эҳтиром қилиниши ёки аждодларга сифинишнинг пайдо булиши тарих ва ватан шуурининг, инсоний ва миллий туйгуларнинг дастлабки белгилари эди. Қадимги халқ афсоналари, достонлари, ҳикоялари жамиятларнинг тарихга бўлган эҳтижларидан келиб чиқар ва улар онгии шакллантирасидар эди. Булар жамиятнинг кечмишига доир яшаиш, фикрлаш ва ишонишнинг акслари сифатида бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотганий йўқ. Чунки улар муҳим манба ҳисобланади. Биз ўз тарихимизни ўрганиш учун аввало ислом тарихини, умумтурк тарихини чукур ўрганиши-

миз, тадқиқ қилишимиз керак. Агар биз дунё ҳалқарининг афсоналардан ҳоли рост тарихини солиширадиган бўлсақ, ислом тарихи ҳам, умумтурк тарихи ҳам юонон тарихидан, маданиятимиз эса юонон маданиятидан устун бўлса устунки, кам эмаслигини кўрамиз. Чунончи, юонон ва оврўпа тилларида “История” калимаси манбади ҳикоя маъносида келгани ҳолда, ислом ва турк дунёсидаги “Тарих” сўзи замонлар ўтиши билан қайд этилган ҳодисаларни ифодалайди. Башарият ҳофизасида мавжуд бўлган тарих шуурда яшар экан, миллатлар шахсиятини ўстиришга, маданият ва мағкураларини қувватлантиришга хизмат қиласди. Ўз ҳалқи тарихини билмаган миллатлар хотира ва идрокларини йўқотиб қўйган довдирларга ўхшайди. Бу алфозда яшаётган миљлатларининг юксалишга ёхуд ўзлигини муҳофаза этишларига кафолат йўқ. Тарих миллатлар келажагини яратишда улкан кўмакчидир. Ҳатто бугун ҳам миллатларнинг маданий савияларини, тарихни қанчалик билишларига ёки билмасликларига қараб баҳолаш мумкин.

Ўзбек ҳалқининг тарихи бутун туркӣ ҳалқлар тарихининг бир бўлаги экан, даставвал умумтурк тарихига қисқача бир назар солиб ўтайлик. Туркӣлар эски замонлардан яқин-яқинларгача, яъни 2500 йиллик тарихлари давомида моддий-маънавий унсурлар орасида энг кўп мувозанат сақлай олган миллатдир. Дарҳақиқат, тарихда мёъёр ва эҳтиёткорлик, вазминлик ва адолатпарварлик билан иш юритган турк миллати мувозанат асосида миллий, диний, инсоний туйғуларига содиқ қолган. Уч қитъя ва кенг ўлкаларда қурилган тарихий туркӣ ҳокимиятлар мувозанат асосида ривожланган. Исломдан аввал Туркистон, ислом даврида эса Туркистон, Яқин Шарқ ва Туркия марказ бўлгани ҳолда Чин, Ҳиндистон, Афғонистон, Хурросон, Шарқий ва Ўрта Оврўпа, Болқон, Эрон, Озарбайжон, Кавказ, Онадўли, Рум, Ироқ, Сурия, Миср ва Шимолий Африка бошдан оёқ туркларнинг истило, кўчиш ва ҳокимият майдонлари бўлган. Туркийлар бу ўлкаларда бир қанча давлатлар ва империялар курганлар. Қадимий Хун ва Кўк-Турк ҳоқонликлари, Оврўпа хунлари, оқ хунлар, Ҳазор, Ўйғур ва Булғор Уғуз Қорлуқ ҳоқонликлари, Мусилмон итил Булғорлари ва Форахонийлар, Фазна, Ҳоразм, Миср, Сурия, Мамлук ва Ҳиндистон сultonниклари Туркистон, Ўрта Шарқ ва Олтин йўрта хонниклари, Темурийлар ва Бобурийлар империялари туркийлар тарихининг олтин саҳифаларирид.

Биз энди ўзбек ҳалқи маданияти ва санъати тарихини тадқиқ этар эканмиз; илгари “буюкўрусларлик шовинизми” талқинларини улоқтириб ташлаб, тарихий рост талқинларга ўтишимиз, бутун тарихимиз ва маданиятнинг тадрижий йўлларини янгидан кашф этиб чиқишимиз керак. Бунинг учун олдин Шўро даври тарихимиз талқинларини асосли рад этишимиз зарурдир.

Ўзоқ вақтлар ўрус эроншунослари Бойкўлгача яшаган қадимги қабилалар шарқий эрон тилларида гаплашган деган илмий исботланмаган даъволарни қилиб келдилар. Кейинги йиллардаги тарихий, археологик ва антропологик тадқиқотлар у асоссиз даъволарни сўзсиз рад этди. Ҳақиқатдан ҳам Ёқутистондан Босниягача бўлган катта минтақада яшаётган ўттиздан ортиқ туркийзабон ҳалқлар осмондан тушиб қолмаган, ахир. Агар ҳақиқатдан ҳам Бойкўлгача яшаган қадимги қабилалар фақат шарқий эрон тилларида гаплашганда эди, уларнинг бугунги авлодлари нақадар кўпчиликни ташкил қилган бўлур эди.

Ваҳоланки, 1986 йилги статистикага кўра эрон тилларида гаплашадиган халқларнинг умумжаҳон миқдори 75 миллион 836 минг бўлгани ҳолда, туркӣ тилларда гаплашадиган халқларнинг умумий миқдори 105 миллион 688 минг кишини ташкил этади. Уларнинг 30 миллион ортиқлиги қадимда ҳам туркӣларнинг аждодлари бу минтақаларда кўпчиликни ташкил этганлигини тасдиқлади.

Туркӣзабон ва форсийзабон халқлар қадимда ҳам, ҳозирда ҳам аралаш яшаб келаётгани очиқ ҳақиқат. Шунинг учун тарихий, табиий шароитлар туфайли бир қисм туркӣ қавмлар форсийлашиб, бир қисм форсий қавмлар туркӣлашиб турганлиги ҳам бор гап. Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўрта асрлар ва хусусан ҳозиргача бўлган кейинги минг йилликда Марказий Осиё форсийзабон халқлари билан босим ҳозирги ўзбек халқининг аждодлари кўпроқ аралашгандир. Бунга боис туркӣзабон ўзбекларнинг Марказий Осиё халқлари орасида бирмунча нуфузи ва миқдори катталиги ва Марказий Осиё халқлари орасида давлатчилиги узок тарихи давомининг катта даврларида шу халқ вакиллари кўпроқ етакчилик қилганлигидар. Яна шуни таъкидлаш керакки, айрим эронзабон гуруҳлар туркӣлашганда айнан ўзбек туркӣзабонини қабул қилганига боис, ўзбек тили Марказий Осиёдаги бошқа туркӣзабонларга қараганда анча эртароқ, бундан минг йиллар бурун ёзма адабий тил даражасига эришганлиги, Марказий Осиё-ижтимоий давлатчилиги вазиятидан келиб чиқиб, бу тил нуфуси форсий забон билан гоҳ тенглашиб, гоҳ устун бўлиб, гоҳ қуи бўлиб турганлигидир.- Яссавий “Ҳикмат”лар “и, Хоразмий достонлари, Рабгузий қиссалари, ўзбек тилининг X-XI асрларда ёзган ёзма адабий тил даражасига эришганлигининг рад қилиб бўлмайдиган исботлариидир. Демак. ўзбек тили” “Ҳикматлар”- ва “Муҳаббатнома”ларнинг гўзал ёзма адабий тили бўлгунга қадар Марказий Осиё минтақасида катта нуфузда кенг тасарруфидаги тил сифатида шаклланаб ултурган эди дейиш мумкин.

Биз қадимдан ана шундай катта тарихга, катта маданиятга, катта адабиёт ва тил маданиятига эришган халқ эканмиз, энди худди ўшандай катта санъат ва мусиқа тарихига ҳам эга эканлигимизни текшириб кўрайлик.

Халқимизнинг мусиқа маданияти унинг ўзи қадар қадимий ва катта тарихига эга, бутун-бутун созандалар ва хонандалар авлодларининг фаолиятларида мукаммаллашган ва қарор топган халқ ҳамда оғзаки анъянадаги катта мутахассислашган мусиқа санъати бу ҳақида гувоҳлик беради. Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистонимиз ҳудуди қадимдан инсониятнинг катта маданияти яратилган цивилизациясининг маркази бўлган.

Янги-янги археологик маълумотлар, аждодларимиз катта ва бетакрор поэтик ижодининг маҳсулни бўлган бадиий асарлар ва миниатюралар, ўрта асрларда аждодларимиз ёзиб қолдирган бекиёс илмий мерослар-рисолалар, тарактатлари ўзбек халқи мусиқа маданиятининг шаклланиш жараёнлари ҳақида тўлиқ тасаввур бериши мумкин. Қадимги аждодларимиз мусиқа сарчашмалари улар билан бир ҳудудда аралаш ёки ёнма-ён ярашган бошқа халқлар мусиқа маданияти билан боғлик ҳолда ривожланган. Бу айниқса ўзбек ва тоҷик халқи мусиқасининг жуда кўп муштараклик жиҳатларида кўринади.

Айниқса Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаган туркӣ ва форсий қавмларнинг мусиқаси X-XI асрларгача бир бутунликни ташкил қиდган, кейинчалик

бу ерда яратилган улкан мусиқа мероси ўзбек ва тожик халқлари мусиқасига асос бўлган.

Марказий Осиё халқлари ҳаётида тарихий чегараланиш жараёни бизнинг эрамизгача бўлган биринчи минг йилликда бошланган бу халқлар — ўтроқ сүфдийлар, бақтрияликлар, хоразмликлар ва кўчманчи саклар ва массагетлар эди. Улар ҳақидаги маълумотлар Зардустнинг буюк китоби “Овесто”да ҳам сақланиб қолган. Бизнинг аждодларимизнинг мусиқа санъати шаклланиши ҳам ана ўша даврларга тўғри келади. Уруғчилик жамиятининг емирилиши ва синфий жамиятга ўтиш, Бақтрия, Суғдиёна ва Хоразмда давлатларнинг пайдо бўлиши, ахмонийларнинг ҳарбий-маъмурий жиҳатдан бирлашувлари, Искандар Зулқарнайн давлати, Грек-Бақтрия подшолигининг вужудга келиши эрамиздан олдинги VII асрдан то эрамизнинг IV асригача бўлган жуда катта тарихий даврни ўз ичига олади. Бу давр эпик характерли мифологик қаҳрамонлар устун бўлган қадимги мусиқали поэтик ижоднинг юзага келиши билан машҳурлар. Марказий Осиёда яратилган “Овесто”нинг гувоҳлик беришича, худоларга сифиниш билан боғлиқ бўлган турли маросимларда ҳам қўшиқ айтилган. “Овесто”нинг гимнлари-яшталарнинг ўзи ҳам речитатив тарзда ижро этилган. Гимнлар хор айтилиши мумкин бўлган банд ва тәкрорланувчи нақоратли ярим насрый, ярим вазни ривоятлардан иборат бўлган. Худоларга сифиниш билан боғлиқ маросимларда муқаддас олов атрофида қўшиқ айтилган, рақс тушилган. “Овесто”да қайд қилинган бу маросимлар аждодларимизнинг ибтидоий-анттик мусиқаси шакллари эди, кейинчалик аждодларимиз яшаган майдонларни А.Македонский босиб олди, ундан кейин Марказий Осиёда Грек-Бақтрия подшолиги вужудга келган. Эрамизнинг бошларидан IV асрларгача бу худудларда Кушон империяси гуллаб яшнади. Шуни таъкидлаш керакки, Кушонлар зарб қилган кўпдан-кўп тангаларадаги битиклар қадимги турк тилида битилғанлигини кўрсатаянти ва бу империя қадимги турк империяларидан бири эканлиги тўлиқ исботланса ажаб эмас. Мана шу даврларда Марказий Осиё ҳудудида маҳалий мусиқа шакллари билан Юнон мусиқа шакллари ҳам аралашиди. Буни Термизнинг Айритомидан топилган чолгучилар туширилган сопол приз ҳам исботлайди. Бу ерда чолгучи қўйидаги мусиқа асбоби грек халқига тааллуклидир. Кушон империяси ва ундан кейинги исломгача бўлган даврда Марказий Осиёда Турк ҳоқонликлари ва Ахмонийлар таъсири кучли бўлди. Бу даврларда туркийзабон ва форсийзабон халқларнинг ўзаро аралашишлари янада кучайди. Буларнинг мусиқа маданияти ҳам бир ўзонда оғди ва ривожланди.

Марказий Осиёга машҳур бўлган ва кейинчалик Шарқ адабиётида ҳам афсонавий мусиқачи сифатидан тасвирланган Барбау. Марвазий VI асрнинг охирларида Марв шаҳрида дунёга келди. У ўз даврнинг йирик сосандаси ва хонандаси эди. У VII асрнинг бошларида Эрон сосоний шоҳлардан бўлган Хисрав Парвиз саройида яшади. Тарихчилар берган хабарларга кўра Барбад жуда кўп мадҳиялар, тарихий қушиқлар, ҳарбий қушиқлар ижод қилган. Буюк Низомий ўзининг “Хисрав ва ширин” достонида Барбад мусиқаси ўз замонасида ҳаммани ҳайратлантирганини гапиради.

Дуне халқлари ичида туркий халқлар энг кўп достон бор халқлар жумла-сига киради. Бу халкларнинг энг қадимий достони “Куркут ота китоби” достони антик даврларнинг буюк ёдгорлигидир. Кейинчалик бу халқларнинг

жумладан ўзбек халқининг жуда кўп буюк достонлари яратилди. Бу достонлар мусиқа жўрлигига ижро қилинар эдиким, бу ҳам илк мусиқамиз шаклланишимиз бир қирраси эди.

VIII-XIV асрларда бугунги милий мусиқамизнинг юксалишига асос бўлган мусиқанинг буюк кўтарилишлар даври бўлди. Бу даврларда фақаттана Марказий Осиё эмас бутун дунё мусиқа маданиятида катта из қолдирган улкан мусиқашунослар Абу Наср Муҳаммад Ўзлуқ-Тархон Фаробий, улкан мусиқашунос ва буюк бастакор Сафиуддин Ал-Урмавий, ва Хожа Абдулқодир Марвазийлар дунёга келишди ва ижод қилдилар. Буларнинг ёзиб қолдирган рисолаларни тадқиқ қилас эканмиз. Халқимизнинг илк мусиқа санъатинин шаклланиш йўллар бизга тобора ойдинроқ намоён бўла боради. 873 йилда форобда туғилиб 950 йилда Дамашқда вафот этган шу бобомиз мусиқа назарияси ва амалиятидан бир неча қўлланма китоблар ёзиб қолдирган. Ана шу улуф китоблар ҳам бизнинг мусиқамиз шаклланиши тарақиёт жараёнлари тургисида қимматли манбалар ҳисобланади.

Форобий бобомиз ўз асарларини ўз даврининг илмий тили бўлган араб тилида битган бўлса ҳам ўзбекларнинг этник гурухи бўлган Ўзлуқ ва Тархон ургуларидан эканлигини ва шу уруғлар иомини ўзига нисба қилиб, яъни тахаллусига қушиб айтиши билан ҳам қадрлидир. Форобийнинг “Китоб ал-муғиқа ал-Кабир” яъни “Улуғ мусиқа китоби” ва унинг асосий меҳнати синган “Китоб фу-ихсо ал-улум ва аттариф” яъни “Файларни синфлаштириш китоби” дя мусиқанинг ўзига хос хусусиятларини қенг ва тутур ёритилади. Бу иодир асарлау кейинги авлод симмиларига мусиқанинг ва унинг шаклланиш тарихининг янги-янги қирраларини очишига муҳим қалит вазифасини ўтаган. Форобий ўз дэврида арабий, туркий ва форсий мусиқа санъатининг мукаммал шамуналар бўлароқ ўз саккиз мақом борлигини ёзиб кетади. Форобийдан кейинроқ бу мақомлар янада мукаммаллашиб ва яхлит йирик гуркумларга айланаб то XVII асрларга ун икки мақом тарзида яшаб келди.

Ўрта асрларнинг яна бир буюк мусиқа бастакори Сафиуддин Ал-Урмавий эди. У киши ҳам туркийлардан бўлиб 1215 йилда туғилиб 1294 йилда бағдодда оламдан ўтган. Бу киши Шарқда биринчи бўлиб мусиқа ёзувини кашф этган санъаткордир. Ундан “Мусиқа ва усул доиралари” трактати ҳамда “Мухайри Ҳусайний” мақомининг у кашф этган шарқ нота ёзувидағи нусхаси мерос қолган.

Айниқса Амир Темур ва унинг угиллари саройида яшаган буюк мусиқа назариятчиси ва бастакор Хожа Абдулқодир ижоди бизга ўзбек мусиқа санъатининг келиб чиқиш тарихи ва ривож йўллари ҳақида муҳим маълумотлар беради. Хожа Абдулқодирнинг туғилган йили ҳақида аниқ маълумотлар йўқ, 1434-35 йилларда Ҳиротда вабодан вафот этганлиги аниқ.

Хожа Абдулқодирдан “Жамъул алҳон” ва “шарҳу-л адвор” номли қимматли рисолалар қолган. Буларни “Куйлар мажмуи” ва “Доиралар шарҳи” деб угириш мумкин. Бастакор Абдулқодир ўзи яшаган даврдаги қуийлаги мақомларнинг борлигини ва уларнинг ижро йуллари ва усулларини ҳам баҳоли қудрат кўрсатиб кетади. Бу мақоллар - Рост, Исфаҳон, Ироқ, Зарафшон, Бузрук, Ҳижоз, Буслик, Ушшоқ, Ҳусайний, Зангута, Наво, Раҳовийлардир. Бундан ташқари Абдулқодир бу китобларида бизнинг аждодларимиз бўлган қадимги турк мусиқаси ҳақида катта туркий мақомлар хусусида ҳам қиммат-

ли маълумотлар беради. Биз бу сўзларимизнинг ишончли бўлиши учун турк мусиқашуноси Рауф Яктобекнинг XIV асрда яратилган Абдулқодирнинг ўша китобидан келтирган иктибосини берамиз. “Нагмаларнинг таъсири бораёсида мундан бурун Ушшоқу, Наво-ву Бурслик туркларнинг мижозига мувофиқ деб айтиб эрдик, нечаким аларнинг таъсири шижаотни кучайтиргани учун турклар ушбу уч доирада куйладурлар. Чолгудан чиқаргандарини “куглар” дерлар ва бўғиздан куйлаганларни “йирдула” ҳам дерлар. Хитой аҳли қошида куглар йил кунларининг сони билан баробар уч юз олтмиштадирким; кунда бир кугни ҳоқон мажлисда арз этипдурлар. Аларнинг қошида асли улугрори тўқиз кугдир. Аларнинг исмлари будур: Улуғ куг, Аслончоп, Кутатқу, Бурс, Куладу, Бурс тарғай, Жантой, Ҳантой, Шандок.

Бу кугларнинг аксари муҳаммас даврида бўладир ва баъзан рамал даврида ҳам бўладир. Аларни туркий-у муғилий абаёт ҳам дерлар. Аммо Ироқ турклари мўтгадилга кўп мойилдирлар ва бу андоқ куйламоқ йўлидурким; Наво-да ё Ушишоқда ё Сегоҳда Ироқ узра куйладур ва они форсий-у туркий абаёт ҳам дерлар...”

Хожа Абдулқодирдан келтирилган бу иктибосдан кўриниб турибдики, ўша XIV асрда ёқ турк мақом йўллари икки йўналишида ривожланиб борган. Бу Фарбий турк ижро йўналиши ва Шарқий турк ижро йўналиши. Туркий халқлар кўпроқ шижаотли ва шиддаткор мусиқани ёқтирган. Шунинг учун ҳам мақомларининг жўшқин оҳангларга матнлар қўйганлар. Яна бундан шу нарса маълумки, ўша XIV асрда соф туркийча тўққизта мақом борлиги маълум бўлади. Шарқий турк ҳоқонликлари доимий равишида Хитой ҳоқонликлари билан алоқада, халқлари эса аралаш яшиаб келганликлари сабабли уларнинг мусиқаси ва мақом йўлларида ҳам Хитой халқлари оҳанглари муштараклигини кўрамиз, буни ҳозирги Шарқий Туркистон яъни уйғурларнинг мусиқасида ҳам кузатиш мумкин.

Фарбий турклар мусиқаси эса форс ва араб мусиқаси билан ўзаро муносабатда ривожланаётганлигини юқоридаги иктибосдан билиб олса бўлади. Хожа Абдулқодир замонидан то XVII асргача Марказий Осиё халқларининг мақомлари бир-бирини тўлдириб, мукаммал бир шаклга кириб, XVIII асрдан Шашмақом ҳомини олди. Улуғ аждодларимиз, мумтоз ҳофизларимиз мана шундай улкан мусиқа меросимизни ҳам асрраб-авайлаб бизнинг давримизга етказиб келдилар. Шундай қилиб, мусиқамиз тарихи халқимиз тарихининг бир қисми бўлиб, узоқ ва улуғ йўл босиб келмоқда.

## ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА МУСИКА

Биз аждодларимизнинг 2500 йиллик ёзма тарихига назар соладиган оштасъ жаҳон халқлари орасида туркийлар нисбатан синмаган, бутун, модни, маънавий ва маданий мувозанатини яхши сақлаган халқлар сирасига киради Шимолий муз уммонидан Ҳиндистоннинг марказигача, Камчаткадан Овропанинг киндигигача, Можористондан Сахрои Кабиргача бўлган ҳудудлар отабоболаримизнинг кўчиш, истеъло қилиш, ҳокимият ўрнатиш майдонлари бўлган. Бу кенгликларда эрадан олдинги даврлардан яқин асрларгача Ҳунлар, Кўк-Тўрклар ҳоқонликлари, Овропа хунлари. Оқ хунлар, Хазар, Булғор, Уйғур, Ўғуз ва Қарлуқ ҳонликлари, Итил Булғорлари ва Қораҳонийлар, Туркистон ва Ўрта шарқ ҳамда Олтин Ўрда ҳонликлари, Темур ва Бобур империялари ташкил топган.

Бу ўнлаб ҳоқонликлар, ҳонликлар, сultonликлар, империяларнинг ўз тарихи, адабиёти, меъморчилиги, маданияти, маърифати, мусиқаси инсониятнинг келгуси тараққиётидаги муҳим аҳамият касб этганлиги, бугунги тараққиётнинг босқичлари эканлиги жуда кўп тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ва яна ўрганилади.

Биз шу улкан туркий тарихнинг олтин саҳифаларидан бири бўлган Темурийлар даври мутафаккирлари ижодида мусиқанинг ўрни қанақа бўлганлиги, умуман ўша давр мусиқаси ва мусиқачилари хусусида қисқача баҳоли қудрат фикр юритишга уриниб кўрамиз.

Темурийлар даври XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVI асрнинг биринчи ўн йиллигигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу Темурийларнинг Марказий Осиё ва Хурросон, умуман Ўрта Шарқда ҳукмронлик қилган 160 йиллик тарихини қамраб олади.

Бу худудда XVI аср бошларидаги темурийлар инқизотга учрагандай кейин XVI асрнинг иккинчи ўн йиллигидан /кейин/ бошлаб Темурнинг яна бир авлоди Буюк Бобурийларнинг Ҳиндистонда уч ярим асрлик ҳукмронлик даври бошланади.

Темур ва темурийлар даври жаҳон давлатчилигига, фанида, маданиятида, адабиётида, меъморчилигига, тасвирий санъатига ва мусиқасига бетакрор из қолдирди ва у бу кунгача жаҳон олимларининг тадқиқот майдони бўлиб келмоқда.

Маълумки, Темур истеъодли кишиларни қадрлаган. Империяси, ҳудудидаги ноёб ҳунармандларни, олиму санъаткорларни пойтахт таклиф қилган. Темур даврида Самарқандда буюк муҳандислар, етук олимлар, бетакрор бастакорлар истиқомат қилган. Темур даври мутафаккирларининг бир қисми бевосита Темурнинг ўз авлодларидан бўлса, катта бир қисми бу хонадонга яқин аслзодаларнинг авлодлари бўлишган, бир қисми эса беҳудуд давлатнинг турли жойларидан келтирилган.

Темур даврида баъзи манбаларда кўрсатилган маълумотларга кўра урмијалик Сайфиддин Абдулмўмин-энг ёши улуғ буюк бастакор Темур саройида яшаган. У Қашқарнинг Урмия шаҳридан келтирилган. У ўзи кашф этган оҳангларни ёзиш усули билан “Хусайний” деган кунини ёзиб қолдирган ва у бизнинг кунларгача етиб келганлариги адабий манбаларда қайд этилган. XIX асрда

“Танбур чизиги” деган оҳангларни ёзиш усулини яратган Комил Хоразмий мана шу Сайфиддин ал-Урмавийнинг оҳанг ёзиш усулини такомиллаштирган ва фойдаланган бўлса эҳтимол. Сайфиддин ал-Урмавий ҳақида бошқа маълумотлар тополмадик.

Темур саройининг иккинчи бир буюк мусиқашуноси марогалик Хўжа Абдул Қодир Нойидир.

Абул Қодир Нойи темурийлар даврининг йирик мусиқашуноси мутаффаккирларидан бўлиб, мусиқа ҳақида “Жамъул алхон” ва “Шархул-адвор” номлик китоблар ёзиб қолдирган. У жуда кўп умрини туркий сultonлар саройида ўтказган. Амир Темур саройига келгунча Элхоний сultonлардан Сulton Увайс саройида яшаган. 1393 йилда Амир Темур Бағдодни забт этганда Ироқ ҳокими Сulton Аҳмад жалойирнинг хонадони, бағдодлик қули гул усталар ва ҳунармандлар билан бирга Хўжа Абдул Қодир ҳам Самарқандга кўчирилган. Мазкур асарларини бастакор Самарқандда ёзган бўлиши ҳам мумкин.

Хожа Абдул Қодир бу асарларида бизнинг қадимги туркий мусиқамиз-хусусида қимматли маълумотлар қолдирган. Турк олимлари Кўпирилизода ва Рауф Яктобекларнинг Хожа Абдул Қодир асарларидан олган иктибосларига кўра турк мусиқасининг бизда қолган энг бурунги излари баҳши, узон, кубуз сўзларида ифодаланади. Баҳши сўзи ҳозир ҳам дўмбира чалиб достон айтүвчиларга нисбатан ишлатилади. Шунингдек, ўрта аср уйғурларида баҳши сўзи котиб маъносида ҳам ишлатилган. XIII аср Элхонийларнинг ёзма манбаларида илоҳиётдан фол очувчи коҳинлар ҳам баҳшилар дейилган. Худди шундай ўзбек қўнғирот уруғларида ҳозир ҳам тақдирдан фол очувчи қушночлар баҳши дейилади. Демак, қадимги туркда коҳин-баҳши-шоир-мусиқашунос бир илоҳий илҳом туфайли юзага чиқадиган истеъдод саналиб “баҳши” сўзи билан ифодаланган. Чунончи, узон сўзи ҳам ўғуз туркчасида айнан баҳши дегани экан.

Хожа Абдул Қодирнинг ёзишича, қадимги туркларда уч усул доираси бўлиб, “кўк”лар деб аталган. Қадимги турк ҳоқонлари саройида эса қадимги хитойлар куйлари билан чатишиб кетган куйидаги тўққиз кугнинг 360 та тармоқ куйлари ижро қилинади. Тўққиз куг қуйидагича номланган: Улуғ куг, Арслончои, Бурс, Куладу, Кудадғу, Бурстарғай, Жантой, Хантой, Шандок. Қадим туркийлар чолғудан чиқариладиган оҳангларни куглар, овоз билан айтиладиганини эса “йир” ҳам “дула” дейишади.

Бу кугларнинг аксари Мухмаммас даврида бўладир ва баъзан рамал даврида ҳам бўладир. Аларни туркийу мўгулий абаёт ҳам дерлар. Аммо Ироқ турклари, мўътадилга кўпроқ мойилдурлар ва бу андоқ куйламоқ йўлидирким, Навода ё Ушшоқда ё Сегоҳда Ироқ узра куйлайди. Ва ани форсийу туркий абаёт ҳам дерлар. Бу абаёт рамал баҳрида бўлғай “Хожа Абдулқодирнинг бу гапларидан кўриниб турибдики, XIX асрда ёқ қадимдан ёнма-ён, аралаш яшаб келган ҳалқлар туркийлар, форсийлар ва хитойларнинг мусиқаси ва шеърияти бир-бирига сингиб кета бошлаган экан.

Тарихий манбаларга қараганда Хожа Абдулқодир 1399 йилда Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ саройида Табиризда пайдо бўлади. Бу даврда Мироншоҳ давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб кўяди, фақат майшатга берилиб кўнглига келган ишларни қила бошлайди. Хон авлодидан бўлган хотини Хонзодабегимни ҳам бесабаб бир неча марта жазолайди. Хонзодабегим Сultonи-

ядан түғри қайнотаси Амир Темур олдига Самарқандга келиб бутун воқеаларни сұзлаб беради. Бундан Амир Темур қаттың дарғазаб бўлади ва Озарбаинжонда ўзи тартиб ўрнатиш учун кўшин тортади. Энг даҳшатлиси, Мироншоҳнинг майшатида доимий хизматга жалб қилинган созандалар ва бастакорлардан бир гуруҳи Мавлоно Кўҳистоний, Кутбиддин Ноий, Ҳабиб Удий, гўянда Абдулмўминлар бегуноҳ дорга тортилиб кетади. Буларнинг орасида битта Ҳожа Абдулқодир қочиб кутилади.

Амир Темурнинг “Етти йиллик юришлари даврида, яъни 1402 йилда, Яқин Шарқ юришларида Ҳожа Абдулқодир Амир Темур ҳузурига тутиб келтирилади. Ҳожа Жаҳонгирни кўргандан чиройли овоз билан “Куръон” тиловат қилишга тушади. Амир Темур ўшандага “Ҳожа қўрққанидан ўзини “Куръон”га урди”-дейди ва уни авф этади.

Шоҳруҳ Мирзо ва Улуғбеклар даврида ҳам бир гуруҳ мусиқа мутафаккирлари фаолият кўрсатди. Буларнинг бошила зўр мусиқа билимдони ва ижро-чиси бўлган Улуғбек Мирзонинг ўзи турарди. Булар Дарвиш Аҳмадий, Султон Аҳмад Ҳисомий, Абдулвафо Хоразмий, балхлик Мавлоно Соҳиб, шаҳрисабзлик Абулбарак, ҳиротлик Ҳўжа Юсуф Бурхонлар бўлишган. Бу етук санъаткорлар Шоҳруҳ ва Улуғбек Мирзо саройида яшашиб, мавлоно Лутфий, Гадоий, Атойи, Саккокий, Сайд Аҳмад. Хоразмийларнинг ўтли фазалларига мусиқалар басталашиб, катта маҳорат билан ўзлари ижро қилишган ва иқтидорли ёшларни тарбия қилишганлар.

Мовароуннаҳрда Улуғбек сulton ўлдирилғандан кейин бу ерда узоқ вақт нотинчликлар ҳукм сурди. Ҳуросон мулкида эса Ҳусайн Бойқаро таҳти эгаллаб, барқарор осойишишалик ўрнатди. Навоий бошчилигида Темурийлар ҳукмрон бўлган жами ҳудудларда яшаётган илм-фан ва санъат аҳли алломалари-га хайриҳоҳли кўрсатди. Шу боис жуда кўп адабиёт, фан, санъат намоёндалари Ҳиротга - Ҳусайн Бойқаро ва Амир Алишер Навоий муҳитида жамланди. Бу муҳитдаги ҳамма соҳанинг улуғ зотларини санаса рўйхат чўзилиб кетади. Шу боисдан биз фақат уларнинг мусиқа соҳасига улкан хизмат қилингандарнигина санаб ўтамиш ва улардан ҳам айримларининг мусиқий фаолиятини шарҳлашга ҳаракат қилимиз.

Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида мусиқа устозлари Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Сайд Муҳаммад Паҳлавон, Ҳожа Дехдор, Устод Қулмуҳаммад Удий, Шайхи Ноий, Ҳусайн Удий, Камолиддин Биноий каби ўнлаб мусиқа билимдонлари, шоир ва драмлар фаолият кўрсатишиди. Абдураҳмон Жомий бевосита Навоийнинг илтимосига кўра ўз даврига мос ва тушунарли қилиб мусиқа рисоласи битди. Шунингдек, ўзи куйлар ҳам басталади. Мавлононинг “Нақши Мулло” куи ўша замонларда ҳам машҳур бўлган экан. Бу куй бизнинг кунларгача ҳам етиб келган. Навоийнинг дўсти ва шогирди Мавлоно Сайд Муҳаммад Паҳлавон ҳам машҳур созандада ва бастакор бўлиб, манбаларга кўра “Рост” мақомининг панжгоҳ ашула йўлларини у киши ижод қилган деган тушунчалар бор.

Ҳазрат Навоийнинг ўзлари ҳам замонасининг номдор бастакори бўлган. Мир Алишернинг бастакорлиги хусусида ўз замонасининг буюк билимдони, беназир Бобур Мирзонинг сўзларини айнан келтирамиз: “Алишербек яна мусиқада яхши ноъмалар bogлабдур. Яхши нақшлари, яхши пешравлари бордур. Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум

эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад, Шайхи ной Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбияти ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар".

Маълумки, Бобур Мирзо Ҳазрат Навоийни "кўп ва хуб" ёзган устоз шоир сифатида эътироф этиб, баъзан бадиятида айрим нўқсонлар ҳам борлигини бемалол айтиб ўтган. Лекин Навоийнинг бастакорлигига юқорида берилган бенуқсон баҳо-Навоийнинг нақадар улкан бастакор ва бенуқсон мусиқий устоз бўлганлигини кўрсатади.

Навоий ўзининг "Мезон улавзон" рисоласида ўша давр ўзбек мусиқаси хусусида қимматли маълумотлар ёзиб қолдиради. Ўша пайтлар турки-ўзбек улусида "арғуштак" исмлик куй борлигини айтиб кетади. Яна қуидаги мисраларни келтириб:

*Ай ҳуснингга зарроти жаҳон ичра тажалли  
Мазхар сенга ашё,  
Сен лутф била кавну мокан ичида мавла  
Оlam сенга мавла.*

Бу шеърий вазни араб ва форсийда йўқлигини айтиб, бир туркий-ўзбекча машҳур бўлган куйга мос келтирмоқ учун ўша замон шоирлари -14 бўғунлик газалга яна б бўғун қўшиб, буни шеърий мустазод жанри деб атаётганини ёзди. Навоий бунда мусиқа вазнига шеър вазни мослаштирилган дейди. Шунингдек, Ҳазрат Навоий даврида ҳам "қиз қўчириш", келин тушириш тўйларида ёр-ёр айтилишини мароқ билан ёзиб, фоят таъсирик куйлиги, мисралар охирида "ёр-ёр" айтилишини, аммо аруз вазнига туғри келмаслигини айтади ва қуидаги шеърий мисолни келтиради:

*Қайси чамандан эсиб келди сабо ёр-ёр,  
Ким домидан тушди ўт жоним аро ёр-ёр*

Бундан ташқари Навоий "гоятдан ташқари дилпазир ва рух афзо яна бир "турки" борлигини келтиради, буни профессор Фитрат мақомларининг кўпларида қўлланадиган "турк авжи" қисми бўлса керак-деб айтади. Шунингдек, Навоий қўнгрот узонларнинг узмоги, ўзбекларнинг будай-будай вазнга рост келмайди дейди. Бу дегани баҳшиларнинг баҳшиёнаси, ўша давр ўзбек-туркмасидаги ўлан-айтишувларнинг вазнга рост келмаслигини айтмоқда.

Энди Бобур Мирзо улкан бастакор" яхши нақшлари ва яхши пешравлари бор "деб тан олган Навоийдан бизгача етиб келган куйлар борми деган савол туғилади.

Бунда биз профессор Фитратнинг талқинларига таянамиз.

Абдурауф Фйтратнинг келтирган далилига кура, ҳозирги машҳур, "Қори наво" күйи олдинги асрларда ҳалқ орасида "Қадри Навоий", баъзи жойларда эса "Қари Навоий" шаклида аталган. XIX аср охири бизнинг асримизнинг бошларидан бу куй "Қори наво" бўлиб кетган деган фикрлар билдиради. Биз ҳам устоз Фитратга қўшилгимиз келади..

Темурийлар даври мусиқий устозларидан бири Ҳусайн Бойқаро саройида яшаган, ҳазрат Навоийнинг дўсти ва шогирди Саид Муҳаммад Паҳлавон бўлган. Бу одам Султон Ҳусайннинг биринчи полвони булиши билан бирга, энг етук созандаси ва бастакори ҳам бўлган. Бу киши Бойқаро саройининг катта күштирилик ва мусиқашунослик мактабини бошқарган. Шунингдек, Навоий даврининг машҳур шоирларидан бири Камолиддин Биной ҳам му-

сиқанинг етук алломаларидан бири булган ва рисолалар ёзганлиги, куйлар. басталаганлиги кўпгина манбалар орқали бизгача етиб келған.

Юқоридагилардан кўринадики, Форобийлар замонидан бошлаб “илми ийқоъ” билан “илми аruz”-яъни мусиқа ритмикаси билан шеър рўтимикаси ёки бўлмаса, мусиқа усули билан шеър вазни эгизак фанлар сифатида ўрганилиб келинган. Ҳар бир баркамол зиёли бу иккала фан назариясини ва амалиётини тенг ўзлаштиришга ҳаракат қилишган.

Темурий даврининг яна бир буюк мусиқашуноси, ҳазрат Навоийнинг кичик замондоши сўзсиз бу Бобурдир. Бобур Навоийданда кўпроқ мусиқага оид хабарлар стказувчи қимматли “Мухтасар” каби рисолаларни ёзиб қолдирган, Навоийда тилга олинган ўзбекча мусиқий атамаларга аниқликлар киритиб таъсифлаб кетган Бобур ўзининг

*Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму,*

*Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдиму.*

ғазали ўша даврининг “Тархоний” деган бир куйи билан айтилиб, туркий улусда жуда машҳур эканлигини айтади ҳамда шу кўйнинг “тақсими бир даврда, аёлгуси бир даврда” дейди. Бу ерда Бобур Мирзо айтиётган мусиқага оид “тақсим” ва “ёлғу” сўзларининг маъноси нима экан?

“Давр” мусиқий атама сифатида фанга IX асрда кириб келди. У дастлаб Ал-Киндий, Ал-Форобий, Ибн Сино каби буюк алломалар асарларида мустаҳкам мусиқий атама сифатида яшай бошлади. “Давр” улар асарларида мусиқанинг ўлчам ритмик доиралари, ритмик шакллар сифатида, кейинроқ эса “давр” ёки унинг кўплиги “адвор” мусиқанинг умумий жами қонун-қоидалари тизими маъноларида ишлатила бошланди. Ҳазрат Навоий ҳам “адвор”-ни мусиқага оид фан эканлигини шундай ифодалайди.

*Илми адвору фани мусиқий,*

*Мендин ул илм бўлди таҳқиқий.*

“Тақсим” сўзи ҳозирги Туркияда ва шунингдек, бир қанча араб мамлакатларida ҳозир ҳам мусиқа атамаси сифатида ишлатилади. Араб мусиқашунослари “тақсим”-чолғу импровизация жанри бўлиб, туркий халқлар мусиқа санъатидан арабларга ўтган деб тушунтиришидаи. Демак, бизнинг боболаримиз ижод қилган чолғу ижро -топқирлик- яъни импровизация жанри-“тақсим”номи билан Туркия ва Яқин Шарқ мамлакатларида мусиқа атамаси сифатида ҳамон яшаяпти.

“Аёлғу” эса ижронинг айтим йўлидир. Бояги “Тархоний” куйининг чолғу қисми- яъни бошланиши ва ораларидаги чолғу паузалари билан ашула-айтим қисми усулида фарқ борким, Бобур “тақсим” билан “аёлғу”си бошқа бошқа даврда деяпти. Навоий ҳам “аёлғу” хусусида шундай дейди:

*Аёлғунинг неча ёр-ёр ўлгуси,*

*Менинг ишларим зор-зор ўлгуси.*

Энди диққатга сазовори шуки, Бобурнинг ўша “Тархоний” куйига солиб ижро қилинган ғазали ҳозир ҳам “Рост” мақомининг “Қашқарчай савти калон” ўзъбаси бўлиб ижро қилинади. Лекин бунда мусиқаси усули билан сўз айтиши усулида фарқ йўқ. Демак, ўша пайтдаги “Тархоний” куйи билан “Қашқарчай савти калон” бошқа-бошқа куйлардир..

Шунингдек, Бобур Мирзо “оргуштак” мусиқий атамаси хусусида ҳам бизга аниқ маълумотлар беради. У ёзади: “Султон Ҳусайн Мирзо замонида

яна бир суруд чиқтиким, туркийга ўқ мавсум бўлди, анга даги ушбу вазнни тақсим қилурлар, ул даги икки даврда боғланибдур:

*Келгил эй оромижон, печа тортай интизор,  
Қилди ҳажринг потавон, қилди шавқинг бекарор.*

Бу вазн турк орасида “кўшиққа мавсум. Оргуштак битарда бу вазн тақсим қилурлар”. Демак, Бобурнинг кўрсатишича аргуштак-ашула-рақс жанридир. У ҳозирги фольклор-этнографик-ашула-рақс жанридир. У ҳозирги фольклор-этнографик-ашула-рақс дасталарининг ижро услубларининг ўзгинасидир.

Ҳазрат Навоий ҳам “аргуштак” қандай мусиқий тушунча эканлигини күйдаги мисраларда аниклаштириб қўйган:

*Хуш улки, базмда ойлар тепарда аргуштак,  
Шоҳ анда танбур чалиб, Навоий деса қўшиқ.*

Демак, “аргуштак” созлар ва ҳофизлар жўрлигига ижро қилинадиган шуҳ якка ва жамоа бўлиб ижро қилинадиган рақсdir.

Сўзни муҳтасар қиласкар бўлсак, Темурийлар даврида, Темурийларнинг ўзидан ва улар бошқарган ҳудудлардан буюк мутафаккирлар етишиб чиқди. Улар фан, маданият, адабиёт, меъморчилик, мусиқа, тасвирий санъат соҳасида қилган ва қолдирган бебаҳо мерослари билан инсон шанини яна юксакликларга кўтардилар. Улар бугун ҳам, келажакда ҳам бутун илфор инсониятнинг ва меросхўр авлодларнинг ғурури бўлиб, мангуликка даҳлдор бўлиб қолавердилар.

# ЎЗБЕК ХАЛҚ МУСИҚАСИННИГ КЕЙИНГИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛЛАРИ

Мусиқа илмидан мукаммал билим бериш, қадим-қадим замонлардан, яни эрамиздан олдин қадимги шарқ мамлакатларида бошланган. Хитой, Хиндиистон ва Юнонистон каби мамлакатларда милоддан олдин ҳам профессионал мусиқа мактаблари мавжуд бўлган. Ўрта асрларга келиб Овропанинг турли жойларида ҳам мусиқа билимгоҳлари вужудга кела бошлади. Бу билимгоҳлар католик черковларига хизмат қиласидиган хор ва машшоқларнинг профессионал мактаблари эди. Халқ мусиқа санъатининг ривожланиши, халқ театр ва оркестрларининг кўпайиши муносабати билан дунёвий мусиқа таълими кенгайди, турли мусиқа мактаблари, мусиқа-чолғучилар устахоналари ташкил топди. 17-асрга келиб Фарбий Овропа мамлакатлари, жумладан, Италия, Франция каби мамлакатларда олий мусиқа билимгоҳлари-консерваториялар очилди.

18-асрдан бошлаб эса Россияда ҳам мусиқа билимгоҳлари ташкил топа бошлади. 1862 йилда Петербургда, 1866 йилда эса Москвада консерваториялар очилди. Бу олий мусиқа даргоҳларидан рус ва жаҳон мусиқа маданиятининг улуф арбоблари Чайковский, Римский-Корсаков, Шостакович ва бошқалар етишиб чиқди.

XIX-XX асрда Россия мустамлакаси бўлган халқлар мусиқаси ҳам рус мусиқаси таъсирида бўлди. Инқилобдан сўнг Россияда мусиқа таълименинг қўйидаги давлат режими барпо этилди. 7 йиллик бошлангич мусиқа мактаблари, ўрта маълумотли мусиқачи кадрлар тайёрлайдиган 4 йиллик мусиқа билим юрилари, олий илмгоҳлар қошида 11 йиллик маҳсус мусиқа мактаблари, олий ўқув юртлари-консерваториялар ва улар ҳузурила аспирантуралар.

Бошлангич мусиқа мактабларининг мақсади болаларда мусиқага ҳавас уйғотиш, уларни бирор чолғу асбобида чалишга ўргатиш, мусиқа назариясидан дастлабки билим беришдан иборат. Қобилиятили ўқувчилар мусиқа билим юртларига кириб мусиқа маълумотларини давом эттирадилар. Олий ўқув юртлари ҳузуридаги ўрта маҳсус мусиқа мактабларида мусиқага ўтга қобилиятили болалар ўқиди. Мусиқа билим юртини тутатган истеъододли ўқувчилар конкурс орқали олий илмгоҳларга қабул қилинади. Мусиқа олий ўқув юртлари мусиқа таълименинг барча ихтиослари бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрлайди.

Шунингдек, мамлакатимизда турли умумий таълим мусиқа мактаблари, болалар филармониялари, хор студиялари, халқ университетлари, клублар ва улар ҳузуридаги хилма-хил бадиий коллективлар халқимизни мусиқий - эстетик тарбиялашда хизмат қиласиди.

Ўзбекистонда мусиқа таълими тарихий тараққиётiga бир назар соладиган бўлсақ, қадимги цивилизациянинг бешикларидан бири бўлган Ўрта осиёнинг юраги бўлмиш Ўзбекистонда бошқа барча фанлардек мусиқа санъати ҳам қадимдан ривожланган. Буни аждодлардан бизга мерос бўлиб қолган улкан мусиқа мёросимиз тасдиқлайди. Халқимизнинг мусиқа санъати ёдгорликлари то бизнинг кунларгача мукаммал етиб келишида халқимизнинг мӯқаддас анъаналари кўл келган. Бу анъана, бирор соҳанинг мутахассиси бўлган киши ўша соҳани мукаммал эгаллаши ва ўзи ҳам уни бойитиши, кейинча-

лик уни ўз фарзандлари ҳамда шогирдларига мукаммал ўргатиши яъни уни ишончли қўлларга топшириб кетиши анъанаси бўлган. Нота ёзувини билмаган ота-боболаримиз ана шундай йўл билан ўз мусиқа санъатларини келажак учун асрар-авайлаганлар. Ўзбек халқининг асрдан-асрға, авлоддан-авлодга ўтиб, ривожланиб келган улуғ санъат меросига ашула-қўшиқ ижрочилик йўллари, чолғу ижрочилик йўллари, халқ оғзаки қўшиқ-достончилик йўллари, халқ ривоятчилик ва эртакчилик йўллари кирган.

Бундан ташқари юксак қуръон қироатхонлиги, етук азончилик ва бадиҳа маддохликлар ҳам санъатнинг ажралмас қисмлари ҳисобланган.

Қадимги Ўзбекистон шаҳарларида санъаткорлар ихтиёрий гуруҳларга ўюшиб фаолият кўрсатишган. Батзи катта шаҳарларда бундай гуруҳлар бир нечта бўлган. Бу гуруҳлар фақат хонанда ва созандалардан иборат бўлмай, балки уларнинг орасида қизиқчилар ва қўғирчиқбозлар ҳам бўлишган. Ибратли томони шундаки, бу гуруҳлар санъатнинг турли жанрлари бўйича ўзаро мусобақа олиб боришган ва бир-бирларини рафбатлантириб, бойитиб боришган. Бу гуруҳларнинг бошида элу юртга танилган устоз санъаткорлар турган. Айниқса бу гуруҳлар ўзаро ўюшиб турадиган мақомхонлик қўриклари юксак маҳорат мактаби вазифасини ўтаган. Бунда маълум бир гуруҳ куннинг маълум бир соатигача мақомнинг маълум бир қисмини ижро этган, навбатдаги гуруҳ эса улар тўхтаган жойдан давом эттириб кетаверган, шундай қилиб, мақомхонлик бир неча кунлаб давом этган.

Қадимги ўзбек санъаткорлари ўз санъатини чойхоналарда, майдонларда, дорбозлик ўйинларида, халқ саийлларида намойиш қилганлар. Бундан ташқари шоҳлар ва амирлар саройларида ҳам энг сара мусиқачилар хизмат қилишган.

Улар замонасининг етук шоирлари томонидан яратилган сара шеърларга куйлар басталаганлар ва ижро қилганлар. Қадимда ижрочилик маҳоратининг чўққисига чиққан ўзбек санъаткорлари ўз санъат мактабларини яратишга ҳаракат қилишган, бунинг учун улар халқ орасидан энг истеъоддли ўғил болаларни танлаб олиб якка тартибда ўз маҳоратларини ўргатишган. Бундай шогирдлар бир-иккитадан ошмаган, улар 10-15 йиллаб ўз устозларидан ажралмай улар маҳоратининг ипидан иғнасигача ўрганишган. Шундай қилиб, бу устоз-шогирдликнинг анъанавий занжири авлоддан-авлодга ўтиб, уланиб келаверган. Шунинг учун ўзбек мақомчилигининг Тошкент-Фарғона, Хоразм, Бухоро йўллари ҳам, ўзбек достончилигининг Самарқанд, Сурхондарё-Қашқадарё йўллари ҳам, қўшиқчилик ва чолғучиликнинг Фарғона-Тошкент, Хоразм, Бухоро-Самарқанд йўллари ҳам омон-эсон бизнинг кунларгача етиб келган.

Мусиқа илми алломалари IX асрдан бошлаб бу фан соҳаси ҳақидаги ўз илмий қарашларини ва мулоҳазаларини катта трактатлар ва риссолаларда ёзib қолдиришган. Мусиқа илми назарияси ва амалиётининг илк бош китобларини яратган олимларнинг бошида бобокалонимиз Мұҳаммад Фаробий турадилар. Фаробийнинг “Китоб ал-мусиқа ал Кабир” яъни “Улуғ мусиқа китоби”, “Китоб фи-л мусиқа” яъни “Мусиқа ҳақида китоб” ва ниҳоят унинг асосий меҳнати сингган “китоб фихсо-ал улум ва аттабъриф” яъни “Фанларни синфлаштириш китоби” да мусиқанинг ўзига хос хусусиятларй қенг ва чукур ёритилади. Бу нодир асарлар кейинги авлод олимларининг мусиқанинг янги-янги қирраларини тадқиқ қилиши учун калит вазифасини ўтаган. Бундан ташқари, Амир Темур ҳузурида яшаган машҳур мусиқачи ва бастакор Абдулқодир Марогий

ҳам мусиқа илми ҳақида катта трактат ёзib қолдирган. Ўрта Осиёning машхур шоирлари Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг ҳам мусиқа ҳақидаги рисолалари мусиқа илми дурданаларидан ҳисобланади.

XVII асрда Ўрта Осиё мусиқачиларининг пири саналган Дарвишали Чангийнинг мусиқа ҳақидаги таркватини шарқ мусиқачилари мажмуаси дейиш мумкин, чунки у бу ишида IX асрдан то ўз асригача бўлган машхур мусиқачи-бастакорлар ҳақида қимматли маълумотлар беради. Бу тарквада биз буюк шоирлар Рудакий ва Фирдавсийлар ҳам машхур мусиқачилар эканлигини ҳам биламиз: мусиқачилар: Мавлон Мироғий чангий Бухорий, Султон Муҳаммад удий Самарқандий, Хўжа Юсуф Андижоний, Мавлон Мир Гурий, Нажмиддин Кавқабий Бухорий, Сайид Аҳмад Мехтар Мироғийлар билан танишамиз.

Октябрь тўнтарувидан кейин Россия ўзининг Марказий Осиё ҳудудлари-даги, жумладан Ўзбекистонда бир мунча маданий-маърифий ишлар қилди. 1981 йил марта халқ маорифи совети ва 1919 йилда эса Туркистон халқ маориф комиссарлиги ташкил топди. Маориф комиссариатида бошқа фанлар қатори санъат бўлими ҳам бўлиб, уч кичик бўлимларни ташкил этарди. Улар қўйида-гилар эди: мусиқа бўлими, театр бўлими ва тасвирий санъат бўлими. Мусиқа бўлими зиммасига қўйидағи вазифаларни адо этиш юклатилган эди:

1. Ҳар хил типдаги махсус ва умумтаълим мусиқа мактаблари тармоқла-рини ташкил этиш.

2. Биринчи навбатда тубжой миллат болалари ўқийдиган ягона меҳнат мактабларида мусиқа таълимини йўлга қўйиш.

3. Бор имкониятдан фойдаланиб, ҳар хил савиядаги концерт-ҳаваскор-лик тўгаракларини тузиш ва бошқалар...

Бу режаларни амалга ошириш учун ўзбек мусиқачи зиёлилари бел боғлаб ишга киришдилар. Ўлкада бу хайрли тадбирларни амалга ошириш учун замин бор эди. Чунки XX асрнинг бошларида ёк илфор ўзбек зиёлилари янги услубдаги мактаблар очиб, мусиқани дунёвий фанлардан бири сифатида мактаб йўриғига кириптган эдилар. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг Кўқондаги, Абдулла Авлонийнинг Тошкентдаги, Абдуқодир Шакурийнинг Самарқанддаги мактаблари шулар жумласидандир.

1922 йилда I ва II босқич ягона меҳнат мактаблари учун Туркистон халқ комиссариати-маорифининг “Мактабда мусиқа” йўриқномаси Москвалик мутахассис Н.Брюсованинг Кириш сўзи билан чиқди. Бу мусиқа таълимининг аниқ йўриқномаси эди. “Мактабда мусиқа” ластури қўйидағи тартибда тузилган эди:

**Машғулот ластури.** Мусиқа ва ашула, яъни мусиқа тинглаш, мусиқа ижоди, мусиқа саводи ягона меҳнат мактаблари ҳаётининг ажралмас қисмидир. Ягона меҳнат мактабларида мусиқа таълимининг мақсади ўқувчилар руҳий дунёсини бойитишдир. Мактаб ўқувчиларида мусиқани онгли равишда тинглаш, тушуниш ва бадиий мусиқа тўгаракларида ижрочилик маҳоратларини ўргатиши керак.

Мактаб барча босқичларда чинакам бадиий халқ ижодий санъати бўлиб қолган, бетакор халқ оҳангларини ўқувчиларга сингдириб бориши керак...

**Л-босқич.** Биринчи ўқув йилида мусиқа таълимининг вазифаси-музиқа ҳис-тўйғусини ўйғотиш ва мусиқани севишини ўргатишдир. Ўқувчилар бунда оддий халқ қўшиқларини, айтишуввларни жўрсиз ижро қиласилар, бироз

малака ҳосил қылғандаридан кейин эса содда мусиқа жүрлигіда ижро этишади. Кейинчалық товуңлар чұзими ва овозларнинг алмашинуви билан таништирилді. Ұқыннің иккінчи йилида эса мусиқа саводи, яғни нота билан күйлаш, таниш ашулашарни нотага күчириши малакаларини ўрганади.

Ш-босқич. Яғона меңнат мактаблари юқори босқичларида ұқыувчилар бириңи ғалла халқ маданияты ва мусиқа ижоди билан чуқур тәрнәшіши, мусиқа саводини мұккаммал би. Үшінші, мусиқа адабиетини ўрганиши керак. Мусиқа жанрининг барча тұғараларига онгли равишда қатнашишлари керак. Үлдердің яхни ашуда мусиқа-чөлғу асарлари билан танишиши, классик мусиқа ва уннің ижолкорлари ҳастины ўрганиши керак ва ҳоқазо...

Бундан күрініб турибиди, дастур мусиқа таълимінің түрі йўриқларини күрсеге билгін. Мана шундай дастурлар ёрдамда ұзбек мусиқачилари үз имкониятлары даражасыда инқилобий Туркистаннинг янги усул мактабларда мусиқа таълимі олиб бордилар.

Туркистан халқ маориф комиссариатининг санъат бўлими, айниқса, концерт-даваскорлик тармоқларини ташкил этишда жонбозлик кўрсатди. Машхур қушиқи Шораҳим Шоумаров 1919 йилда Тошкентдаги "Намуна" мактаб-интернатида драма тұғараги ташкіл этиб, Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин"ини саҳналаштириди. Бетакрор доирачи уста Олим Комилов Тошкент үкүв юртларida ва меҳнат корхоналарыда мусиқа тұғараларига раҳбарлик қилди. Фарғонада Ҳамза, Андижонда Тўхтасин Жалилов мусиқа ва театр тұғараларига бош-қош булиши.

20-йилларда Хоразмда инқилоб ғалаба қылғандан кейин миллій мусиқа-нинг зукко билимдонлары Матяқуб ва Матюсоф Ҳарратовлар Хоразм мусиқа маданиятинің равнақига жон фидолик құлдилар.

Фарғона-Тошкент мақом йўлларининг билимдони Мулла Тўйчи Тошмухамедов Тошкентда, Бухорода Леви Бобохонов ва Матбуффон Тошпұлатов, Самарқандда уста Шоди Азизов ва Ҳўжа Абдулазиз Абдурасуловлар турли санъат тұғараллар түзишиб үзларининг дурдона санъатларини халқ фарзандларига ўргатдилар.

Уларнинг мусиқа мактабидан Ўзбекистон санъати ва мусиқасининг донғолини оламта ёдіктан устоз санъаткорлар М. Ашрафий, Ю. Ражабий, Т. Содиқов, М. Бурхонов, Д. Зокиров, К. Жабборов, С. Калонов, Н. Ҳасанов, Ҳ. Носирова, Н. Аҳмедова, Тамара Хоним, М. Турғунбоева ва бошқалар етишиб чиқди.

20-йилларда Е.Романовская, Н.Миронов ва В.Успенский каби ўрус мусиқашунослари үзбек мусиқасини ўрганиш ва ёзіб олиш билан шуғуландылар. Ұша йигирманчы йилларнинг охирларыда бир қанча мусиқашуносликка оид рисолалар ҳам бунёдга келди. Булар Фитратнинг "Ўзбек класик мусиқаси", Н.Мироновнинг "Ўзбеклар мусиқаси" ҳамда А.Семенов ва бошқаларнинг ўзбеклар ва бошқа Ўрга Осиё халқларининг мусиқасига оид рисолалари эди.

1934 йилда Ўзбекистонда олий мусиқа билимгохи ташкил этилди ва у 1936 йилда Тошкент давлат консерваториясига айлантырылди. Шундай қилиб, Ўзбекистон мусиқа таълими даврмა-давр ривожланиб борди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг умумтаълим мактаблари учун ҳам мусиқа дарсликлари чиқа бошлади. Шундай дарсликларнинг илк қалдирғочи Ильяс акбаровнинг "Бошланғыч мусиқа саводи" дарслиги бўлди. Энди мусиқа тарбияси услубиятини такомиллаштириш зарур эди.

# БОШЛАНГИЧ МУСИҚА ТАЪЛИМИ УСЛУБИЯТИ

## Бошлангич мусиқа таълими принциплари, мақсад ва вазифалари тавсифи

Мусиқа умумий таълим мактабларида ўқувчиларга гуманистик тарбия-сифатида, хусусан эстетик тарбия беришнинг ажралмас бир қисми сифатида ўқитилади. Мусиқа бевосита ҳис-түйғуларга қаратилганлиги туфайли болаларни асарда ифодаланган кечинмалар ва фикрлар доирасига фаол равишда жалб қиласиди. Мана шунинг учун ҳам мусиқа бир вақтда минглаб кишилар билан ҳис-түйғулар тилида инсоннинг қалб тилида сўзлашиш имкониятига эга.

Мусиқа ўз табиатига кўра, кишилар ҳаёти, уларнинг ўз-ўзларига, турли воқеаликка бўладиган муносабатини ва бошқа ички кечинмаларни хилма-хил товушлар бўёқлари орқали, бадиий боразлар орқали тасвирлайди. Мусиқа инсон ҳиссиётига кучли таъсир эта олиш хусусияти билан тарбиялашнинг муҳим воситасидир.

Умумий таълим мактабларида, жумладан, бошлангич синфларда мусиқа фани қуйидаги вазифаларни амалга оширишни мақсад қилиб олади:

1 Ўқувчиларда мусиқага ихлос ўйғотиш, уларнинг мусиқавий қобилиятини /ритм түйғусини, мусиқавий ўқуви, диққати, тасаввури ва хотирасини /бадиий дидини/ ўстириш.

2 Ўқувчиларнинг маънавий қиёфасини такомиллаштириш, товушлардаги, табиатдаги, кишилар муомиласидаги гўзалликни кўра олиш, ҳис этиши ва ўзлаштириб олишга ўргатиш Она-Ватанга муҳаббат, фуқаролик маъсулиятини ҳис қилиш, жамиятга фойда келтиришга иштиёқ, фарзандлик, ўқувчилик ва жамоатчилик олдидағи бурчни англаш, дустлик, ўртоқлик ва байнаналинчиллик түйғуларини ҳис этиш, ҳаётда фаол ўринда туриш каби олий ҳисларни, ахлоқий тушунчаларни сингдириш. Дидисизлик, хунуклик, ғоясизлик, тубанлик ва бошқа салбий ҳислатларга нисбатан ҳаётда муросасиз бўлинини тарбиялаш.

3 Ўқувчиларнинг бадиий ижодкорлик қобилияtlарини ўстириш. Гузаликни ҳаётга, ўқиш, меҳнат ва ҳатти-ҳаракатларга олиб кириш. Ўз-ўзига атрофдаги барча нарсаларга гўзаллик кирита олиш.

Бошлангич синфларда маҳсус олий ва ўрта мусиқа маълумотли мутахассислар билан бир қаторда, бошлангич синф ўқитувчилари ҳам мусиқа дарсларини мутахассислар олиб боришлиги кўтарилиган бўлса-да, мусиқа ўқитувчилари етарли эмаслиги сабабли буни тўлиқ амалга ошириш имконияти бўлмаяпти. Шунинг учун институтларнинг бошлангич таълим методикаси бўлимларида мусиқа таълим мини жиддий йўлга кўйиш, мусиқа мутахассислари етарли бўлмаган мактабларнинг ишлаётган бошлангич синф ўқитувчиларини малака ошириш курсларида қайта тайёрлаш зарур. Шунингдек, мусиқадан маҳсус

билими бўлмаган бошлангич синф ўқитувчилари мусиқа мутахассислари билан ҳамкорликда бамаслаҳат иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

- Маълумки мусиқа дарслари қўйидаги асосий қисмларни ўз ичига олади,
- 1 Ашула-хор ижро этиш.
  - 2 Мусиқа саводига ўргатиш.
  - 3 Мусиқа тинглаш.

Бу учала қисм ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, уларнинг муштараклиги дарснинг тўлақонли сифатини белгилайди. Дарснинг бу қисмларининг ҳар бирини қўлланманинг кейинги бобларида алоҳида методик таҳлил қилинishi лозимлиги учун бу ерда уларга қисқача, умумий тарзда тўхтalamиз.

1 Ашула-хор ижрочилиги мусиқа дарсининг асоси сифатида бевосита ўқувчиларнинг фаол иштироки билан амалга ошириши билан ёзиға хослир. Қуйлаш жараёни мураккаб психологик-физиологик ҳолатларда кечади. Бунда ўқувчилар олий нерв фаолияти тезлашади. Миянинг остки ижобий завқшавқ марказлари ишга тушади. Болаларда юксак бир бадиий кўтаринкилик кайфияти пайдо бўлади. Шунингдек, овоз ҳосил қилиш аъзолари: бўғиз, товуш пайчалари, нафас, жағлар ва лабларнинг умумий қўйлаш кўнилмалари мукаммаллашиб боради.

Қўшиқлардан тарбиявий фойдаланиш ҳар бир синф ўқувчиларининг ёши ва мусиқавий қобилияти ва овоз имкониятини ҳисобга олган ҳолда мавзеси ва тавсифи жиҳатидан турлича бўлган асарларни танлаш тавсия қилинади. Ўрганиш учун мўлжалланган қўшиқлар репертуаридан Она-ватанга, унинг табиати, жонворлари, ҳалқимиз меҳнати ва ҳёти билан боғланган турли байрамлар, фаслларга, ахлоқ-одоб мавзуига кенг ўрин берилиши керак.

Танланган қўшиқлар хилма-хил жанрларда бўлиб, лирик қўшиқлар, ҳазил-мугойиба тарзидаги қўшиқлар, болалар ҳалқ қўшиқлари, болалар ўйинлари ни ўйнаш учун мос келадиган қўшиқлар, маршлар ва вальслардан иборат бўлиши керак.

Шунингдек, ашула-хор ижрочилигига қардош жумхуриятлар композиторларининг, рус ва чет эл классик композиторларининг асарлари, дунё ҳалқларининг қўшиқларидан намуналар ҳам ўргатилади. Ўргатиладиган қўшиқларнинг foявий-ахлоқий ва эстетик мазмунини ўқувчиларга яхшироқ сингдириш учун темага хос кириш, этик суҳбатлар, савол-жавоблар, ифодали ўқиш, расмлар таҳлил қилиш, дафтарга, темага хос расмлар чизиб келиш, эски газета ва журнallардан расмлар кесиб ёпишириш каби усуллардан кенг фойдаланиш тавсия қилинади.

Мусиқа асарлари ижро давомида белоён вақтнинг маълум бир бўлагида яшайди ва шу вақтнинг давомийлиги туфайли инсоннинг ички дунёсини, ҳис-туйғуларини ва фикрларини ривожллантиришда ифодалаб беради, инсоннинг ҳаяжонли ҳолатининг энг нозик ўзгаришларини изҳор этади.

Том маънодаги сеҳрли мусиқа тилини тушунмоқ учун унинг ифода воситаларидан, оддий қоидаларидан саводхон бўлиши керак. Ҳўш, мусиқанинг ифода воситалари нималардан иборат, овоз ёрдамида инсоннинг бутун ички дунёсини ифодалай оладиган мусиқа тили нима?

Мусиқанинг асосий ифода воситаларидан бири- мелодиядир. Мелодия грекча сўз бўлиб, қўшиқни қўйлаш демакдир. Мелодия ўзбекча мақом сўзи-

мизга түғри келади ва бундан кейин уни мақом деб юритамиз. Мақомнинг шодлик ва мунглиликтин, ором ва ҳаяжон каби инсон туйғуларини ифода этиш имкониятлари бениҳоя катта. Улуф рус композитори В. Рахманинов, мақом мусиқанинг бош асоси, мақомнинг ўзи мусиқадир деб айтган эди. Мақом овозлар овситасида образли фикр юритишидир.

Мақомнинг ўзи ритмсиз ундан ташқари бўлиши мумкин эмас, ритм овозларининг вақт, замонда ташкил топишидир. Мусиқа ритмлари алоҳида ташкил топувчанлиги ва ифодалилиги билан фарқ қилиб турало. Ритм аниқлиги бир меъёрда такрорланиб турадиган тактлар, бир зайлда кўйлаш ва ҳаракат қилишини осонлаштирибгина қолмай, балки, халққа куч-ғайрат, ирода баҳи этадиган восита ҳамдир. Мусиқани чуқур тушунмоқ учун унинг барча ифода воситаларини, наазариясини, нота-ёзув системасини изчил ўрганиб бориши керак.

3 Мусиқанинг бадиий таъсир бойлиги кишининг онгини бениҳоя ҳаяжонлантиради, мусиқа образларининг ривожланишини кузатиб боришига, руҳий кечирилган воқеалар устида ўйлашга мажбур этади.

Шунинг учун ўқувчиларни ҳақиқий, реалистик мусиқа асарларини севиш ва уни маҳсус тинглашга тайёрлаш керак. Чинакам мусиқада унинг бутун ифода воситалари ишга өсолинади. Мусиқа тилининг барча бойликларидан фойдаланилади. Модомики мусиқа ўзининг ижро-ривожланиш жараёнида тараққий қиласар экан, у ҳолда мусиқани чуқур ҳис қила билмоқ учун мусиқани тинглашни ўрганиши керак. Мусиқани эшитиш малакаси ва тâжрибасига эга бўлмоқ керак. Мусиқа тинглашдан чиқарилган ғоявий хulosалар китоблардан ҳосил бўлган хulosалардек очиқ ва аниқ бўлмаса-да, лекин күп мусиқа асарлари ғоявий мазмунининг қути ғоятда буюклиди.

XX асрнинг буюк композитори Д. Шестокович мусиқа тарбиясининг жуда катта аҳамияти ҳақида гапириб, йигит ва қизларга мурожаат қилиб бундай деган эди:-“Буюк мусиқа санъатини севинг ва ўрганинг”. Бу санъат сизга бутун бир юқсан туйғулар, завқ-ҳаваслар, ғоялар оламини очиб беради. У сизни маънавий жиҳатдан бойроқ, софроқ ва баркамолроқ қиласди, мусиқа туфайли сиз ўзингизда янги, илгари сизга сезилмаган кучлар топасиз. Сиз ҳаётни янги ранг ва бўёқларда кўрасиз. Мусиқа сизні жамиятимизнинг муддаоси бўлган энг баркамол инсон идеалига яқинлаштирилади.

## БОШЛАНГИЧ АШУЛА ВА ХОР МУСИҚА ТАЪЛИМИ

Умумтаълим мактабларида бошлангич мусиқа таълими асосини ашула-хор ижрочилиги ташкил қилади. Мусиқали бадий образлар орқали жонли ижодий мулоқот билан ашула-хор ижрочилигининг ўрни алоҳидадир. Ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини оширишда бошқа биронта дарс формаси ашула-хор ижрочилигининг олдига тушолмайди. Мана шу ўзининг бадий образли тарбиявий кучи билан ашула-хор таълими мактабнинг умумтарбиявий ишида ўз мавқеига молик ўринда туриши керак. Ва бунда тарбиявий аҳамияти ўқсак бўлган репертуар асарлари танлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, ашула-хор ижрочилигининг баркамоллиги ўқувчиларнинг умумий мусиқа маданиятига, бадий дидига, мусиқа эшиши таълималарига ва мусиқий саводхонлигига боғлиқ бўлади.

Бошлангич таълимнинг бу масалалари бевосита мусиқа адабиётини, мусиқа саводини ҳам ашула-хор ижрочилиги маҳоратини изчил ўрганиш билан ечилиб борилади.

Ашула-хор ижрочилиги маданиятига ўқувчилар куйлаш малакалари орқали эришадилар.

Ашула-хор ижрочилиги таълими ижрочилик саиъати бўлганлиги учун ҳам ўқитувчи ўз олдига, ўқувчиларда тўғри куйлаш малакасини шакллантиришни, болалар овозини сақлаш ва тарбиялашни, хор малакаларини шакллантиришни, маҳсус мақсад қилиб қўйиши лозим ва шуларнинг барчаси муштраклигига умумий мусиқа маданиятига эга бўлган баркамол шахсларни тарбиялаб бориши зарур.

Ашула-хор мусиқа таълимининг қўйидаги ажralmas таркибларини ҳам бир мусиқа муаллими пухта билиши ва амалда тадбиқ этиши жоиздир:

### КУЙЛАШ КЎНИКМАЛАРИ УСТИДА ИШЛАШ

Биринчи шуни қайд этиб ўтиш зарурки, куйлаш кўниkmалари асосий ўқув ишларининг асосини ташкил этмаса-да, ашула-хор малакаларининг ажralmas қисми сифатида уни назардан қочирмаслик керак, чунки куйлаш кўниkmаларисиз хор ижрочилигига муваффақият қозониб бўлмайди.

Ўқувчиларга куйлаш кўниkmалари хусусида қўйиладиган талаблар синфдаги ашула дарси жараённада ҳам, синфдан ташқари хор тўғаракларида ҳам бир хил бўлиши керак.

КУЙЛАШ ХОЛАТИ. Дарс мшгулотининг бошидаёқ ўқитувчи ўқувчиларга куйлаш ҳолати ҳақида тушунча бериб, гавда ва бошни тўғри тутишни айтиши, вужуд мушакларининг таранглашиши ва бўшаши, елканинг букилиши, тиззаларнинг букилиши ва бошқа нотўғри ҳолатлар ижрога салбий таъсир қилишини тушунтириб қўйиши керак.

НАФАС. Куйлаш кўниkmаларининг асосий нуқталаридан бири бу нафасни тўғри идора қилишdir. Ижро қилинаётган асар мазмунини тўғри ва аниқ очиб беришда ижрочилик нафаси қатта аҳамиятга эга.

Ашула мутахассисларида ижрочилик нафасининг бир-биридан фарқ қила-  
диган уч тuri ҳақида гап боради:

1. Юқори қовурға ости нафаси ёки елка нафаси
2. Күкрап нафаси.
3. Пастки қовурға ости нафаси ёки күкрап-қурсоқ нафаси.

Қўшиқчилик амалиётида биринчи тип нафас тuri мутлақо яроқсизлиги исботланган, болаларнинг бундай нафасга ўрганиб қолишининг олдини олиш керак. Ижрочиликда күкрап ва күкрап-қурсоқ нафаси қадрланади ва айниқса ижрочи кейинги нафас турини мукаммал идора қилишни эгаллаган бўлса бу унинг ярим ютуғи саналади.

Ижрочилик нафаси устида ишлаганда болаларда табиий кўнималарига эришиш ва сунъий нафас одатларидан сақлаш керак. Тўғри, нафас ғижжакчи қўлидаги камондек, бошқа овоз аппаратлари билан ҳамкорликда товушларнинг тўлақонлилигини таъминлайди.

**ТОВУШ ХОСИЛ КИЛИШ.** Мусиқа муаллимлари шуни эътиборда тутишлари лозимки, болалар овозлари ўқувчилик даврида учта ривожланиш босқичини босиб ўтади. Овознинг изма-из келувчи бу ривожланиш босқичларининг тавсифи қўйидагича:

1. Овоз ривожланишининг биринчига 7-8 ёшдан 10-11 ёшгача бўлган 1-Ш синф ўқувчиларининг овози киради. Бу босқичдагиларнинг овози соғ бола овози, тоза жарангдор ва енгил бўлади. Шу билан бирга бу босқичда болалар овози бир-биридан ўзига хос фарқ қилмайди ва тўлақонли бўлмайди.

2. Овоз ривожланишининг иккинчига 11-12 ёшдан 14 ёшгача бўлган 1Y-У1 синф ўқувчиларининг овози киради. Бу босқичда болалар овози ранг-баранглик касб этиб аралаш товушлар пайдо бўла бошлайди, овозда бир мунча тўлақонлилик ва ширадорлик вужудга келиб, кўкракдан чиқариб айтиш белгилари учрайди.

3. Овоз ривожланишининг учинчи босқичига 15 ёшдан 17 ёшгача бўлган УП-Х синф ўқувчиларининг овози киради. Бу босқичда қизларнинг овози тўлиқ шаклланиб улгуради ва катталар овозига айланади. Бу даврда ўғил болалар овози ўтиш /мутация/ жараёнини кечираётган бўлади. Бу даврда уларни хор ижроилигидан озод қилиш мақсадга мувофиқdir.

Ашула-хор ижроилиги ўқитувчиларининг асосий вазифаси кичик ёшдаги ўқувчилар билан шугулланганда, зўриқмасдан, табиий, енгил овоз ҳосил қилишга эришишдир. Ижро оҳангининг соғлигига эришиш учун унлиларни ёймасдан юмалоқроқ ва ёпиқроқ яъни А ни О га яқинроқ, О ни. У га яқинроқ, Е ни Э га яқинроқ жарангда ижро қилиш мақсадга мувофиқdir. Бунда бир унлини бошқа унлига айлантириб юбормаслик, овозни ҳаддан ташқари “ёпик” сунъийликка тушиб қолмаслик ерак. Овознинг жарангдорлиги, аниқлиги ва сифати жағ-огиз-бурун ва нафас аъзоларининг уйгун фаол ҳаракатига ҳам боғлиқ.

Бундан ташқари овозни созлаш амалиётида қатор машқлар системаси ҳам борки, уларнинг тахминий қўйидаги тартибини қўллаш мақсадга мувофиқdir:

1. Айрим /ашулаларни/ товушларни турли унлилар бўйича баландга ва пастга босқичма-босқич кўйлаш.

2. Тўрт-беш товушли куйнинг содда бўлакчаларини юқорига ва пастга томон қўйлаш.

3. Товушқаторни кварта, квинта ва октона оралиғида турли ва ҳар хил темпларда куйлаш.

Бу машқларни нота саводи билан қўшиб олиб борилса янада фойдали бўлади. Ўқувчилар учун уни қизиқарли қилиб ўтказиш ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

**ДИКЦИЯ.** Ашула-хор ижрочилигининг йжодий жараён сифатида мурасаблиги, шундаки, бунда мусиқа билан поэзия бирлашиди. Бу икки санъат тури бир-бирини тўлдириб, бойитиб катта бадиий кучга эга бўлади. Хор жамоалари ижро қиладиган асарнинг мазмуни унинг сўз матнида мужассам бўлиб, у ижрочиликарга ҳам, эшитувчиларга ҳам қулай ва тушунарлидир. Ижрочилик асар мазмунини оммага муаллифлар хоҳлагандек етказиб бериши учун иукаммал дикция малакасини эгаллаган бўлиши керак. Дикция-талаффуз кўникмаларida қўйидагиларга эътиборни қаратиш керак:

1. Унлиларни ҳар қандай айтиш суратида секин ва тез айтишларда аниқ ва фаол талаффуз қилиш. Бу айниқса бошлангич синфлар билан машғулот ўтказётганда мухимдир, чунки бошлангич синф ўқувчилари айрим ҳарфлар ва сўзлар галафғузида ҳали қўйналишади.

2. Икки ёки ундан ортиқ ундош товушлар ёнма-ён келганда уларни аниқ ижро қилиш. Ундош товушларни иложи борича қисқа ва аниқ ижро этиш, улар орасига беихтиёр тушиб кетадиган унлилардан эҳтиёт бўлиш лозим.

3. Сўзлар ургу жумласига тушадиган мантиқий ургу кўпинча мусиқа урғуси билан мос тушади, лекин бэъзи ҳолларда тушмай қолиши ҳам мумкин, мана шундай ҳолларда билинтиримай текис куйлаб ўтиб кетиш керак.

**ХОР КЎНИКМАЛАРИ.** Юқорида айтиб ўтилган барча кўникмалар билан бир қаторда хор ижрочилигига ҳар бир ўқувчининг шахсий қобилиятини ҳисобга олиб, хор ансамблини яратиш вазифаси туради. Бунда ҳар бир хор ижрочисидан қўйидагилар талаб қилинади: ўз партиясини тўғри ва тоза айта олиш қобилияти, ўртоқларининг овозини эшитиш ва ўз овозини умумий оҳангга қўша олиш қобилияти, ажралмаслик, орқада қолмаслик ва баробар бошлаб, баробар тугатишиликдир.

**ХОРНИНГ ТУЗУМ УСТҚУРМАСИ.** Хорнинг тузум устқурмаси унинг сифат хусусиятини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бир қанча омилларнинг муштарак бирлигидан таркиб топади.

#### Бу омиллар қўйидагилардир:

1. Танланган мусиқа асарининг сифат хусусиятларини ҳисобга олиш, асарда композитор хор имкониятларини қанчалик назарда тутган-тутмаганлигини билиш, асар тесситураси регистри, интерваллари, овозлар жойлашиши ва гармониясининг хор жамоасига мослигини билиш.

2. Хорнинг маҳорат даражаси, умумий мусиқавий маданияти, ижрочилик овозининг ишланганлиги, эшитиш қобилиятининг тарбияланганлиги, ўз-ўзини назорат қила билиши, ўз бирини ва жўр бўлаётган асбоб овозини тин-глай билиши.

3. Куйловчилар ҳолати: уларнинг дикқати, интизоми, қизиқиши, чарчаниши, машғулотларнинг вақт-меъёри омиллари.

4. Ўқитувчининг назорати ва бошқаруви, машғулотларнинг режимлили-

ги, мелодик ва гармоник эшитиши қобилиятларини узлуксиз машқ қилдириш омиллари.

Юқоридаги омилларининг ҳаммасини ўзида ижобий мужассамлантирган жамоаға тузум усикурмаси мукаммал хор жамоаси дейиш мумкин.

**ХОРНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗУМИ УСТИДА ИШЛАШ.** Юқорида айтганларни амалга ошириш учун синфда болалар билан қуидагича машғулот методларини ўтказиб бориш мақсадга мувофиқдир.

1. Болаларда лад-мақом ҳиссини ривожлантириш учун ладнинг айрим босқичларини, унинг таянч товушларини куйлаш, товушқатор ва учтовушликларни, гармоник интервалларни турли ҳолатларда куйлаш, яъни баъзан оғизни ёпиб, мецожиано, мецо-форте ҳолатда ўрта регистрларда куйлаш.

2. Эшитган оҳангни хотирда сақлаб қолиш ва уни соғ ҳолда қайта айта олиш малакаси устида ишлаш. Бунда ўқитувчи болалар йўл қўяётган хатоларни /оҳангни паст ёки баланд айтаётганини/ ўз вақтида кўрсатиб тўғрилаб бориши керак.

3. Ўргатилаётган мусиқа асарини бот-бот такрорлашдан эринмасдан, такрор билимнинг онаси деган ақидага амал қилиш.

**АНСАМБЛЬ.** Барча оҳанг элементларининг уюшувига ансамбль дешилади. Бунда ҳар бир уюшувчи бўлак мусиқа асарининг бадиий барқарорлигига мухим рол ўйнайди: мелодия-оҳангнинг ташкилий уюшувини, гармония-мазмун чуқурлашувини, ритм-вақтнинг ташкилий уюшувини, динамик белгилар асар руҳий ифодасини, суръат-асарнинг юрак уришини, тембр эса мусиқа оқимининг ўзига хос ранг-рўйини белгилайди.

Ансамбль-асар тарзи ва услубини, бадиий образларини мукаммал очиб берувчи ижро жараёнидир. Шундай қилиб умумий ансамбль тушунчасида қуидаги ансабль қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Интонациялар ансабли: а/мелодик ғаризонталь интонация, б/граммоник вертикаль интонация, в/кўповозли аралаш интонация
2. Метро ритм ансамбли
3. Динамикалар ансамбли.
4. Темп ансамбли.
5. Тембр ансамбли.

**Бир овозда куйлаш.** Бу ерда ўқитувчининг вазифаси қадамма-қадам оддий куйлаш кўнгилмаларини ҳосил қила бориб, ўқувчиларни катта хор маданиятига тайёрлашдир. Бир овозли куйлашга таалуқли кўрсатмалар, куйлаш кўнгилмалари устида ишлаш" деган қисмда батафсил берилганлиги учун унга такрор методик йўриқлар келтиришни лозим кўрмадик.

Икки овозли куйлаш. Бошланғич синф ўқувчилари билан ашула-хор ижрошлиги машғулотларининг қайси бир даврида бир овозли куйлашдан икки овозли куйлашга ўтиш масаласини тажрибали ўқитувчининг ўзи ҳал қиласи. Чунки у ўзи шугулланаётган синфнинг ижро имкониятларидан қелиб чиқиб қарор қабул қиласи.

Икки овозли куйлашнинг қийинчиликларини ҳисобга олиб, бошда бир мунча тайёргарлик машғулотлари олиб бориш керак, бунинг учун икки овозли ижро этилган асарларни эшитишни ва кузатишни ташкил қилиш керак.

Болалар икки овозли онгли муносабатда бўлиши учун, уларга товушларнинг бирбирига параллеллигини, интерваллар муносабатини, ҳовозларнинг бир

йұналишга ёки қарама-қарши йұналиш ҳаракатларини түшунтириш керак.

Бизнингча болаларға бир йұналишдаги, терция интервалида күйланади-  
тан иккى овозли хор асарларини ўртатыш осон күчади.

Үқитувчилар хор партиясини ўргатыша түрли йўл тутадилар. Баъзилари  
хор партиясини айрим-айрим ўргатиб, кейин бирга құшиш маъқул дейди,  
лекин хор амалиятида хор партияларини бир жойда ўрганиш, болаларға хор  
маллакаларини үзлаштиришда жуда катта фойда беради.

Жұрсиә куйлаш /акапелла/. Жұрсиә куйлаш хор ижрочилиги маданияти-  
нинг энг юқори босқичи ҳисобланади. Бунда болалар овозининг сифат хусу-  
сиятлари соф қолатда намоён бұлади. Үнға мусиқа асбобларининг товушлари  
халқын бермайды. Хор партияларидаги оқынглар ҳамкорлығи ижрочиларнинг  
үзиге аниқ әшитилиб туради. Жұрсиә куйлаш, айниқса мусиқа муаллимидан  
катта маҳоратни талаб қылади. Чунки у мусиқа асбоби иштирокисиз, үз ички  
әшитиш қобилияты билан хор йўл қўйған ҳар бир хатони ўша дақиқадаёқ  
тузатиб бориши талаб қилинади.

Бундан ташкәри хор раҳбари асарнинг умумий руҳини белгилаши, парти-  
яларнинг ҳамоҳанглигига эришиши, ижронинг табийлигига ва тембр тоза-  
лигига эришиши зарур бұлади. Жұрсиз куйлаш ўқувчилардан қаттиқ дикқат,  
үқитувчі құлинни түшуниш ва бошқалар овозини әшитиш талаб қилинади.

Шундай қилиб жұрсиз куйлаш, бетиним мәжнатни ва узоқ вақтни талаб  
қылади. Пировардіда бу саъй-ҳаракаттар зөс кетмайды. Үқувчилар мусиқа санъ-  
атининг бу мұхим қысмидан етук билимли бұладилар.

# БОШЛАНГИЧ МУСИҚА САВОДИ ТАЪЛИМИ

Бошлангич мусиқа саводи таълими ўқувчиларга мусиқага ва унинг мазмунига онгли муносабатни, мусиқанинг барча ифода воситаларини ҳамда нота ёзувидан фойдаланиш кўникмаларини ўргатади. Мусиқа саводи таълими мактаб ўқувчиларига оддий мусиқа билими бериши керак. Бошлангич мусиқа таълими ҳажмига қўйидагилар киради:

1. Мусиқа асарларида мазмун бўлиши ҳақида тушунча мусиқа асарининг ифода тарзи ва ифода воситалари ҳақида тушунчалар /темп, ритм, баландлик, динамикаси ва таркиби ва бошқалар/.

2. Асосий ифода воситаларининг ёзилиш усусларини ва унинг аҳамиятини билиш.

3. Мусиқа ижрочилик санъатидан қисқача маълумотли бўлиш /ашула хор, колғу асбоблари, оркестр ижрочилигидан/.

4. Энг машҳур классик ва янги композиторлар ҳаёти ва ҳалқ ижоди намуналари билан танишиш.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси бошлангич синф ўқувчиларининг мусиқанинг ўзлаштириш имкониятларини ҳисобга олиб, мактаб шароити ва мусиқага ажратилган дарс соатларини назарда тутиб мактаб программасига киритилиши зарур. Мусиқа ҳақида бу маълумотлар икки бўлимда олиб борилади:

1. Мусиқанинг тарихий тараққиётидан маълумотлар тартибида олиб борилиб, бунда ҳалқ ижоди, классик ва янги композиторлар асарлари ўрганилади. Асарлар билан танишиш жараёндан, улар ўқувчилар имконияти даражасида таҳлил қилинӣ ҳам борилади ҳамда композиторларнинг ҳаёти ҳам қисқача ўрганилади. Бу эса мусиқа санъатини ўрганиш билан бирга умумий савиянинг юксалишига ҳам ёрдам беради.

2. Иккинчи бўлимга мусиқанинг назарий томонлари ва нота саводхонлиги киради. Нота саводини ўрганилган ва ўрганилаётган асарлар мазмунини ва ифода воситаларини назардан қочирмаган ҳолда олиб бориш керак. Чунки биринчи бўлим мусиқа саводи бўлими билан нота саводи бўлимлари бирбиридан ажралмасдир. Мактаб программасида булар умумий ном билан мусиқа саводи таълими дейилади.

Мусиқа назариясини билиш, мусиқани ёрқин тушунишга изчил англашга, енгил ўзлаштиришга ва яхши ижро қилишга ёрдам беради. Ана шунинг учун ҳам илк соатларда ёк ўқувчиларни мусиқага ижобий муносабат руҳида тарбиялаб бориш керак. Мусиқа саводи услубияти умумий мусиқа таълими мақсад ва вазифаларига мос бўлиши қеарк.

Мактабнинг вазифаси бадиий диди юксак, мусиқа илмидан саводхон, мусиқани севадиган ва тушунадиган, жамият мусиқа ҳаётида фаол қатнашадиган кишиларни тарбиялашдир. Мусиқа саводининг асосида қўйидагилар ётиши керак:

Энг аввало ўқувчилар билими, улар эёйтган ва кузаттан, ўқитувчи ёрдамида ўрганган мусиқа асарларининг назарий хулосалари асосида камол тошиши керак.

Ўрганилаётган мусиқа материали, мусиқа саводи учун зарур, ўқувчиларнинг бадиий дидини ўстириш учун талабига жавоб берадиган даражада баркамол бўлиши керак.

Мусиқавий тасаввур ва тушунчаларни эгаллаш жараёни қўйидаги уч бос-

Қичла кечади:

1. Ўрганилаётган мусиқа асарига—қўшиқ ёки чолғу асарига онгли муносабатда бўлиш, уни билиб қобул қилиш.
2. Ўша кузатилган ва қобул қилинган мусиқий асарлардан аниқ холосаларга ва билимлар тўхтамига келиш.
3. Ўрганган билимларни амалиятда қўллаб бориш, яъни мусиқани руҳий ёрқин идрок қилиш, қўшиқ ўрганаётганда ноталардан фойдаланиш, ноталарни варақдан ўқий олиш.

Бу мусиқий таълимнинг уч этапи ҳар бир дарсда муштарак ҳолатда қўшиб олиб борилиши керак.

Ўқитувчи ўқувчиларга қувноқ ва ғамғин, марш, лапар-ялла ва маросим мусиқа шаклларидан сабоқ бериси учун исталган ҳалқ қўшиқларидан фойдаланиши мумкин. Мисол учун “Чаманд гул” ашуласи шўх, қўвноқ, “Алла” ашуласи ҷўзиқ, ғамғин., “Чидти гул” ашуласи ўйин бол, “Биринчи Май” ашуласи эса сафланиб, юриб айтиладиган марш ашуладир. Хуш бу қўшиқларининг ифода тавсифини ва ижро тарзини қандай билдик? Шунинг учун билдиликки, биз мусиқанинг ифода воситалари ва ёзув белгиларидан хабардор эдик.

Мусиқанинг ифода воситалари қандай бўлади?

Булар:

1. Интонация—яъни баландлик, интерваллиллик ва лад таркиблари.
2. Мусиқа жумлаларининг қисмларга бўлинниши ва таркиби.
3. Ўлчовлиллик—яъни ритм ва ўлчов.
4. Композитор томонидан кўрсатилган ва ижрочи амал қиласидаги асосий белгилар—яъни динамик ҳаракат белгилар темп ҳамда товушлар уюшишидир.

Биз мусиқа нутқи билан инсон нутқини солишириб қўрганимизда ва таҳлил қилганимизда буларнинг бир-бирига яқинлигини биламиз. Бу мусиқа саводидан яхшироқ, сабоқ олишимизга кўмаклашади.

1. Интонация нутқда фикрини паст, баланд пардаларда ифодалаш оҳангидир. Лекин бунда пардалар ўрни аниқ эмас. Масалан, савол оҳангги нутқда баландроқ, тасдиқ оҳангти эса натқда пастроқ товушда ифодаланади. Нутқ интонациядаги фарқтарни болалар билсаларда, лекин у ҳақида онгли, ўйлаб фикр юритмайдилар.

2. Жумла бўлаклари нуққда катта рол ўйнайди. Аслида жумла бўлаклари нутқда фикрнинг жойлашиш тартиbidir. Ёзма нутқда жумла бўлаклари тиниш белгилари билан ажратилади. Гап тугаганда нуқта қўйилади. Худди шунингдек мусиқада ҳам фикрий жумла тугалликлари бор, айниқса бу қўшиқларда яққол кўринади. Ашула айтиётганда ҳар бир фикрий жумла охирида нафас олинади. Агар мусиқа жумласининг ўртасида нафас олинса мусиқий фикрга зарар этади.

Шундай қилиб биз бу ерда нутқ жумла бўлаклари билан мусиқа жумла бўлаклари ўртасида анча ўхшашлик борлигини кўрамиз.

3. Ўлчовлиллик ритм ва метр тушунчаларидир. Маялумки поэтик нутқ аниқ бир ўлчовла бўлади ва бундай вазнли нутқни болалар ёнгил қобул қиласиди. Лекин уни болалар чуқур англаб етмайдилар, чунки шеър тузилиши ҳақида тушунчалар мактаб ўқувчиларига юқори синфларда берилади. Мусиқада ритмик-вазннинг аҳамияти бениҳоядир, мусиқадаги аниқ ўлчовлар ранг-бранглиги, хатто шеъриятда ҳам учрамайди.

4. Динамик ҳаракат суръати нутқда катта рол уйнайды. Чүнки “қаттиқ гапир, аста гапир, тез гапир, секин гапир” каби иборалар ҳар бир уқувчига таниш. Мана шулардан күрениб турибиди, сұз-нұтқ ифолаңдари билан мусиқа ифода воситаларини бир-бирига солишиганды мусиқа түшнұчалары үқувчилар учун аниқроқ бўлиб қолади. Шунга қарамай, мусиқада катта аҳамиятга ега бўлган,nota ёзувида аниқ ифодаланадиган товушнинг баландлиги ва чўзими түшнұчаларини сұз-нұтқ түшнұчалари аниқ ифодалай олмайши. Шунинг учун мусиқа дарсларида баландлик ва ритм-услубға асосий эътиборни қаратмоқ керак. Амалий машғулотлар кўрсатаяпти, мусиқанинг ритмик томонларини ўзлаштириш унинг баландлик томонларини ўзлаштиришга қаранды осонроқ кечар экан. Мисол учун илк ўрганилаётган қўшиқни үқувчилар ритмик тўғри кўйлардилару интонацияда анча хатоларга йул қўянилар. Үқувчилар товушларнинг паст-баландлик томонини аниқ идрок қилишлари учун ўқитувчининг жиддий шуғулланишга тўғри келади.

5. Баландлик мусиқадаги мақомининг ҳаракат чизиги, турли регистрларини бир-биридан фарқловчи ёрқин ифода воситасидир. Баландлик түшнұчасида ифодаланадиган товушнинг юқори, ўрта ва паст регистрлари орқали мусиқа асарида образлар тарзи очилади. Масалан, одам мусиқада ўртача товушлар, яни одамнинг ўзининг товушига тўғри келадиган товушлар баландлигига ифодаланади. Эртаклар образи эса паст ва юқори товушларда ифодаланади. Эртакларда енгил ҳаракат қўлиувчи образлар: қўёнлар, олмахонлар, улоқчалар, сичқонлар ва митти одамчалар, юқори товушларда ифодаланади—левлар, филлар, йўлбарслар, буқалар каби фантастик ва персонаж ва йирик ҳайвонлар паст товушларда ифодаланади.

Бундан ташқари инсон кайфиятининг кўтаринки ҳолатлари баланд товушларда, тушкин ҳолатлари эса паст товушларда ифодаланади. Бунга “ялла”, “ёр-ёр” қўшиқларнинг жўшқин, тез суръатда, баланд пардаларда, ёрқин ижро қилиниши, “йифи”, “садр” айтимларининг чўзиқ, мунгли, авжиз-паст пардаларда куйланишини кўрсатиш мумкин.

Мусиқа сабоғининг бошланишиданоқ, үқувчиларга қандай товуш паст ва қандай товуш баланд бўлишини турли йўл-йўриклар асосида ўргатиб боришини тақазо этади.

Үқувчиларда баландлик түшнұчаларини мустаҳкамлаш учун қўйидагича усули қўллаш ҳам мүмкун: ўқитувчи юқори пардаларда қўшиқни ижро этганды үқувчилар қўлларини юқорига кўнгаради, ўрта пардада ижро этганды олдинга чўзади, паст пардада ижро этганды эса пастга туширадилар. Бу уларнинг товушнинг баланд-пастлигини қанчалик англаб етсанлигини билиш учун синон бўлади.

Одам овози ҳақида түшнұчалар бериб ҳам үқувчиларнинг товушларнинг паст-баландлиги тўғрисидаги тўйғуларитиң ривожлантириб бориш мумкин. Бунда паст товушларда бас овозига ега бўлган, паст товушли эркаклар куйлашини, юқори товушларда эса, енгил, баланд овозли аёллар куйлашини, кўпчилик эркак ва аёллар ҳамда болалар овози ўрта пардаларга тўғри келишини тушунтириш керак. Амалда овозининг ҳамма турларини ўқитувчи ижро қилиб кўрсатиб беролмайди, шунинг утун у пластинкалардан магнитофон кассеталардан фойдаланиши керак. Баъзан үқувчиларга уйга вазифа қилиб оиласидаги катта кишиларнинг овозига эътибор беришни топшириш, уларнинг қайси бири паст ва қайси бирлари юқори овозда гапиришини аниқлаши топшириш керак.

Ўқувчиларда товушнинг паст-баландлиги ҳақида олдий кўнилмалар фойла бўлганиллигига ишонч ҳосил қилиндан кейин ўқитувчи уларни мураккаброқ маътакалар сари бошлиши керак. Энди ўрганилаётган қўшиқнинг кўй ҳарасат йўналишларини гаҳлил қилиш, эшитган кўй баландлигини хотирда савдаб қолиш ва уни қайта аниқ ижро қила олиш қобилиятига эга бўлиши кера. Ўқувчилар кўй юқорига кўтарилиб кетаяптими, ёки бир текисликда ҳаракат қиласигитими аниқ тасаввур қилиши керак.

Ўрганилаётган мусиқа асари кўйи ҳаракатини образли тасвиirlаридага кўрсатилса, айниқса ўқувчиларда яхши эслаб қолинади. Бунда кўй товушлари ҳарасатини зинонаялар, кўшчалар, олмалар, шарчалар шаклида доскада туралесула курсагин мумкин. Булар ҳаммаси ўқувчиларнинг мусиқи ёшити қобилиягини ривожлантириб боради ва мусиқа алифбосини чинакам болашига замин яратади.

6. Товушқаторни ўрганиш ўқувчиларнинг товушлар паст- баландлиги ҳақида тушиунчасини ойдинлаштиради. Улар энди овозни босқичма- босқан кутариб бориб, ҳар хил баландликдаги товушларни кўйлаш мумкин эканлигини билади.

Мусиқада бундай босқичлар эса етгитадир: до, ре, ми, фа, соль, ля, си. Да-страб бошлангич синфда товушқатор босқичларини расмлар билан кўрсатып до-до оралиғида юқори ва пастга кўйлаш керак. Бунда ўқувчиларга пастки до-ни кўйлашда эркин бўлишларини, ўзларини зўриқтирмасликларини айтиш, тушиунириш керак. Чунки бошлангич синф ўқувчиларида ҳали паст товушлар яхши жарангламайди. Шунинг учун товуш қаторининг болалар овози етадиган, яхши жаранглайдиган қисмидан бошлаб машқ қилинса фойдали бўлади. Мисол учун / соль -фа-ми- ре-до/ паст томонга ва /солъ -ля -си-до/ юқорига кўйлаш қулайдир.

Товушқаторни тури образли шаллар билан юқорига ва пастга кўйлан мустаҳкамлаш билан бирга уларнинг ашула ижрочилик маҳоратларини ҳам ривожлантиради.

Ўқувчилар товушқатор ва унинг исталган қисмини осом кўйлай оладига бўлгандан кейин, аста-секин нота ёзувига ўтса ҳам булаверади. Лекин нота ёзуви ўзланиву узоқ жараён бўлганиллиги учун, товушқатор ва унинг қисмларини кўйланни маниқларини давом эттира бериш керак.

Ана шундай ўқувчилар олдин товушқаторни бир бутун кўй деб тушинга булсанлар, ёли унинг ҳар бир товушиниг алоҳидалигини, бир-биридан фарқини танинига борадилар.

Шундай қилиб мусиқада мақом / мелодия/ нинг ҳаракати юқори, паст ва биргакиес ҳам бу танини билиб, товушқаторни ва унинг ҳар бир босқичи номи ёзиб чиқиб аниқ баландлик ва аниқ ўрнида турадиган товуш эканлигинни аранишю ўқувчиларнинг товуш баландлиги ҳақидаги тасаввuri тўлашни тоҷура бафоради.

Ўқувчилар товушқаторни бемалол кўйлай оладиган пайтдан бошлаб, то вушқатор товушларнинг қандай ёзилишини ҳам машқ қила бошлиши кера. Ўқувчиларга ноталар бешта нота чизигига ёзилишини, улар нота йўлари де аталинини тушиунириш керак. Ноталар /мусиқа ҳарфлари/ нота чизиклари нинг ўзга, орасига, настига, юқорисига ва күшимча чизиклаларга ёзилишини, уларнинг қайси пардадаги товуш эканлигини билиш учун эса ўзга йўла рининг бошига калит белгиси қўйилишини кўрсатиш керак.

## БОШЛАНГИЧ МУСИҚА ТИНГЛАШ ТАЪЛИМИ

Сирли ва сеҳрли мусиқа эхроминиг уч әшигига бор. Биринчи эшикдан унини яратувчи меъморлари-бастакорлар киради. Иккничи эшикдан унини лонини достон қилувчи ижрочи саънаткорлар киради. Учинчи эшикдан әса әйни түвчилар киради. Бу ерда биринчи ва иккинчи эшикдан кираётган юксак мусиқа санъат мутахассислари ҳақида гағ бормайди. Бу ерда гағ мусиқа конноасининг учинчи эшигидан кириб келаётган авлодга илк мусиқа тинглаш нуриги бериш ҳақида боради.

Мусиқа асарларини тушунив қабул қилиш учун маълум бир мусиқа тинглаш тайёргарлиги бўлиш ва уни тинглашгә одатланиш керак. Ахир, ҳамма болалар ҳам мусиқани чин дилдан ўзи хоҳдаб ва уига берилаб эшитавермайди. Шунинг учун ҳам мактабда мусиқа тинглаш соатларининг вазифаси, болаларга мусиқани севишни сингдириш, мусиқа тасаввурларини ривожлантириш, мусиқий товушлар оламига олиб киришилар.

Мусиқани қизиқиб ўрганишини ва уни севишни ургатиш мумкин? Мумкин деб жавоб беради мутахассислар. Чунки, болаларнинг жуда кўпчилитини мусиқага қизиқиши бор ва бу қизиқиши ҳали түфри йўналиш олмаган, тарашибланмаган қизиқидир. Улардаги мана шу қизиқишини янада ўйфотиш ва ривожлантириш керак. Мусиқашуносларга ва мусиқа муаллимларга шу нарса равшанки, агар болалар мусиқа билан атрофлича мулоқотла янасалар, уларнинг руҳий ҳаёти мазмунлироқ, ақлий тафаккур дунёси тобора баркамолроқ бўла боради.

Мусиқа тинглаш соатлари нега зарур, мусиқа тинглаш учун берилётган радио эшиттиришлари ва теле кўрсатувлар етмайдими?-деб, сўраш мумкин. Бўнга радио ва телеконцертлар ўзига хос мусиқа тинглаш соатларининг ўрнини босолмайди деб дангал жавоб бериш керак. Чунки концерт эшиттириш ва кўрсатувлар омманинг мусиқавий камолотида каттароқ ўйнаса ҳам унда аниқ режимли машғулот олиб бориш имконияти йўқ. Бундан ташқари концертлардаги мусиқа ҳажм жиҳатидан болаларга оғирлик қиласи ва улар жуда кўп товушлар ва таассуротлар ичига чалғиб қолишади.

Болаларда ўзларининг диққатини тортган мусиқа асарни қайта-қайта тинглаш имкони ҳам йўқ, бу ерда /бундан кейинги пайтларда маҳсус болалар учун берилётган ашула ўргатиш кўрсатуви мустасно/. Баъзи мутахассислар концерт залларидан бериладиган мусиқа концертлари болаларни оламларининг кўплиги, ижрочининг шахси, зал анжомлари чалғитади деб айтишади, болалар мусиқанинг мазмунига етиб тинглай олмайди дейишади.

Бир ҳисобда шундай бўлса ҳам буни ҳамма болалар учун ҳам бир хил хулоса деб бўлмайди. Баъзи болаларни мана шундай концертлардаги маълум бир мусиқа ёки маълум ижрочи бир умр эсдан чиқмайдиган даражада мафтун этиб унинг келажак йўлини бугунлай мусиқага буриб юбоши ҳам мумкин.

Шундай қилиб бошлангич мактабларда мусиқа тинглаш соатларининг мақсади эса болаларни режали ва босқичма-босқич мусиқа оламига олиб киришидир. Бунинг учун биринчи галда болларни мусиқага жалб қилиш, тинмай... мусиқа тарғиботи олиб бориш ва уни ўрганишга киришишdir.

Мусиқа мұаллимлары олда, үқувчилар дікқатини ўзига қаратып, синф имконияттың мөс мусиқа асарлари уни бор мусиқа ифодасы билән үқувчиларға етказа онын. Екतарники рухий иқдим яратып, мусиқи-мұаллимона сеяир ник ва назокатлilik каби қыйин вазифа тұрады. Улар ҳар бир синфнин индивид мусиқий имконияттарини ҳам ҳисобға олишлары керак. Юқориလәгіларни на зарда тутиб, мусиқа тинглаш соатларига нисбетан қийинроқ, бу үқитувицидан билимни талаб қилади дейиш мүмкін.

Шундай қылыштың әндиги гап бошланғич синф үқувчиларига мусиқа тәжірибелаш соатларыда қандай материални қандай міндерден да қандай тартибда оериши хусуси та бұлады.

Бириңчи галда болалар тинглайдын мусиқа асары улар үзлаштыра оладынан бу шиши керак ва бир дарсда бир нечата мусиқа асарни қаторлаштириб таңдалмаслық дозим, мусиқа тинглаш учун таңланған асарлар болаларни қызықтырады да үзарға ёқалыған бұлиши керак. Бу ерда фақат болаларнинг дидин мөс мусиқа асарлары тингланиш керакми, үларнинг кейинги мусиқий тараққиеті учун, бу бир хиллік салбий таъсир қылмайды, деган савол тутишини мүмкін. Тажғиба шуны күрсатады, бириңчи галда, болаларнинг мусиқаға бұнай ишончнин қозонмоқ учун, улар сұзсиз қабул қыладын мусиқа асарларының таңланы шарт.

Бириңчі галда болаларнинг дидини ҳисобға олиш керак деган, ҳар қанақа күч анықтағары-ю, бадий яроқсиз материаллар ҳам тинглаш учун бұлаверар әкен деңгелемаслық керак. Үлкен мусиқа адабиети хазинасида илғор педагогик жағдайда жағоб бералыған, болалар боп мусиқа асарлари бир дүнедір. Бу ерда бошланғич синф үқувчиларының психо- физиологик хусусиятларини ҳисобға олиш ҳақыда ҳам ішін бораяпты. Шунингдек, болаларнинг вужуд-тартибот камолоты ҳам узоқ давом этадын мусиқа асарларини тинглаш учун сабр- бардоны құвагатында әзіз. Күзатышлар, иккі-үч минутлик мусиқа тинглаш мәннеліктері бошланғич синф дарслары учун естарлы эканини күрсатады, чунки бола жонининг ғанаға сиғмайтын навқиран шиддати. Тұғри, “тартиб-интизом” принципін бүйіча 2-3 минутдан ортиқ ҳам мусиқа тинглаштың мүмкін, лекин у күттегі нәтижаны бермайды. Болаларнинг ёруғ рухий боечаларига соя тушириб қўйишдан әхтиёт бұлиши керак. Одатда болалар усули енгіл ва шиддатли, шұх мусиқа асарларини яхши күришады. Улар үйчан, қузиқ мусиқаларни ҳам бемалол тинглашады, бунда мөъерни унугмаслық керак.

Бизнингча, мусиқа тинглаш соатларыда ҳаёт воқеаларини тасвирловчи мусиқа асарларини таңлаш, дастанлардың мағнитологиялық ғарови бұлады. Неге? Негаки бундай асарларда атроф-мухит, йил фасллари, табиат ҳодисалари, жониворлар овози ва ҳатты-харакатлари тасвирланған булиб, үқувчилар бунда мусиқа билан ҳаёт ҳақиқатларининг чамбарчас алоқасини тушуна бошлайдылар, улар образынан Фикрлаш сари қадам қўядылар.

Бунда ҳам машғулоттар айни бир тасвирловчи мусиқалардан иборат бұлмаслиги, медага тегадын бұлиб қолмаслиги керак.

Хүш, мусиқа тинглаш таълимини қайси мусиқа жанридан бошлаш керак: овоз мусиқа туриданми ёки чолғу мусиқа туриданми? Бу мунозарали саволдир. Бирорлар овоз мусиқасыдан бошлаш керак, чунки мусиқа мазмуны шеър матннан аник ифодаланған бұлады дейишады. Бошқа бирорлар эса чолғу мусиқасыдан бошлаш керак, чолғу мусиқасы бевоюта әшитиш учун ёзилады, үзининг сирли жозибасы билан үқувчиларни ичкі бир түйғу билан фикр-

ашга ўргатади, дейишади. Бу ҳар иккала далилда ҳам жон бор бўйланлиги туфайли, танлашни мусиқа муаллимларининг ўзига қолдирган маъқул.

Энди бошлангич мусиқа тинглаш машғулотларини қайси мусиқалардан бошлиши керак, узбек мусиқалариданми, рус ёки хорижий гарб мусиқалариданми, деган савол туғилиши мумкин. Бизнингча биринчидан музикаданми, деган асарларидан бошлаган маъқул. Чунки бола туғиланиданоқ музикаданинг анъаналар бешигига киради, она сути билан бирга она тиши, она веласи ва миллий ҳаётнинг барча оҳанглари унинг мурғақ вужудига нуҳри беради. Болаларнинг мусиқа тинглаш малакалари анча ривожланиси таҳоми кейин рус ва хорижий гарб мусиқасига ҳам мурожаат қиласа бу гаср

Мусиқа ижодкорлари ичида шундай симоладар борки, уларси ҳажорий музикатини тасаввур қилиб булмайди. Булар сирасини йетхонлар, Григ, Шуман, Бизе, Шопен, Лист, Чайковский, Шестаков, Сурян ва бошқалар киради.

Мана шу буюк композиторларнинг болалар руҳини оламина мос тушади. Он мусиқий асарларидан болаларни бебаҳра қолдирмаслик керак. Уларнинг асарларидан ҳар бир бошлангич синф мусиқий имкониятларини ва үқувни ларнинг бадиий ўзлаштириш даражасини ҳисобга олиб фойдаланини тоғим.

Ҳар бир таълимнинг йўриғи оддийликдан мураккаб сари боришини тақо со этади, инчунин мусиқа тинглаш дарсларида ҳам шу йўриққа амал қицинади. Шунинг учун мусиқа муалимларидан катта маҳорат ва тажриба таълиб қилинади. чунки улар ҳар бир синфнинг бадиий мусиқий хусусиятига қараб тингланадиган мусиқа асарларининг ҳажмини ва миқдорини босқичма-босқич белгилаб борадилар. Албатта мусиқа тинглаш машғулотлари матъум бир боявий тематик йўналишда бўлади, бугунги дарс олдинги дарсни боййитиши, келгуси дарсга эса пойдевор бўлиши лозим.

Мусиқа тинглаш соатлари хусусида мусиқа ўқитувчилари орасида тағин бир мунозарали масала бор. Бу тингланаётган мусиқа ҳақида ўқувчиларга тушунтириш берини керакми, йўқми, деган масаладир. Бу хусусида ҳам икки хил қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ мутахассислар бир мунча тушунтириш ишлари зарур деса, иккинчи гуруҳ мутахассислар эса мутлақо зарур эмас дейиншади. Бу ерда иккинчи гуруҳдаги јар, ҳар бир баркамол мусиқа асари ўзи учун ўзи жавоб беради, деган ҳақиқатга амал қиласа, биринчى гуруҳдагилар эса тингловчилар мусиқа тайёргарлиги ва бадиий диди нуқтai назаридан ёндошадилар.

Бунда ҳар икки томоннинг ибратли томонларини қабул қилиши керак. Мусиқа дунёсига эндиғина қадам қўяётган бошлангич синф ўқувчиларига тингланаётган мусиқа ҳақида ойлинлаштирувчи тушунтиришлар фойдадан ҳоли эмас. Лекин бунда ўқитувчи меъёри билмаса, ўқувчилар ҳар бир мусиқа асарида ўқитувчи тушунтириб берадиган қандайдир воеа-ҳодиса бор деган тушунчага бориб қолиш хавфи бор.

Ҳар бир мусиқа асари ўзи учун ўзи жавоб беради, деган ҳақиқат-буюк ҳақиқатдир. Биз севадиган жуда кўп мусиқа асарларининг муалифлари алла-қачонлар, балки бир неча асрлардан бери оламда йўқ, лекин уларнинг яратиб кетган мусиқа асарлари то ҳамон ўзи учун жавоб бераб, яшаб келаётгани ҳақиқат эмасми? Шунинг учун ўқувчиларни мусиқа билан кўпроқ ёлғиз қолдирган маъқул. Мусиқа уларнинг руҳини тўлдирсинг, хаёл қақиустларига парвоз берсин.

Зеро мусиқа оҳангга айланган инсон руҳидир.

## БИРИНЧИ СИНФДА МУСИҚА ТАЪЛИМИ

Қушиқ болалар мусиқий фаолиятинг асоси ҳисобланади. Қушиқ ўрганиши жараёнида эса мусиқий идрок қилиш малакалари катта роль ўйнайди. Шунинг учун дастлабки машғулотларда ёқ болаларнинг мусиқага бўлган кўнгилли хайриҳоҳлик туйғуларини уйғота билиш керак. Тўғри танланиб, юқсанбадиий маҳорат билан ижро қилинадиган қўшиқлар репертуари, юқорида қўйилган вазифаларни ҳал қилиш гарови бўлади. Фақат фаол кўйлаш билан қуниб олиб бориладиган мусиқа саводи туфайли I синф ўқувчиларининг мусиқага бўлган қизиқиши ва мусиқавий қобилияти ривожланиб боради.

Ўқувчилар кўйлаш жараёнида мусиқа тилини тушуниб борадилар, бу эса уларнинг мусиқавий қобилиятларининг ўсишига катта ёрдам беради. Энди улар урганаётган қўшиқларининг жанр хусусиятларини ҳам била бошлайдилар. Уларда мусиқанинг тембр, баландлик, ритмик ўзгаришларини ҳис қилиш қобилиятлари таркиб тона бошлайди. Шундай қилиб I синф ўқувчилари мусиқа тилини тушунибгина қолмай, балки ундан ўзининг ижрошилик фаолиятида имконияти даражасида фойдаланадиган ҳам бўлиб қолади.

Биринчи синф ўқувчиларининг вужуд аъзолари умумий балоғат қонунлари асосида ривожланиб боради. Уларнинг овоз ва ёшлиши аъзолари ҳам ўз ёшлиги даражасида тарақкӣ топади.

Аммо овоз аъзолари ҳали ўта нозик, томоқ ва овоз пайчалари ҳали тўлиқ ривожланмаган бўлади. Овоз, овоз пайчалари қисқа, товуш жуда кучсиз, айниқса пастки товушларга овоз етмайдиган бўлади.

Биринчи синф ўқувчиларининг овози кенглиги биринчи октаванинг до товушидан иккинчи октаванинг до товушигача бўлади. Улар паст товушларда қийналадилар, шунинг учун қўшиқ танлаганда болалар овозига мос пардалардан бошланган қўшиқларни танлаш лозим.

Биринчи октаванинг ми-фа-соль-ля-си товушлари I-синф ўқувчилари учун жаранг берадиган қулай товушлар ҳисобланади. Биринчи октаванинг до товуши эса болалар овоз имкониятига пастлик қиласи ва бу товуш уларни қийнаб, зўриқтириб қўйиши мумкин.

Изчил-режимли машғулотлар туфайли I синф ўқувчиларининг мусиқий зеҳни тобора ривожланиб боради. Улар товушларнинг бир-биридан паст-баландлик фарқини, қаттиқ ва секин кўйлашни, олдий ритмик бўлакларни чапак билан ифодалаш усуулларини ўзлаштириб борадилар. Улар тушунчасида мусиқанинг аниқ бир пойдевори вужудга кела бошлайди.

Мусиқа дарсларида фаол ва ўзларини эркин, мустақил тута бошлайдилар. Шу билан бирга мусиқа муаллимлари шуни эсдан чиқармасликлари керакки, I синф ўқувчиларининг ҳаммасида ҳам мусиқа ёшлиши қобилияти, мусиқий хотираси ва кўйлаш кўнкимлари бир хил ривожланмаган бўлади. Бир туркум ўқувчилар берилган товушларни аниқ ва тоза оҳангда ифода қиласа, айрим ўқувчилар эса паст ёки баланд ёки нотоза талаффуз қиласидилар. Бу эса педагогларни ҳар бир ўқувчи билан яkkама-якка ишлашни ҳам талаб қиласи.

Ашула дарсларида I синф ўқувчилари олдида қўйидаги талабларни бажариш туради: биринчи октаванинг ре товушидан иккинчи октаванинг до тову-

шигача бўлган оралиқдаги товушларни ёнгил ва майнин, зўриқмасдан, таъсирли қўйлаш, қўшиқ бошланишида ва мусиқа жумлалари орасида тўғри нафас олиш, қўшиқ сўзларини аниқ талаффуз қилиш. Бир вақтда бошлаб бир вақтда тугатиш, қаттиқ, секин каби қўшиқнинг ифода воситаларини ҳамда суръатини тушуниш, олдин ўрганган қўшиқларни якка ҳолда ижро қила олиш.

Болаларнинг мусиқа эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва овоз пардалари ҳажмини кенгайтириш учун режали равишда машқ машғулотлари олиб бориш керак. “Ашула алифбоси”да гулларнинг расми билан берилган “Чидти гул”, олмалар расми билан берилган “Олма”, мушукчалар расми билан берилган “А, бе, тё” ва бошқа машқ-ашуалар бу соҳада катта фойда беради. Бундан ташқари юқоридаги машқлар асосида, синф имкониятидан келиб чиқиб, ўқитувчи ўз машқлар туркумини ишлаб чиқиши мумкин.

Ўқувчиларга ашула ўргатиш жараённида ҳамма вақт ҳам ўқитувчининг ўқувчилар билан биргаликда қўйлайвериши яхши натижә бермайди. Бундай ҳолатда ўқувчилар фақат ўқитувчини эшигади, ўзларининг ижро сифатини назорат қўлолмайди ва бир-бирларининг ўзаро овозини эшитмайди. Бу эса уларнинг мусиқий эшитиш диққатини, ўз-ўзига назорат ҳиссини сусайтиради ва овоз-эшитив мувофиқлашувининг турғун шаклланишига халақит беради. Шунинг учун дастлаб фақат қўшиқнинг қуйини мусиқа асбоби билан куи, кейин ўқитувчи билан жўрсиз қўйлаш ва ниҳоят фақат ўқувчиларнинг ўзлари жўрсиз қўйлаши мақсадга мувофиқdir.

Яна қўшиқ ўргатишнинг шундай усули ҳам бор: бунда дастлаб қўнизини бутун синф ўрганади, кейин группа-группа бўлиб ўрганади ва ниҳоят якка тартибда қўйланади. Ўқувчи ўз-ўзини эшитиши учун бу усул жуда фойдали. Кўшиқ ўргатиш жараённида тоза қўйлай олмайдиган ўқувчиларни аниқ қўйландиган ўқувчиларнинг ёнига ўтқазиш керак. Ўқувчиларни синфда қўйидаги тартибда ўтиргизса, қўшиқ ўрганиш машғулотлари натижали бўлиши кузатилиши.

Ўқитувчи ўзига яқин олдинги қаторларга овоз эшитив мувофиқлашуви бўш ўқувчиларни ўтиргизади, улардан кейинги қаторга қўйлаш қўнималари ҳали сустроқ ўқувчилар жойлашади ва ниҳоят кейинги қаторларга қўшиқни аниқ қўйлай оладиган ўқувчилар ўтиради.

Ўқувчиларга ҳар бир ўргатилаётган қўшиқ яхлит тасаввур бериши учун уни бир неча марта соз жўрлигига тўлиқ ижро қилиб бериш, қўшиқнинг шакли ва мазмунини тўлиқ тушунтириш керак. Куйнинг қийин жойларини қайта-қайта чалиб ва жўрсиз қўйлаб кўрсатиш ҳамда ритмик мураккаб қисмларни чапак чалиб ўргатиш лозим.

Биринчи синфларнинг ҳар бир мусиқа дарсида янги ўргатилаётган қўшиқдан ташқари, олдинги дарсларда ўргатилган қўшиқлар бот-бот такрорланиб туриши керак. Бу такрорлаш давомида куйнинг аниқлиги ва таъсирчанлигига, овозларнинг табиийлигига Эриша бориш керак.

Биринчи синф ўқувчиларига бутун ўқув йили давомида шакл ва мазмун жиҳатидан хилма-хил бўлган 20 та қўшиқ ўргатилса етиб ортади. Бу қўшиқлар қувноқ ва фамгин, тантанали ва голибона, чўзиқ ва лирик шаклда бўлиши мумкин. Уларни танлаш ва ўқувчиларга бадиий сифатда тухфа қилиш ўқитувчининг меҳри-маҳоратига боғлиқ.

## ИККИНЧИ СИНФДА МУСИҚА ТАЪЛИМИ

Мусиқа муаллимларининг вазифаси болаларда ҳаёт гўзалликларини севиш, инсоният яратган бадиий дурданалардан завқланиш ва ҳайратланиш ҳиссисини ўйготишдир. Болалар маънавий дунёсини шакллантирадиган манбалар турли-тумандир. Ана шундай мухим манбалардан бири эса қўшиқ санъатидир. Болалар қўшиқ ижро қилас экан, мусиқани чуқур идрок қила бошлайди, ўз туйғуларини фаолроқ ифода қиласди, ўраб турган атроф-муҳит садоларини эшитади ва унга ўз муносабатини билдиради.

Иккинчи синф ўқувчилари биринчи синфга қараганда бир қадар ривожланиш босқичида бўлади. Уларнинг нутқ маданияти етарли даражада тараққий топган, ўрганаётган қўшиқ мазмуни ҳақида ўз фикр-мулоҳазасини билдира оладиган, ўзининг ва ўртоқларининг куйлаш хусусиятларини баҳолайдиган бўлади. Ўқиши жараённида улар мустақил ва фаол бўладилар. Уларнинг мусиқий таассуротлари ҳам мақсад сари йўналган бўлади. Иккинчи синф ўқувчилари мустақил мусиқа тарзини, мусиқа ҳаракат белгиларининг ўзгаришини, қўшиқ суръатининг алмашишини, куйнинг паст, баланд йўналишини аниқлай оладилар. Улар мусиқадаги товушлар баландлик ва чўзимини фарқлай биладилар. Иккинчи синф ўқувчиларида овоз-эшитув мувофиқлашуви турғун ҳолатга келиб қолган бўлади. Иккинчи синф ўқувчиларининг умумий мусиқий дунёқараши анча шаклланган, адабиётдан, тасвирий санъатдан ва ҳаёт воқеа-ходисаларидан таъсиранган тасаввур дунёси ранг-баранг бўлади.

Иккинчи синф билан мусиқа машғулоти олиб борадиган муаллимлар, нафақат ударнинг руҳий томонига, балки жисмоний ўзига хослигига ҳам эътибор беришлари керак. Иккинчи синф ўқувчиларида ҳам ҳали овоз мушаклари тулиқ шаклланниб улгурмаган бўлади. Улар кўпинча овоз пайчаларини зўриқтириб товуш ҳосил қиласдилар ва бақириб овоз тембрини бузадилар. Уларни тана мушакларини таранглаштирмасдан енгил ёрқин ва табиий куйлашга ўргатиб бориш керак.

Ҳамма мусиқа муаллимларига маълумки, товуш ҳосил қилиш ва чиройли куйлашда нафаснинг аҳамияти жуда катта. Шунинг учун нафас устида тинимсиз машқлар олиб боришга тўғри келади.

Иккинчи синф ўқувчиларида ўпка ҳаво сигими анчагина катта, нафаси бир мунча чуқур бўлади. Шунинг учун /лар билан/ узунроқ мусиқий жумлашарни ҳам ўрганса бўлади, бу эса ўз навбатида нафаснинг яна ривожланиши ва турғуллашишига ёрдам беради.

Мусиқа дарсларида иккинчи синф ўқувчилари олдида куйидаги вазифаларни бажариш туради: биринчи оқтаванинг до товушидан иккинчи оқтаванинг ре товушигача бўлган оралиқдаги пардаларда ёзилган куйларни ифодали айтиш, тўғри нафас олиш, якка ва омма билан мустақил куйлай олиш, мусиқа ифода воситаларининг барчасини ўзлаштириб бориш.

Иккинчи синф “Мусиқа саводи” дарслигига бошланғич таълим дастури бўйича шакл ва мазмун жиҳатидан ранг-баранг қўшиқлар киритилган. Бу қўшиқларнинг ҳар бирининг мусиқий тарзини, ўқувчилар ҳис-туйғу кўригидан ўтказишн ва мусиқавий хотирасига кўчириши керак. Бундан ташқари мусиқа муаллимлари бастакорларининг янги яратадиган, чиройли оҳангли

бодалар құшиқларидан ҳам фойдаланиши мақсадға мувофиқдир.

Бұнинг учун радио ва төлекұрсатувдаги маңсус болаларга ашула үргатиши шиттитиришини ва күрсатувини ёзіб олиш ёки янги құшиқлардан тузилған мусиқа түпласмларидан фойдаланиш керак.

Иккінчи синфда 1 синфда бошланған мусиқа күникмаларини ривожлантириб боравериш керак. Айниқса құшиқларни үрганиш олдидан үтказыладын тайёргарлик күйлаш машқларига жуда катта ахамият бериш керак. Чunksи бу товуш баландлыгина аниқ әшитиш қобилиятыни, аниқ күйлашни овоз җажмининг кенгайишини ривожлантиради.

Мусиқий әшитиш қобилияты тараққыйсіда ва оқанғ тозалигига әришишда мусиқа жумлаларини узлуксиз “занжир” усулида күйлаш катта натижалар беради. Бу үсул шундайки, бир үқувчи биринчи жумлани күйлаб тұхтаган жойдан навбатдаги үқувчи бошлаб кетаверади ва шундай қилиб занжир шаклида кетма-кетлик ҳосил бўлади. Яна бир яхши томони шундаки, бу усул билан бутун синфдаги ҳар боланинг мусиқавий қобилиятыни ва күйлаш күникмаларини ҳар дарсда синовдан үтказиб туриш мумкин. Бу ерда ким тұғри айтаётгани ва қим нотұғри айтаётгани ҳам ойдин бўлиб қолади. Яна бир ибратли томони, бу усўлда бутун синф фаоллашади, диққат бир жойга түпласади, чunksи ҳар бир үқувчи ўз ўртоғини сергаклик билан кузатиб, навбатдаги жумлага кечикиб қолмасликка ҳаракат қиласади. Занжири күйлаш тұғри нафас олиш күникмаларини ҳам мустаҳкамлайди.

Иккінчи синф үқувчиларини жұрсиз күйлаш усулига ҳам үргата бориши керак. Бунда фақат құшиқнинг бузиб айтилаётган жойларida асбобни жүр қилиб тұғрилаб юбориш керак. Мусиқа муаллимларининг олдида ҳар бир құшиқнинг бадий обраzларини оча билиш ва уни ҳар бир үқувчига етказиш вазифаси туради.

Үқитувчи құшиқни үргатиши олдидан қисқагина кириш суҳбати үтказишини унұтмаслик керак. Бу синфда құшиққа нисбатан ижобий руҳий иқlim яратади. Үрганилаёттан құшиқ матнидан келиб чиқиб, унинг мазмунини янада онадиган халқ мақоллари ва ҳикматларидан фойдаланиш ҳам үринилі. Үрганилаёттан құшиқ ватан ҳақида бўлса, “Булбул чаманни севар, инсон Ватанни”, она ҳақида бўлса “Она билан бола-гул билан лола”, дўстлик ҳақида бўлса “Дўст-дўстнинг ойнаси” каби мақоллар келтирилса, үрганилажак құшиққа үқувчиларнинг руҳий жозибаси янада ошади. Күтаринки кайфият үрганилаёттан асарни тез ўзлаштириш имконини беради.

## УЧИНЧИ СИНФДА МУСИҚА ТАЪЛИМИ

Бизни ўраб турган дунё оҳангларга тұла. Тирик табиат минг хил тилда содда ва бетакрор құшиқларини күйлады: құшлар сайдайды, қамишлар шамолда шилдирайды, шаршаралар шарқырайды, момоқалдироқ гумбирлайды, инсонлар турға оҳанға бир-бираға нұтқу хитоб қиласылар, куладилар ва йифлайдилар. Борлықнинг ранг ва оҳанглардан минг жилвали қилиб тұқылған бу манзаралари болаларда катта таассурот қолдирады. Уларнинг тасаввур дүнәсі бойиб боради.

Ана шу табиатда кечадиган ва жамиятда юз берадиган воқеа-ходисалар мусиқа ижодкорларининг ҳис-түйғуларини жунбушға келтиради, үлар үз ҳис-түйғуларини умум инсоний даражада яхлит ифодалаб асар яратадилар. Юксак бадий савияда яратылған бундай асарлар эса инсонияттнинг маңа-вий мүлки булиб қолади ва авлодлар тарбиясида катта аҳамият касб этади.

Бириңчи ва иккінчи чмнфда олған сабоқлардан болаларнинг мусиқий маңа-навияти анча шаклланади. Учинчі синфда эса болалар олдига янада мур-раккабырөқ вазифалар қўйилади. Улар мусиқанинг турли таркибий ифода воситаларини ўрганға борадилар.

Одатдагидек учинчі синфда ҳам дастлабки дарсдаёт мусиқий иқлим ву-жулага көлтириш лозим. Бунинг учун ўқувчилар диққатини йўналтирувчи ки-риш сұхбатига тортиш керак. Ёзги татилда ким нима қилғанлигини, қайси пионер лагерларида бўлғанлигини, қандай театр ва концертларга кирғанли-гини, эшитган ёки ўрганған құшиқларини сўраш керак. Баъзи ўқувчилар ўзи урганған құшиқни жон-жон деб айтиб беради. Бу эса бошқа ўқувчилар қалби-да ҳам мусиқага нисбатан жозиб бир кайфият уйғотади.

Кейин ўқитувчи, иккінчи синфда ўтилган айрим құшиқларнинг бошла-ниш қисмини ижро этиб, бу қандай құшиқнинг куйи, бу қандай суръатда ижро этилаяпти, каби мусиқий машқлар ўтказиши керак. Ана шулардан сўнг мусиқа муаллими З синф мусиқа дастири бўйича бу йилги ўқув йилида қили-надиган вазифалар ҳусусида ўқувчиларга чиройли ҳикоя қилиб бериши, ўқув-чилар билан савоъ-жавоблар қилиши, умумий руҳий йўналишни белгилаб олиши керак.

Ўтиладиган мусиқа дарслари ҳаётдан узилиб қолмаслиги керак. Дарслик-ка киритилган аранг-баранг құшиқлар ҳусусида бўладиган сұхбаатлар бугунги кундалик ҳаётимизга боғланиши лозим. Болаларнинг мусиқага қизиқишини оширишда дарснинг сифати катта аҳамият касб этади. Агар ўқитувчи ўз ово-зига эга бўлса, бирон бир мусиқа асбобини қойилмақом қилиб чалинса, ашула-хор жамоасини бошқариш уқувӣ бўлса, дарсга мунтазам тайёрланса. Ундан ўқитувчининг дарси самарали, синфи илфор бўлади.

Учинчі синфнинг мусиқа дарсида ҳам қилинадиган ишларни вақт бўйи-ча аниқ белгилаб қўйиш керак, дарс босқичма-босқич қўйидагида кечиши керак: овозни қиздириш машқлари, этишиш машқлари, нота саводи, қўшиқ ўрганиш, сұхбат ва мусиқа тинглаш.

Учинчі синфда ҳам ноталар ва паузалар устида машқлар олиб бориши керак. Паузалар чўзимини ноталар чўзимига солиштириш, ноталар билан паузалар тақрорланиб, алмашиб келадиган машқларни қайта-қайта күйлати-

либ түшүнчө ҳосил қылдириб бориши керак. Бундан ташқары нұқтали ноталар ҳақида ҳам түшүнчө бериш, шундай ноталар учрайдиган құшиқтар билан танишиб бориши зарур.

Учинчи синфда ўкувчилар лад, мажор ва минор хусусида ҳам бир қадар билимга әзә бүлишлари керак. Бунда үқитувчи ҳар бир құшиқ товушларининг таркибиий боғланишга лад дейилишини. Лад бу ҳар бир мусиқа асарининг архитектураси, бош режаси эканлигини ёки қолипи эканлигини түшүнтириш керак. Бу ерда асосан ладлар иккى турға бүлинишини, булар мажор ва минор лади дейилишини ўртага бориши керак. Мажор ладидә ёрқин ва завқли түйфулар, минор ладидә эса маъюс ва фамгин түйфулар ифодаланиши, турли күй ва құшиқтардан мисол келтирилиб түшүнтирилиши зарур.

Учинчи синф дарслигига киристилган құшиқтарда қисқа чүзимли товушлар ҳам күп. Шунинг учун саккизлик, ўн олтиталик ноталар хусусида ҳам түшүнчө бериш саккизлик нота бутун нотанинг саккиздан бир бұлаги эканлигини, ўн олтиталик нота эса бутун нотанинг ўн олтидан бир бұлаги эканлигини түшүнтириш керак.

Учинчи синфда учтовушлайлар, дирижёрлик ҳақида ҳам соддагина булса ҳам түшүнчө беріб, иккى чоракли үлчов бүйіча дирижёрлик қылдириб ўргатиши зарур.

Болаларға ҳар бир күйлаётган құшиқтарининг бошида калитдан кейин қүйләдиган белгилар-альтерацияларга ахамият берішни ва белгиларининг вазифасини ўргата бориши лозим. Мана шундай қылиб учинчи синф ўкувчиларйыннан мусиқий сөвөді ҳам мустаҳкамланиб боради. Улар энди ашула-хор машғулотларыда мұракаброқ асарларни күйлашы ҳам құрбі етадиган дараражага келиб қоладилар. Энди бир овозли күйлашдан аста-секин иккى овозли күйлаш усулиға ҳам ўтса бўлади.

Учинчи синфда иккى овозли күйлашы ўтиш учун дастлаб қуйидаги тартибда мусиқа машғулотлари олиб бориши керак. Болалар гармоник терция, квартта, квинта интервалларини мусиқа асбобида чалиб, ҳамоҳанг чиқаётган товушнинг ҳар бирини алоҳида эттишига ҳаракат қилишни, дикқатни бир жойға тұплашни ўргатиши зарур. Кейин әшитиш қобилияты яхши болалардан иккитасини доскага чиқарып пастки товушни бирига, юқори товушни иккінчисига күйлатиши керак. Бунда аввал мусиқа асбоби жүрлигіда, сұнг эса жүрсиз күйлатиши зарур. Улар бу вазифаны бир мунча машқлардан кейин яхши удалайдилар.

Синфдаги болалар ҳам ичидан ўзларини бу жараёнга созлаб турадилар. Шундай қылиб бутун синфни иккиге бўлиб, пастки товушни бир томонға, юқори товушни иккінчи томонға күйлатиши керак. Издил ва мұнгатам машқлардан кейин болаларда анча малака ҳосил бўлиб қолади. Ана шундан кейин энг оддий иккى овозли құшиқтарни ўргата бошлаш лозим.

Иккى овозли құшиқни ўргатиши ҳам дастлаб құшиқ матнини яхшилаб ўқиб, түшүнтириш, кейин мусиқа асбоби жүрлигіда ижро қылиб, күйлаб күрсатиши ва ниҳоят ҳар бир овоз партиясини алоҳида-алоҳида чалиб ва айтиб күрсатиши зарур. Шундан кейин ўргатишини бошлаш керак. Аввал биринчи овозлардан бошланған маъқул, чунки биринчи овозларда құшиқ күйининг асоси бўлади.

Шундай қылиб ўкувчилар қолған йили давомида хор ижроилигининг бу усулини ҳам ўзлаштириб борадилар.

## МАКТАБДАН ТАШҚАРИ МУСИҚА ТАРФИЙОТИ ВА ТАЪЛИМИ

Мусиқа санъатининг баркамол намуналари билан ўқувчиларни танинтириб бориши, уларнинг ғоявий-ахлоқий тарбиясида катта аҳамиятга эга. Бунинг учун фақат мактабда берилётган дарс соатларининг ўзи етмайди. Бу эса мактабдан ташқари мусиқа тарфигонини ва таълимини тақозо қиласди. Бундай таълим ва гарбиянинг бизда кучли омиллари мавжуд. Булар радио ва телекурсатувлардир.

Бу соҳада марказий эшиттириш ва кўрсатувларда ҳамда жумхурият радио эшиттириш ва телекурсатувларида аинча амалий ишлар ҳам қилинган ва қилинмоқда. Бу эшиттиришлар ва кўрсатувларга таниқли ёзувчилар, композиторлар, дрижёrlар, режиссёrlар, балетмейстрлар ва хор мейстрлар таклиф қилиниши, уларга чукур мазмун баҳш этмоқда. Машҳур ижрочилар: овоз ва чолғу ижросининг усталирининг чиқишилари ҳам ўқувчилар дилилда ҳавас ва завқ ўйғотади.

Радио ва телекурсатувларда берилётгай: “Болалар мусиқали радио журнали”, “Кувноқ қушиқиар”, “Мусиқа дўкони”, “мусиқа жавони”, “Биргаликда куйлаймиз” каби эшиттириш ва кўрсатувлар навқирон шинавандаларнинг севимли сиртқи дарслари бўлиб қолмоқда.

Айниқса мактабдан ташқари мусиқий таълим, тарбия ишларига бевосита мактаб ўқувчиларининг ўзини аралаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Улар радио ва телекурсатувларга чиқиша катта маъсуллият ҳис қиласиди-лар, тайёргарлик жараёнида болалар руҳий, маънавий дунёсида улкан мусиқий тушунча ва билимлар жамғарилади.

Яхши тайёрланган болалар хор ва ашула, рақс ва чолғудасталарининг ҳаво мавжларига чиқиши, уларни милион-миллион ўз синфдошлари билан мусиқа тилида мулоқот қилиши имконини бермоқда. Бир сўз билан айтганда радио ва телекурсатув милионлар синфхонасири.

Хаёт тұхтосиз экан, туғилицы тұхтосиз экан, тарбия жараёни ҳам тұхтосиздир. Шунинг учун радио ва телекурсатув бу соҳада эришган бугунги дара-жасида туриб қолмаслиги керак. Мусиқа таълими ва тарфигонининг янги шакл ва мазмун омилларини излаши, олға силжиши лозим. Шу ўринда бир таклифиңи айтиб ўтиш жоиздир.

Мана 30 йилдан бери “Кувноқ стартлар” телекурсатуви мунтазам бериб борилади. Унинг ҳар бир эфирга чиқиши болалар уйун байрам. Бу кўрсатув 30 йил давомида қанчадан-қанча болаларни катта спорт оламига йўллади, мамлакат болаларининг жисмоний маданияти тарбиясида бекиёс рол ўйнади. Мана шу ибратдан бошқа соҳалар ҳам холоса чиқариб олса бўлмайдими? Бўлади, бунинг учун жиндак эътибор ва ташаббус керак. Биз жумхурият ва вилоят телестудиялари мунтазам равишда мактаблараро “Кувноқ ноталар” телеконкурслари ўтказиб боришини таклиф қиласмиш.

Жумхурият президенти ва ҳукумат раҳбарлари болаларимиз маданий тарбиясига катта аҳамият беришапти. Бунинг далили яқинда қабул қилинган, жумхурият мактаб ўқувчиларининг бир ойда бир марта, белул театрлар, концерт заллари, филармонияларга кириши ҳақидаги қароридир. Бу қарор ҳалқ таълими ходимлари олдига ҳам, маданият муассасалари ходимлари олдига ҳам катта вазифа қўяди. Бунда ҳар бир шаҳар, ҳар бир туман ҳалқ таълими,

ўз ҳудудилаги мусиқа күчларидан имкони даражасида самарали фойдаланиши керак булали “Мактаб ўқувчиларины режимли равишда театрларга, концерттарга, халқ фи гармонияларига боришиларини уюштириш, буни ўқув дастурининг асосини бир қисми деб билиш керак бўлади.

Мактабларда ҳар ойда бир кун “маданият куни” деб эълон қилиниб ўша кун бошқа дарслар ўтказилмаслиги керак. Болалар мактабга байрамона кийиниб келини, ўқитувчилари билан театрларга боришига тайёрланишлари зарур. Театр учрашувлари ўқувчилар учун тантанали бўлиши, санъаткорларни чиқишиларидан сўнг табриклиш учун ўқувчиларда гуллар бўлса яна яхши бўлади.

Маданият муассасалари, ўқувчи томошибинларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, томоша ва ижронинг шуларга мос шаклларини топиши зарур. Бунинг учун қўйидаги вазифаларни уддалашга ҳаракат қилмоқ керак.

1. Мусиқий-бадиий тарбия йўриклиаридан келиб чиқиб фойдали маданий тадбирлар тематикасини ишлаб чиқиш.

2. Тематик-концерт дастурларини тузиш. Бунда ўқувчилар ёши хусусиятларини ҳамда ҳар бир ёш гурухларнинг мусиқий саводхонлик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

3. Ижро олдидан бериладиган тўлиқ суҳбат ва тушунтириш усулларини ишлаб чиқиш.

Ўқувчиларга мўлжалланган тематик концерт дастурда, унинг таркибан ҳар-хил бўлишига эътибор бериш керак. Бир хиллик ўқувчиларни толиқтириб қўяди. Тематик концерт ранг-баранг, енгил куй-кўшиқлар ҳам мураккаб, куй-кўшиқлар ҳам аралаш бўлиши керак.

Шундай бўлганда ўқувчилар ижро қилинаётган куй ва қўшиқларни ҳам ижрочилар маҳоратини ҳам бир-бирига таққослаб боради. Уларнинг мусиқани бадиий таҳлил қилиш идроки фаоллашади,

Ўқувчилар билан “Композитор-ижрочи-томушибин”, “Композитор-дрижер-ижрочи-томушибин” каби учрашуви суҳбатлар ва концертлар ўтказиш айниқса фойдалидир.

Бундай концертлардаги жонли муроқот уларнинг қалбига ўчмас чўғсолади. Бундай учрашувларни нафақат театрлар балки кашшофлар саройларида, мактабларда ўтказса ҳам бўлади.

Бошлиғич синф ўқувчилари билан бўладиган театр учрашувларини айниқса мароқли ўтказиш керак. Бунинг учун жиддий тайёргарлик зарур. Ижро қилинадиган асрлар уларнинг бола қалбига етиб борадиган, тушунарли ва шу билан биргә уларнинг дидини бир қадар кўтарадиган бўлиши керак.

Болалар билан “Эртаклар мусиқада”, “Йил фасллари мусиқада” каби суҳбатли концертлар ўтказиш уларнинг тасаввур дунёсини янада бойитади, улар бадият олами муштарак эканлигини элас-элас англай бошлайдилар.

# МУСИҚА САВОДИДАН АСОСИЙ ОДДИЙ МАЪЛУМОТЛАР

## МУСИҚАВИЙ ТОВУШЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Биз беҳисоб товушлар олами ичидаги яшаймиз ва бу товушлар ниманинг товуши эканлигини фарқлаймиз, шовқинлиг ёки мусиқавий товуш эканлигини биламиз.

Мусиқавий товушларни уч хил хусусият белгилайди:

1. Баландлик
2. Қаттиқлик
3. Тембр

Товушнинг баландлиги тебранаётган товуш манбанинг тезлигига боғлиқ бўлади. Тебраниш қанча тез бўлса, товуш шунча баланд ва аксинча бўлади.

Товушнинг қаттиқлиги тебранаётган товуш манбанинг фазодаги тебраниш доирасининг кенглигига боғлиқ бўлади. Тебраниш фазоси қанча кенг бўлса, товуш шунча қаттиқ ва аксинча бўлади.

Товушнинг тембр и деб унинг ўзига хос оҳанг хусусиятига ранг-баранглигига айтилади. Ҳар бир мусиқа асбоби овозининг ва ҳар бир инсон овозининг ўзига хос оҳанг-тембри бўлади.

## МУСИҚАВИЙ ТАРТИБ ВА ТОВУШҚАТОР

Ҳозирги замон мусиқа амалиётида қўлланиладиган, ўз аниқ баландлигига кўра, бир-бiri билан аниқ ўзаро муносабатда бўладиган товушларнинг жойлашиш тартибига - товушларнинг мусиқавий иартиби дейилади. Товушларнинг мусиқавий тартибида ўз баландлигига қараб жойлашишига товушқатор дейилади.

Товушқатордаги ҳар бир товуш эса уйинг босқичлари дейилади. Товушқатор босқичларини - пардалар десак ҳам нотўғри бўлмайди. Шундай қилиб бутун товушқатор 88 та хилма-хил пардадан иборат. Бу товушлар секундига 16 дан то 4176 мартағача тебраниш натижасида ҳосил бўлади. Инсон қулоғи фақат шундай тебранишлардан туғилган товушларни мусиқий товуш сифатида фарқлай олади. Бу тебранишлардан пасти ҳам, баланди ҳам инсон қулоғига шовқинли товушлар тарзида эшитилади.

Товушқаторнинг асосий босқичларига еттита мустақил ном берилган. Улар До, ре, ми, фа, соль, ля, си.

Ана шу еттитада босқични ўз ичига олган товушқаторнинг исталган қисми октава дейилади. Октаваларнинг бошланғичи деб до товуши қабул қилинган. Октаава дегани лотинча сўз бўлиб саккизлик демакдир.

Ҳаммаси бўлиб товушқаторда иккита нотўлиқ, еттита тўлиқ октава бор.

## МУСИҚА СОЗИ, ЯРИМ ТОН ВА БУТУН ТОН

Мусиқа пардаларининг энг яқин оралиғи ярим тон дейилади. Иккита ярим пардадан иборат оралиққа бутун тон дейилади. Товушқаторнинг асосий босқичлари орасида иккита ярим тон ва бешта бутун тон бор.

Улар қуйидаги тартибда жойлашган:

до ре ми фа соль ля си до  
1т. . 1т. 1/2, 1т. 1т. 1т 1/2

Мусқа ижрочилигига қулай бўлсин учун бутун тонлар ҳам ярим тонларга бўлинган. Шундай қилиб, бир октава тенг ўн иккита ярим-тонликка бўлинган. Ана шунга аниқ мусиқа сози дейилади.

Асосий пардаларни тенг бўлган ярим пардаларга ҳосила пардалар дейилади. Ҳосила пардаларнинг номи асосий пардалар номидан келиб чиқади.

Асосий пардаларнинг ярим тон кўтарилиши диез сўзи билан ифодаланади.

Асосий пардаларнинг ярим тон пасайиши бемоль сўзи билан ифодаланади.

Асосий пардалар иккита ярим тонга кўтарилса ёки пасайса, дубль-диез ёки дубль-бемоль сузлари билан ифодаланади.

## НОТАЛАР, УЛАРНИНГ ЧЎЗИМИ ВА НОТА ЙЎЛЛАРИГА ЁЗИЛИШ ТАРТИБИ


Сўзларнинг товушлағи ҳарфлар билан ёзилганидек, мусиқа товушларининг паст, баландлиги, чўзиқ, қисқалиги ноталар билан ёзилади. Ноталар ўртаси бўш ёки бўялган доирачалардан иборат бўлади. Қисқа чўзимли товушларни ифодалаш учун бу доирачаларга тик таёқчилар қўйилади. Янада қисқа чўзимларни ифодалаш учун эса тик таёқчаларга байроқчалар қўйилади. Қисқа чўзимлар гурухланса уларнинг тик таёқчалари кўндаланг таёқчалар билан бирлаштирилади. Мусиқа товушларининг чўзиқ-қисқалиги қуйидаги ноталар билан ифодаланади:

Энг узун чўзимли бутун нота      О шакли

Бутундан икки карра қисқа яримталик нота шакли



Яримдан икки карра қисқа чоракталик нота шакли



Чоракталикдан икки карра қисқа саккизталик шакли



Саккизталикдан икки карра қисқа ўн олтилик шакли



Товушларнинг паст-баландлигини ёзиш учун нота йўлидан фойдаланилади. Нота йўли /чизиги/ бешта ёндош параллел чизикдан иборат:

Чизиклар пастдан юқорига қараб саналади:

Ноталар чизикларга ёзилади.

Ноталар чизиклар ўртасидаги оралиқка ёзилади.

Нота йўлининг 1-чизиги остига ёзилади:


Нота йўлининг 5-чизиги устига ёзилади:

Нота йўли остидаги ва устидаги қўшимча чизикларга ва уларнинг оралиғига ёзилади.

## КАЛИТЛАР

Нота чизиқтаринин үзігінде уларнан ораларига ёзилған ноталар қайси бир товунни анық іфодалағанынша нота чизиқтаринин бошига қойылған калит белгисі орқалы билдіміз. Нота иұлларининг бошига қойылған калит белгисинин марказынан бирон бир нота чизиғи кесіб үтады. Калит ана шу чизиқда турған нота қандай товун баландығыннан іфодалағанын курсатады. Бошқа асосий бөсқічтар зса үша товуна мослашады. Ҳозирғы вақтта уч хия калиттар қолданылады.

Скрипка калити /соль калити/ ҳам дейілді:



Скрипка калити иккінчи чизиқда туралған биринчи октаванин соль товуны бағанғыннан іфодалағады.  
Бас калити /фа калити/ ҳам дейілді:



Бас калити түртінчи чизиқда туралған қинек октаванинға фа товуны баландығыннан іфодалағады.

До калити учинчи чизиқда туралған биринчи октаванин до товуны баландығыннан іфодалағады:



Мусиқа ёзувида ұар хил калиттардан фойдаланышинин бойсы, құнимча чизиқтарни камтаптирип да нот үкүвінің осозданып тиришады.

## АЛЬТЕРАЦИЯ БЕЛГІЛАРИ

Альтерация латинша Alterare-уяратып тегани Асосий нардаларнин күтарилишина да насаныннан альтерация депелді.

Бу белгилар белгілі болып, қойылады да өзінде:

Диез - # асосий нардан 0,5 тон күтаратады.

Бемоль - ♭ асосий нардан 0,5 тон пасайтирады.

Дубль-диэз - X асосий нардан 1 тон күтаратады.

Дубль-бемоль-Ь - асосий нардан 1 тон пасайтирады.

Бекар-Н - белгисінің бошқа альтерацияларни үз тектіде ман қылады.

Альтерация белгилари керак бўлганда ноталар оадига, калит белгисинең үнг томоннан чизиқтарға да уларнин оралығында қойылады:



Калитарниң олдига қүйиладын альтерациялар калитолди альтерациялари төзесиңіб, бұтун асар давомиса ўз күчини ҳамма оқтавалар үчүн ұмсаққан и. Ноталар олдига қүйиладын альтерациялар және гасодифий альтерациялар төзесиңіб, фақат битке тектеде ўз күчини сақтаайды.

## НОТАЛАР ЧҮЗИМИНИ ҰЗАЙТИРУВЧИ БЕЛГИЛАР

Ноталарниң асесінің чүзимлардан таңқары, уарнинде чүзимини яна бироз ғарырувчи белгілар ҳам бор. Уар қүйиладылар:

Нескінде агар нотаниң ўнг томонига қүйилса, у узининг ярмуга үзаялса:

$$\begin{aligned} o. &= o + d^{\frac{3}{2}} \\ d. &= d + d^{\frac{3}{4}} \\ d. &= d + d^{\frac{3}{8}} \end{aligned}$$

Агар нотаниң ўнг томонига қүйіп нүкта қүйилса, у узининг ярмуга ҳамда чорагига үзаялса:

$$\begin{aligned} o.. &= o + d + d = \frac{5}{4} \\ o.. &= d + d + d = \frac{7}{8} \\ d.. &= d + d + d = \frac{7}{16} \end{aligned}$$

Агар бир хил баландалықтардың ноталар лига чизиги билан бирлантирилсан болса уарнинде чүзими күшиләди:

$$\begin{aligned} \overbrace{o+d} &= \frac{5}{4} \\ \overbrace{d+d} &= \frac{5}{8} \end{aligned}$$

Агар биронта нота чүзимининде үстінде ёки остында ферматада белгиси турған болса, ижроғи ўша товушни ўз ихтиёрича узоқ чүзиги турини мүмкін, ферматада белгиси ярим доирача болып үртасыға нүкта қүйилады:




## ПАУЗАЛАР

Мусиқа оқынгларининде маъзум бир муддатта тинишига пауза дейнләди. Паузалар чүзими ҳам ноталар чүзимига баробар бўлади.

Бутун нота чүзимига teng бутун пауза...



Яримталик нотага teng пауза:




- Фондатылк потага тенг пауза -----
- Сыккыздылк потага тенг пауза -----
- Үн олтиталик потага тенг пауза -----
- Үтиз иккиталик потага тенг пауза -----
- Олимп турғатылк потага тенг пауза -----




## НОТА ЁЗУВИНИ ҚИСҚАРТИРУВЧИ БЕЛГИЛАР

Нота ёзувини қисқартириш учун маҳсус белгилар құлланилади:



Юқоридан қайтарини /реприза/ белгиси-бутун асарни ёки унинг бир қисмими қайтарини зарурлижини күрсатади.

Волъта-бутун асарни ёки унинг бир қисмими такрорлашда ҳар хил тамом булинини күрсатади ва қуйидагича ёзилади,



Асарни биринчи марта қайтарышда 1-волъта чалинади, иккинчи марта қайтарышда же 1-волъта чалинмай 2-волътага ўтиб кетилади.


Жуда бағанд әдәд ва жуда паст товушларни күрсатиш учун күп сонли құшимчачи икәлар булинни талаб этилади. Құшимчачи чизиқларни күп ишлатмаслик учун 8..... белгиси құлланилиб, бу белги ноталар устига ёзилиб, бир октава кутариб ижро этилиши күрсатилади. Ноталарнинг остига қўйилган 8..... белгиси эса бир октава пасайтириб ижро этилишини күрсатади.

## РИТМ. МЕТР. ТАКТ. ҮЛЧОВ.

Мусиқа чўзимларининг ва зарбларининг галма-гал келиши ва нисбати ритм /усул/ дейилади.


Метр- ритмни үлчов воситасидир. Метр бир хил чўзимдаги аниқ ритм бўлакларининг тўхтовсиз такрорланадиган изчиллигидир. Мусиқа асарларининг қисқа бўлаклари текта деб аталади, бу қисқа бўлакларнинг чўзимлари бир-бирига тенг бўлади. Тактлар бир-биридан текта чизиқлари билан ажратилади. Баъзан асар тўлиқсиз биринчи тактдан ёки унинг кучсиз бўлагидан-тектадан одидан бошланади.

Калит олдига қўйиладиган каср сони текта үлчови дейилади. Үлчов касрнинг сурати бўлакларининг сонини, маҳражи эса шу бўлакларнинг чўзими-ни кўрсатади:



Башланғыч синфларда үрганиладын мусиқа асарлары қыннандағы  
одиннан үлчовларда ёзилған бўлади:

Икки ҳиссали үлчовлар



Уч ҳиссали үлчовлар



## ТЕМП - СУРЪАТ

Темп сўзи ҳамма учун тушунарли, ҳаракат тезлигини билдиради. У ло-  
тинча темпус - вақт сўзидан олинган.

У мусиқанинг ҳаракат тарзини аниқлашга ёрдам беради.

Мусиқа асари ёки унинг айрим қисмларининг ҳаракат суръати италянча.  
сўзлар билан кўрсатилиди ва улар 17 асрдан бошлаб қўлланилиб келинади.

Мусиқа суръати асосан уч турга бўлиниади:

1. Оғир суръатлар:

Ларго - чўзиб.

Ленто - чўзиброқ.

Адажио-оғир.

2. Ўртача суръатлар:

Анданте-ўртача оғир, равон.

Мадерато-ўртача тез.

3. Тез суръатлар:

Аллегро-тез.

Виво-чаққон.

Суръат кўрсатгичларини ҳар бир композитор ўз она тилида ҳам ёзини  
мумкин.

## ДИРИЖЁРЛИК УСУЛЛАРИ

Ижрони башқарынға дирижёрлик деңгеләди. Мусиқа асарининг суръаттары дирижёрининг құл ҳаракаты силтөвлөр билан күрсатыб борилади.

Хамма икки ҳиссали ўлчовлар настта ва юқорига икки құл силтөві билан дирижёрлик қилинады:




Хамма үч ҳиссали оданы ўлчовлар настта, унға ва юқорига уч құл силтөві билан дирижёрлик қилинады:



Түрт ҳиссали ўлчовлар настта, чаңға, ұнға: ва юқорига түрт құл силтөві билан дирижёрлик қилинады:



Олти ҳиссали ўлчовларга дирижёрлик қилишда настта ва үнға буладын құл силтөвлөр икки мартадан бўлади:



## ИНТЕРВАЛЛАР

Бир вақтда ёки бирин-кетин эшигилган иккита товушга интервал дейилади. Интервал лотинча сўз бўлиб оралиқ дегани бўлади. Бир вақтда эшигилган иккита товуш гармоник интервал бўлади. Бирин-кетин эшигилган иккита товуш эса мелодик интервал бўлади:



Интервалларнинг сон ва сифат миқдор хусусиятлари бўлади. Сон миқдор интерваллар нечта босқичдан тузилганлигини, сифат миқдори эса интерваллар нечта тондан тузилганлигини билдиради.

Интервалларнинг сон миқдори:

Прима - 1 биринчи.

Секунда-2 иккичи.

Терция-3 учинчи.

Квтарта-4 туртинчи.

Квинта-5 бешинчи.

Секста-6 олтинчи.

Септима-7 еттинчи.

Октава-8 саккизинчи.




Интервалларнинг сифат миқдори:

1 Соф прима-	0 тон
2 Кичик секунда-	0,5 тон
Катта секунда-	1 тон
3 Кичик терция-	1,5 тон
Катта терция-	2 тон
4 Соф квартга-	2,5 тон
Орт. Квартга-	3 тон
5 Кич. Квинта-	3 тон
Соф квинта-	3,5 тон
6 Кичик секста-	4 тон
Катта секста-	4,5 тон
7 Кичик септима-	5 тон
Катта септима-	5,5 тон
8 Соф октава-	6 тон



## ЛАДЛАР ВА ТОНАЛЛИКЛАР

Турли товушларнинг яъни баландлити ҳар хил товушларнинг ўзаро алоқаси, бекарор товушларнинг бир тоника интилиши лад дейилади. Ладдаги тоника учтовушлигига тоника асосий тон деб аталиб, терция ва квинта товушлари шу ладдаги товушлардан тузилади. Ладдаги товушларни погона дейилиб, улар рим рақами билан тоникадан юқори томон саналади:



Ладдаги погоналардан гамма түзилди. Ладдаги тоника тоналикини аниқлады. Масалан, тоника до бўлса, До-мажор бўлди. Ладлар бир-биридан таъсирчанилпк имкониятларига кўра ажратиб туради. Лад қоилалари асосида куй түзилди, у гармонияларги товушлар боғланшини ҳосил қиласи.

Турғун товушларининг жатта учтовушликдан тузилган ладга мажор лади дейилади.


Турғун товушлари кичик учтовушликдан тузилган ладга минор лади дейилади.

Мажор ва минор ладларида ҳам I-Ш-IV погоналари турғун бўлди. Нотурғун товушлар турғун товушларга тортилади.

Тоналийк-ладдаги товушларнинг баландлигидир. Тоналийк номи лад ва тоналийкдан тузилади. Ҳар бир мусиқа асари маълум бир тоналийкда ёзилади. Ҳар бир тоналийк калитолди алътерация белгилари билан бир-биридан фарқ қиласи.

## УЧТОВУШЛИКЛАР ВА АККОРДЛАР

Турли баландликлаги ва ундан ортиқ товушларнинг қўшилиб, яхлит ҳолда янграшига аккорл дейилади. Аккордлар одатла терция интервали бўйича тақсимланган товушлардан ҳосил булади. Масалан: до-ми-соль, фа-ля-до каби. Аккорд тўрт ғовушдан тузилса септаккорд, беш товушдан тузилса нонаккорд, олти товушдан тузилса ундецимааккорд лейилади. Аккордларнинг пастки товуши асосий тон ёки прима, қолганилари терция тони, квинта тони, септима тони, ундецима тони дейилади.



учтовушлик

септаккорд

нонаккорд

Энг паст, яъни бас товушига кўра учтовушлик аккорд уч турли ҳолатда келиши мумкин:



асосий ҳолат

секстаккорд

квартсекстаккорд

Септаккорд тўрт хил ҳолатда келиши мумкин:



асосий ҳолат,

квинтсекстак.

терцквартаккорд,

секундаккорд

# КУНДАЛИК ЗАРУР МУСИҚАНОМА

## АВЖ

Биз кундалик турмушда, ҳар қадамда “иш авж олиб кетди”, 2ўйин авжиди” каби гапларни эшишиб турдимиз. Бу иш ёки ўйиннинг фоят қизғин бораётганини билдиради.

Авж-арабча сўз бўлиб чўққи деганидир. Бу сўз мусиқада ҳам тез-тез қўллануб турилади. Мусиқа асарининг энг баланд товушларда ифодаланган қисмига авж дейилади.

Ўзбек мусиқасида, ашула, катта ашула ва мақомларда машхур авжлар учрайди. “Ушишоқ”, “Турк”, “Зебо пари” каби авжлар шашмақомнинг машхур авжлариdir.

## АЖАМ

Араблар уларидан бошқа шимолий халқларни ва мамлакатларни, хусусан, Эрон, Хурросон, Мовароуннаҳр халқлари мамлакатларини ажам деб атагицган.

Ажам-ўзбек халқ мусиқасининг қадимий чолғу йўлларининг айримлари ҳам шундай аталган. Шашмақомдаги “мухаммаси ажам”, “наврӯзи ажам”лар халқ орасида машхур.

## А КАПЕЛЛА

Итальянчадан айнан таржимаси “бутхонадагидек” деган сўз бўлади. Мусиқага бутхонанинг нима алоқаси бор деб ажабланиш мумкин. Лекин христиан динидаги Фарбий Оропа мамлакатларида черковибодатлари орган ва хор жўрлигига ўтади. Бу ибодатларга илоҳий бир қудрат баҳш этади.

Итальянлар бутхонани капелла дейди. Бутхоналар кичик бўлғанлигидан орган куйишга жойи ҳам, қурби ҳам ётмайди. Шунинг учун у ерда фақат хор жўрлигига ибодатлар ўтказилади.

Кейинчалик жўрсиз куйлайдиган хор гуруҳларига бутхонадагидек, яъни а капелла лақаби тақалиб кетган. Ўзбекистонда М.Бурхонов ва Б.Умиджонов а капеллалари машхур.

## АНСАМБЛЬ

Санъаткорларнинг уюшган ижрочи гуруҳига ансамбль дейилади. Ашула ва рақс ансамбли, халқ ансамбли каби ибораларни кўп эшиштамиш. Масалан: “Баҳор” ўзбек давлат рақс ансамбли ва ҳоказо. Ансамбль икки кишилик бўлса дуэт, уч кишилик бўлса терцет, тўрт кишилик бўлса квартет, беш кишилик бўлса квинтет, олти кишилик бўлса сектет ва ҳоказо дейилади.

Ансамбль французыча сўз бўлиб “биргаликда” деганидир. Мусиқа созларининг бир-бирига ҳамоҳанг созланиши ҳам ансамбль дейилади.

## АРИЯ

Ария ўзбекларнинг мусиқа оламига XX асрда кириб келган. Биз радио ва телекўрсатувлардан “Майсарапанинг иши” операсидан Чўпон арияси ёки “Ҳамза” операсидан Ҳамза арияси каби эшиittiриш ва кўрсатувларнинг гувоҳи бўлиб турдимиз.

Ария итальянча сўз бўлиб ашула демакдир.

Драма асарларида монолог қандай аҳамиятга эга бўлса, мусиқали драма ва операда ария шундай аҳамиятга эга. Масалан, драмадаги Отелло монологи билан операдаги арияси тенг.”

## АНТРАКТ

Бу сүз лотинча ва французча сўзларнинг қўшилишидан тузилган. Антре французча “оралиқ”, акт лотинча “ҳаракат”дир. Иккى сўз бирлашиб “ҳаракат оралиғи” деган маънони беради. Демак, антракт саҳнадаги ҳаракатлар оралиғидаги танаффусидир.

## АРТИСТ

Мусиқа, драма ва иотиқчиқ каби ижро санъаткорлигини мукаммал қасб қилиб олған киши артист дейилади. Бу соҳанинг усталарига “хизмат кўрсатган” ва “халқ артисти” уйвонлари берилади.

## АРФА

Энг қадимин мусиқа асбобларидан бири. Қадимда ёйкамон шаклида бўлган, ҳозирда учбуручак шаклида, номи итальянча. Илк арфа қадимги Мисрда яратилган, 46-47 тори, нарадалари бўлади. Жуда майин ва ёқимли овози борлиги туфайли шоҳлар саройида қадрланган. Ҳозирги вақтда оркестрларда қўлланилади.

## АШУЛА

Энг кўн гарқалган овоз мусиқаси тури. Ашула сўзлари чолғу жўрлигига ижро қилинади. Халқ ижодида ашуланинг жуда кўн турлари мавжуд: ялла, ланар, марсия ва бошқалар. Мусиқа мутахассислари бастакорлар ва композиторлар халқ ашула йўлларига таянган ҳолда жуда кўн замонавий ашулалар ижол қилдилар.

## БАЁТ

Арабча сўз. Оҳангли дил изҳори деган маънони беради. Шунинг учун Навоий бир газалида “Навоий айтса баёт ул ой меҳринда” дейди.

Тошкент-Фарғона ашула айтим йўлларида беш қисмли “Баёт” мавжул. Бухоро шашмақомида ҳам “Баёт” чолғу йўллари бор.

## БАЛЕТ

Французча сўз бўлиб, итальянча “балетто-ракс” сўзидан келиб чиқкан. Мана уч асрдан бери мусиқа, ракс, драма ва тасвирий санъат муштараклигидаги рақс саҳна асарига балет дейилади. Биринчи ҳикоя-мазмунли балет асарини УП асрнинг иккинчи ярмида француз комедиографи Мольер яратган.

Балетда инсон кечинмалари нозик рақс-гавда ҳаркатларида ифодаланади. Балетда классик рақс, мижозиги ва қилиқларни тавсифлаш рақслари ва пантомима қўлланилади. Бунда қласик рақс кўтаринки руҳи, илоҳий инсон парвоздарини, мижозий-тавсифли рақслар баъзи қаҳрамонлар ва гуруҳларнинг мижози ва қиоққарини, пантомима қаҳрамонларининг ўзаро мулоқотини ифодалайди.

Балетда дутт на-де-де дейилади, якка рақс вариация ва умумий рақслар кардабалет дейилади.

Балет Ўзбекистонга XX асрнинг 40-йилларида кириб келган. И.Акбаровнинг “Орзу”, А.Козловскийнинг “Тановар”, У.Мусаевнинг “Афсоналар воийси” балетлари машхур.

## БАСТАКОР

Форсча боғлов ишни демаклар. Бир овозли куй ва қўшиқ боғловчилар, яъни ижодкорлар бастакор дейилади. Бастакорлик қадимдан то бизнинг кунларгача давом этиб келаяпти. Ўзбекистонда Ю.Ражабий, Г.Тошматов, М.Мирзаев каби бастакорлар ижоди ҳаммага манзур.

## БАХШИ

А.Навоий баҳши сўзини мирзо, котиб маъносида ишлатилим. Кадимларни сўз қабила, уруғ маъносида ҳам ишлатилган. Бир вақтлар тақирир ғарбийларни чилар ҳам баҳши дейилган.

Ўзбекистонда ҳалқ достонларининг моҳир ижрочилари баҳши. Қадимларни Баҳшилар дўмбира билан бутун бир достонни 10-12 соатлаб антанили. Ундош ҳалқ достонларининг деярли ҳаммасини Шеробод ва Нурота оҳакити тик мактабидан етишиб чиққан баҳшилар айтиб кетган.

## “БАҲОР”

Бутун дунёга танилган. Ўзбек Давлат хотин-қизлар рақс ансамбли. 1957 йилда ташкил топган. 1979 йилдан М.Турғунбоева номи билан аталади.

## БУМ-БАК

Доириа зарблари. Доириа зарблари бир чизикка ёзилади. Бунда бум пастга, бак юқорига ёзилади. Хоразмда доириа зарблари гун-тоқ леб юритилади.

## ВАЛЬС

Австрияниң Лайдль вилояти ҳалқи ўзларининг Лендлер номли вилоят номи билан аталувчи рақсни жуда севишади. Бу рақс уч ҳиссали, бунда ўйинчилар жуфт бўлиб ёнгил айланишган. Мана шу рақс кейинчалик айланиши яхни немисча вальс деб номланиб кетган.

Веналик композиторлар ота-бода Иогани Штрауслар бутун жаҳонга маҳшур вальслар ижод қилганилар. Ҳозир бирон бир вальс ёзмаган композиторни топиш қийин.

Ўзбек бастакор ва композиторлари ҳам вальслар ёзишган. Айниқса М.Мирзаевнинг “Баҳор вальси” ҳаммага манзур.

## ВУНДЕРКИНД

Бу сўз немисча бўлиб мўжиза бола дегани. Болаликлар санъатнинг бирон бир соҳасига ақл бовар қилмас даражада истеъдол кўреалган болалар шундай аталган.

Бундай болалар улғайиб санъат одамида ўчмас из қолдириб кетишган. Болаликлар Монарт ва' Лист шундай вундеркиндлар бўлишган. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ҳам шундай мўжиза бола бўлган.

## ГАРМОН

Ҳаво тўлқини орқали чалинадиган мусиқа асбоби. 1822 йилда немис мусиқа асбоблари устаси Ф.Л.Бушман томонидан яратилган. XIX асрдаёқ бутун дунёга тарқаб кетган жуда кўп ҳалқлар ўз мусиқа ладларига мослаштирилган.

Гармонининг тури кўп: Вена гармони, Тула гармони, Саратов гармони, Хоразм гармони ва ҳоказо. Хоразм хонандалари Шерозий ва Сафо Муғанийлар ўзлари ясаган гармон жўрлигига ашула айтганлар. Аёл халифалар ҳам гармон жўрлигига куйлашган.

## ГИМН

Юнонча сўз бўлиб тантанали қўшиқ дегани. Қадим замонлардан гимнлар худолар ва қаҳрамонлар шаънига айтилган. Ўрта Осиё ҳалқларининг энг қадимиги, бундан XXУ аср аввал яратилган диний адабиёти “Овесто”нинг жуда кўп қисми худолар ва табиятга гимнлардан иборатdir.

Гимнларнинг тури кўп: давлат гимнлари, инқилоб гимнлари, ғалаба гимнлари ва ҳоказо.

## ГИТАРА

Испаниядан бутун дунёга тарқалған мусиқа асбоби. IX асрдағы испан гитарнинг севимли сози булған. Гитара ва қилич ёнма-ёң юради деган нақыл бор испанларда. Гитара тирнаб чалинадиган асбоб, 6-7 сим тори бор. Гитара тарихда буюк ижрочилар үтгап. Булар испан Агуала, Таррека ҳамда италиян Жулианилардир. Лорка ҳам зұр гитарачи бұлған.

## ГҮЯНДА

Форече сүзловчидир. Хоразмда ашулачилар ҳам баъзан шундай аталған. Марсия айтиб мархум бошида йиғловчилар ҳам гүйнда дейилади.

## ДИРИЖЕР

Франциязы бошқармоқ дегани. Дирижер асар ижросигача мусиқачилар билан катта тайёргарлик ишлари олиб боради.

Асарда композиторлар қўйған мақсадни тушиқ очиб бериш учун, ижронинг тозалиги учун, юксак ҳамоҳанглик учун жон куидиради. Дирижёр XIX асрнинг бошларида, чолгу ансамбллари кенгая бошилган лаврларда пайдо бўлди.

Дастлаб дирижёр ертўладаги мусиқачиларга ўнас томоша залига қараб дирижёрлик қиласр эди. Чунки томошибинларга орқа утириб туриш беодоблик санаалар эди. Бу дирижёр ва мусиқачиларга қийинчиликтар туғдирашади. Немис композиторлари Вагнер ва Менделесонлар бу нокулай ҳолга барҳам бердилар.

Ўзбекисонга дирижёрлик 30 йилларда кириб келди. Биринчи ҳақиқий маънодаги ўзбек дирижёри Мухтор Анирафий эди.

## ДОИРА

Ўзбек мусиқа асбоби. Ҳалқ орасида данн, чилдирма, чирманда дейилади. Иягари қасиоги узум зангидан қидинган. Ҳозир ёғочдан уланиб ясалади. Бузоқ териси қопланади. Ўрта Осиё ва Кавказда яшовчи бошқа ҳалқларнинг ҳам үз доиралари бор.

## ДҮМБИРА, ДУТОР

Икки торли ўзбек мусиқа асбоблари. Ўзбек дүмбирасида пардалар булмайди. Асосан баҳшилар достонни дўмбира журлигига куйлашади. Косаси уйиб ясалади, овози майин ваёқимли.

Дотор дўмбираға қараганда мукаммал асбоб. Ичак ёки ипак пардалар боғланади. Ипак тор тақилади. Ўзбек мусиқачилигига жуда кенг қўлланилади. Турли ўзгартиришлар билан оркестрларга ҳам киритилади.

## ЖЮРИ

Инглизлар суд маслаҳатчиларини жюри дейишади. Кейинчалик бу сўз санъаткорлар конкурсларини баҳоловчи ҳайъатга айтила бошланган.

## ЗАНГ

Чарм тасмаларга ўрнатылған кўнғироқчалар занг дейилади. Ўзбек ва тоҷик раққосалари оёқ-қулларига тақиб ижро қиласади. Занг бутун шарқ ҳалқларида ҳам кенг тарқалған.

## ИНТЕРНАЦИОНАЛ

Инқилобий гимн. Шеъри Эжен Потьеники, мусиқаси Пьер Дегейтерники. 1888 йилда яратилған.

## КАМЕР МУСИҚА

Италиянлар хонани камера дейишади. Илгарилари мусиқачилар учун катта концерт саройлари бўлмаган. Мусиқачилар бир-бирларини кига тўпланиб, турт-беш киши бир хонада узлари истаган кўйни машқ қилишган. Бу ном шундан келиб чиқсан. Кичик мусиқачилар гурӯҳига мўлжалланган асарларга шундай дейилади.

## **КАНТАТА**

Ангула айтмоқ дегани. Мұхим воқеаларға бағишилаб якка, хор ва оркестр учун ёзилған асарларда кантата дейилади. С.Юдаков “Мирзачұл” кантатасы учун “Давлат мүқоти олган”.

## **КАТТА АШУЛА**

Тошкент ва Фарғона вилоятларыда тарқалған ижро йули. Катта ашулани мусиқасыз патнисда икки ёки уч-тұрт киши биргаликда айтишади. Навбатмай навбат айтишиб, биргаликда тугатишади. Катта ашула күчли нағасни ва юқори овозни талаң қыллади. Ижрочилар құлидаги патнис овозини тұлқынлантиради ва бир томонға йўналтиради.

## **КОМПОЗИТОР**

Лотинча тузувчи дегани. Қадимда бирон бир күз құвнайдыган нарса яратған кишилар шундай аталған. Масалан гуллардан чиройли гулдаста ясаган киши ҳам композитор дейилган.

ХҮІ асрдан бошлаб бу сүз фақат мусиқа ижодкорларига нисбатан ишләтила бошлаган. Ҳозир композитор тушунчаси ҳаммага ойдин.

## **КОНКУРС**

Лотинча сүз бўлиб тўқнашув дегани. Конкурс бирон бир соҳада ёки мусиқадан рақобат қилувчиларнинг энг кучлиси аниқланади.

## **КОНСЕРВАТОРИЯ**

Лотинча сақламоқ сўзидан келиб чиққан. 1537 йилда Неаполда очилған етимларни сақлаш мактаби шундай атала бошланди. Бу ерда мусиқа ҳам асосий фан сифатида ўқитилар эди. Кейинроқ у катта мусиқа илмгоҳига айланиб кетди. Шундай номдаги мақтаблар Оропанинг турли жойларыда бириң-кетин очила бошлианди. Тошкентда 1936 йилда консерватория очилди.

## **КОНЦЕРТ**

Лотинча мусобақа дегани. Бу ҳамма учун тушунарли.

## **КҮЙ**

Күй ўзбекча куйиш сўзидан олинган, куйган куйлади. Күй барча мусиқа-нинг асоси ҳисобланади.

## **ЛАУРЕАТ**

Лотинча дафна чамбаракли дегани. Қадимда Юнонистон ва Римда бирон-бир мусобақада ғолиб чиққан кишининг бошига дафна чамбараги кийдирилған ва у лауреат дейилган. Инсон фаолиятининг бирон-бир соҳасида юксак натижаларға эришган кишилар турли мукофотлар билан тақдирланадилар ва лауреат дейилади.

## **ЛЕЙТМОТИВ**

Немисча бosh мавзу дегани. Мусиқада ҳам қўлланилади.

## ЛИБРЕТТО

Итальянча китобча дегани. Либретто мусиқали саҳна асарининг тұлиқ ба-  
ннидир. Либреттолар күпинчә композиторлар билан ҳамкорликда яратылади.  
Баъзан композиторнинг ўзи ҳам Либретто ёзиганда мусиқа басталайди.

Күп ҳолларда машхур адабий асарлар либреттоларга асос қилиб олинади.  
Мисол учун А.Навоий асарлари кўпгина ўзбек мусиқали драма ва операларига  
асос бўлган.

## ЛИРА

Қадимги Юнонистон мусиқа асбоби. Тириаб чалинадиган еттига тори  
булган. Ҳозир деярли фойдаланилмайди. Лекин лира бутун дунё бўйича мусиқа  
санъатининг рамзи булиб қолган. Мусиқа нишонларига ҳамиша лира  
расми туширилган.

## МАРШ

Французча юриш дегани. Катта намойишчилар гуруҳига мос мусиқа асар-  
лари марш дейилади. Маршнинг турлари кўп: тантанали марш, парал марни,  
мотам марни ва бошқалар. Ҳамзанинг "Ишчилар уйғон" аңуласи маршdir.

## МАЭСТРО

Итальянча уста, устоз дегани. Санъаткорлар ўзларининг етук мусиқа раҳ-  
барларини ҳурмат юзасидан шундай дейди.

## МАҚОМ

Арабча сўз булиб жой, ўрин, туарар-жой дегани. Даража, босқич маънола-  
рида ҳам ишлатылади. Мусиқала асосий куй ўрни, яъни пардасиний билдиради.  
Мақом тарихи бундан 1400 йил бурун яшаган Ўрга Осиёлик булоқ муси-  
қачи Борбат Марвазий билан боғлиқ.

У олтинчи асрнинг иккинчи ярми еттинчи асрнинг бошларида подшоҳ  
Хисрав П Парвиз саройнда яшаган. У йилнинг ўн икки ойига мослаб ўн икки  
мақом яратган ва ҳар ойининг кунлар сонича яъни ҳар бир мақомга 30 тадан  
куй ижод қиласан. Булар бизнинг кунларгача аниқ етиб келмаган. Форобий  
Ўрга Осиё халқларининг 18 мақоми борлигини гапиради. Лекин XIII-XIV  
асрларда Ўрга Осиё, Хурросон ва Озарбайжонда қўйидаги 12 мақом мавжуд,  
машхур бўлган: Раҳовий, Ҳусайний, Зангула, Рост, Уншоқ, Наво, Буслик,  
Ҳижоз, Ироқ, Исфахон, Зарафканл, Бузрук.

Мақом тушунчаси ҳозирги кунда катта мусиқа меросимизни билдиради.  
Ўзбек мақоми уч ҳудудий маданий марказлар номи билан боғлиқ. Биринчиси  
Бухоро шашмақоми, иккинчиси Хоразм олти ярим мақоми, учинчиси Тош-  
кент-Фарғона мақомидир. Бухоро мақомлари қўйидагича номланади: Бузрук,  
Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ, Хоразм ммақомлари қўйидагича: Рост,  
Бузрук, Дугоҳ, Сегоҳ, Наво, Ироқ, Панжгоҳ. Тошкент-Фарғона чормақоми  
қўйидагича номланади: Баёт, Дугоҳ, Чортгоҳ, Шоҳинози-Гулёр.

Бухоро ва Хоразм мақомлари икки қисмли бўлиб биринчи қисм мушки-  
лот ёки чертим йўли дейилади. Иккинчи қисм эса наср ёки айтим йўли дей-  
илади. Мушкилотда 5 тадан 10 тагача куй бўлади, насрда эса 10 тадан 20  
тагача аниула бўлади.

Ўзбек мақомлари ҳозирги вақтда тұлиқ нотага кўчирилган. Буни ўзбек  
бастакорлари Ю.Ражабий ва М.Юсуповлар амалга оширган.

## МЕХТАР

Арабча катта, улуғ дегани. Сурнайчиларнинг бошлиги шундай атадан.

## МИЗРОБ

Арабча тирниқ маъносини беради. Баъзи нокхун мезнатор ҳам дейилади. Жуда күп тирнама асбобларни чалишида қутланилади

## НАЙ

Қадимий ўзбек нуфлама чолғу асбоби. Еаровдай, баъзи ёғочдан ясалади. Икки оқтавадан ортиқроқ товуш пардалари бор. Ўонқа ҳалқларда ҳам бундай чолгу асбоблари бор.

## НОКТЮРН

Француза тунги дегани. Тутиги орзу-хәсларни ифодаловчи, мунгли, кичик чолгу қўйлари шундай аталган.

## НОЛА

Форсечা йигълаш дегани. Аниуланинг ўта мунгли тиграмаси.

## НОФОРА

Урма ўзбек чолгу асбоби. Союл хумларга эчки териси тортиб ташерланади. Кагта ва кичик нофора ёнма-ён қўйиб чалиниади.

## ОВОЗ

Уч хил овоз булади: юқори, урта, наст. Эрракининг юқори овози тенор, урта овози баритон, наст овози эса бас дейилади.

Хотин-қизиларнинг юқори овози сопроно, урта овози менсио сапрано, наст овози эса алът дейилади.

Аниула-хор ижрочилигида болалар овози икки гуруҳга бўлинади, улар сопроно ва алът дейилади. /ўтил болаларнинг энг юқори овози дикант дейилади/.

## ОДА

Юнонча қасила дегани. Бирон воқеа-ҳодисага ёки бирон машҳур шахс шавнинг мақтov мусиқаси шундай аталган. Ўзбек мусиқасига 50 йилларда кириб келди. М.Бурхонов одалари шуҳрат қозонган.

## ОПЕРА

Италиянича айнаи таржима қиласидан бўлса меҳнат, иш дегани булади. Опера жуда күп санъат турларининг муштәраклигига бунёд бўладиган мураккаб садид асаридир. Операда мукаммал чолғу санъати, мукаммал аниула-хор санъати, мукаммал атабиёт матни, мукаммал тасвирий санъат ва мукаммал балет санъати бирлашади. Булар ҳаммаси бирлашиб бир бутун мукаммаликка ёриниса, бундан опера ўлмас опера булади.

Опера биринчи марта 1594 йилда Флоренция шаҳрида қўйилган. Кўпинча операларга ўлмас адабий асарлар асос қилиб олинади. Буни "Отелло", "Евгений Онегин", "Кармен", "Майсарапанинг иши", "Уруш ва тинчлик" каби опера номларидан ҳам билса бўлади. Ўзбекистонда М.Ашрафий ва С.Юдаковларнинг опералари машҳур.

## ОПЕРЕТТА

Операча яъни кичик ҳажмли опера дегани. XIX асрнинг 50 йилларида Франсияда тарқалган ва ҳозир бутун дунёда көнт тараққий этган жанр. Оперетта шунг ва кулиги куй ва қўшиқлардан ташкил тонгган бўлали.

## ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИ

Италияла ХҮІ асрдан бошлаб мавжуд 1776 йилда Москвада катта театр ташкил топли. 1860 йилда Петербургда шундай театр очилди. Ўзбекистонда 1939 йилда ташкил қилинган. Ҳозир у Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат Академик Катта театри деб юритилади.

## ОРАТОРИЯ

Лотинча нотиқиңик демаклар. Якка ашулачилар, хор ва оркестр учун яратыладиган катта ҳажмали, эпик характердаги мусиқа асарига оратория дейишлиди. Ҳар бир қисми мустақил тугалликка эга бўлади. Бутун оратория концерт тарзида изчил ижро қилинади.

Ўзбек композиторларидан Икром Акбаровнинг “Тошкентнома” ораторияси манихур М.Шайхзоданинг достони асосида яратилған.

## ОРГАН

Орган лотинча асбоб дегани. Мусиқа асбобларининг энг каттаси. Эрадан олдин П асрдаёқ мавжуд бўлган. Бир неча минг трубалардан ташкил топган. Ҳаво орқали товуш ҳосил қилинади. Қўл билан чалинадиган пардалардан ташқари, оёқ билан босиладиган педаллар ҳам мавжуд. Орган мусиқаси ноталари иккала қўлга ва оёқка, уч йўлга ёзилади.

## ОРКЕСТР

Қадимги юнонистонда саҳна олдидаги хор тураладиган супачага оркестр дейилган. Кейинчалик бу ерга мусиқачиларни ҳам жойлаштирадиган бўлишган. Замонлар ўтиши билан мустақил мусиқа гуруҳлари вужудга келган. Ҳозир ҳар бир халқнинг миллий чолғу оркестрлари бор.

## ПАРДА

Форсча түсиқ дегани. Мусиқа созида паст, баланд товуш берадиган буғуларга айтилади. Ҳар бир бўғун-парда босилганда маълум бир баландликдаги товушни беради.

## ПАРТИТУРА

Итальянча тақсимланган дегани. Катта мусиқа асарининг ҳамма асбоблар ва овозлар гуруҳи учун алоҳида тартибида айрим нота йўлларига устма-уст ёзилган ва ҳаммасининг бир даврда ижро қилинадиган, дирижёр ўқишига мосланган нусхаси.

## ПРЕМЬЕРА

Юнонча муқаддима. Саҳна асарида асосий воқеа олдидан бериладиган кичик саҳнавий баённома.

## ПУЛЬТ

Немисча минбар дегани. Мусиқачилар нотаси тураладиган тагкурси.

## РАПСОДИЯ

Халқнинг достон қўшиғи дегани. Қадимги юнонча сўз. Қадимги Юнонистонда катта-катта достонларни куйловчиларни рапсодия дейилган. Буюк юон шоири Ҳомер ҳам рапсод бўлган. У “Илиада” ва “Одиссея” достонларини соз билан куйлаган. Рапсодлар бизнинг баҳшиларимизга тўғри келади. Кейинчалик халқона яратилган катта мусиқа асарлари ҳам шундай атала бошланган.

## РАҚС

Мусиқа жўрлигига, гавданинг нозик ҳаракатлари билан инсон туйғуларини нафис ифодаловчи, сўзсиз санъат тури. Ҳамма халқларнинг ўз рақс санъати мавжуд. Рақс ҳам тил қадар миллий ва қадимийdir.

## РЕЖИССЁР

Лотинча бошқарувчи дегани. Саҳнага қўйиладиган асарларнинг саҳнавий талқини режиссёрга боғлиқ бўлади.

## РЕКВИЕМ

Лотинча абадий сукунат дегани. У марҳумлар бошида айтиладиган католикларни ибодат қўшиғидир. Кейинчалик дунёвий мусиқа тусини олган. Уруп қўрбонларига бағишлиланган реквиемлар ҳам бор.

## РИТМ

Юнонча ўлчовли оқим дегани. Оламдаги ҳамма ҳаракатлар маълум бир ритмда кечади. Ҳар бир мусиқа асарининг ўзига хос ритми туфайли биз бир-биридан фарқ қиласиз.

## РОМАНС

Романча қўшиқ дегани. Қадимда Фарбий Овронажа фақат черковларда лотинча кўйланган. Кейинчалик ҳалқ ўз она тили романда яъни испанча қўйлаган қўшиқларини шундай аташган.

## РОЯЛЬ

Французча шоҳона дегани. Фортепианодан фарқи овози бироз баланд, торлари горизонталь ўрнатилган, фиддиракли уч оёғи бор. Концерт залларининг кўрки, ҳақиқий шоҳона асбоб.

## РУБОБ

Асли арабча куй боп деган маънодан келиб чиқсан. Ўрта Осиё ҳалқлари ўзбеклар, тоҷиклар, уйғурларнинг шеър-тузилиши ҳам рубоий монанддир. Яъни кўйбопдир, шунинг учун бу ҳалқларнинг шу мусиқа асбоби ҳам шундай аталиб кетган.

## САВТ

арабча оҳанг, овоз дегани. Шашмақомнинг ашула йўлларида бу ном кўп учрайди. Масалан: “Савти наво”, “Савти ушишоқ” ва бошқалар.

## СЕТОР

Қашқар мусулмонлари мусиқа асбоби. Таџбурдан каттароқ, камон билан чалинади, баъзан мизроб билан ҳам чалинади.. Узбекистонда ҳам бир қанча созандалар чалади.

## СИМФОНИЯ

Юнонча оҳангдошлик деган маънени беради. Симфония ХУШ асрда Германияда найдо бўлди. Немис композитори Гайдн симфониянинг бошловчилиридан ҳисобланади.

Симфонияни мусиқадаги драма дейиш мумкин. Шунинг учун Бетховен симфонияларини Шекспир драмаларига тенг, ҳатто устун ҳам қўйишади.

## СКРИПКА

Италиян ҳалқ чолғу асбоби. ХУП асрдан бутун дунёга тарқалган. Овози инсон овозига яқин, ўта ёқимли, баланд. Скрипка учун жуда кўп композиторлар мусиқа ёзишган. Италиян усталари Гварнери ва Страдивари ясаган скрипкалар овоз сеҳри билан ҳамон кишиларни ҳайратга солади. Паганини даҳо скрипкачи бўлган.

## СОЛИСТ

Умум ижро қыладиган мусиқа асарининг айрим бир қисмини бир хил ижро қыладиган хонанда ёки мусиқачига шундай дейилади.

## СОЛЬФЕДЖИО

Итальянча мусиқа белгилари, гамма легани. Бизда мусиқа эпитетин қобилятини ўстирувчи дарслеклар шундай аталади.

## СОНАТА

Лотинча товуш бериш легани. Сонатани мусиқиң қисса дейини мүмкін. ХУП асрдан дүнәш миқәсіда ривож тоған.

## СУРНАЙ

Асли арабча сур сүзидан келиб чиққан. Сур бу қиёмат куни Иерофил фаринита қаладиган карнайдир. Ўзбек ва тожик ҳалқаринин миллни чолғу асбоби. Овози баланд учун очық майдонларда қалинади. Сайыл, тантаналар сурнаисиз ұтмайды.

## СЮИТА

Француза тизма легани. Бир вақтлар бир мусиқа асари қилиб ёшылған бир неңта рақс мусиқаси шундай аналиған. Кейинчалық сюита көнгайиб кеттеган. Ұнта якка аныла ва хор кирилизган. Дәярхи қантата билди бир хил асарлар ҳозир сюитта дейилади.

## ТАНБУР

Ўзбеклар, тожиклар ва уйғурларнинг миллни чолғу асбоби. 20 та нардаси бор. Нохун билан қалинади, баъзан камон билан ҳам қалин мүмкін. Мақомлар илгари күпинча танбұр жүрлігіда ижро қылдиган.

## ТАНБУР ЧИЗИФИ

Ўзбек нота ёзуви. ХУШ асарининг иккинчи ярмida узбек шоири Комил Хоразмий томонидан қайта тикланиб амалиётта кирилизган. Шоириңнің ўзған машиғур манишюқ Мұхаммад Расул Мирзабопи томонидан Хоразм оғти ярим мақоми тұлық танбұр чизиғи нотаси билан ёзіб озинган.

## ТОР

Кавказ орти ҳалқарининг миллій чолғу асбоби, 22 та нардаси бор, 8 сим тор тақылади.

## УВЕРТЮРА

Француза муқаддима легани. Мусиқали сақна асарларининг бошланышыда ижро қилинадиган чолғу куйи шундай дейилади. Кейинчалық якка ҳолда ҳам увертюра яратила бошланды. Бундай асарлар бирон бир тантана бошланышында мүлжаллаб, ўша умумий кайфиятни ифодалаб ёзилади.

## УД

Үртә Осиё ҳалқарининг қадимги чолғу асбоби. Мелоддан олдин ҳам мавжуд бўлған. ХУП асрда яшаган улуғ бастакор Дарвишали Чангий уд созларнинг подшоси дейди. Ҳозирда ўзбек, тожик, арман ҳалқарининг миллій чолғу асбоби. 12 та тори бўлади.

## ФИЛАРМОНИЯ

Юонча гармония тарафдори демакдир. Күп овозли, катта мусиқа маданийитини тарғиб қиласынан жуда күп мусиқа санъаткорлари уюшган ташкилотта шундай дейилади.

## ФОРТЕПИАНО

Қадимги Юнонистон ва Римда ибтидоий нусхалари шаклланған. Даврлар утиши билан тараққый этиб келген ва 1711 йилда итальян мусиқабози Б. Кристофори ҳозирғи ҳолатта олиб келген мұккаммал мусиқа асбоби ҳисобланади.

## ЧАНГ

Үрта Осиё халқтарининг қадимги чолғу асбоби. Уриб чалинади. овози баланд. ХУП асрда яшаган Дарвишали Чангий буюк чангчи бұлған, шуннинг учун Чангий лақабини олған.

## ЧАНГОВУЗ

Туркий халқтарнинг чолғу асбоби. Оғиз чанги демакдир. Лабга құйиб ўнг қулнинг бир бармоги билан чалинади. Асосан хотин-қызлар чалиштан. Ҳозирда халқ ижоди сифатида қайта тикламоқда.

## ЭСТРАДА

Французыча таҳтасуна дегани. Ҳозирда ана шундай таҳтасунада туриб санъатини намойиш қиласынан кичик уюшкан санъаткорлар гурухыга айтылади.

## ЯЛЛА

Ўзбек халқ ашула йўлларидан бири. Яллани уч-тўрт киши биргаликда ижро этишади. Шу номдаги машҳур ўзбек эстрада дастасини ҳамма билади.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАР УЮШМАСИ

1939 йилда ташкил топған. Ҳозир 100 га яқин аъзоси бор.

## ҚОНУН

Туркий халқтарнинг қадимий мусиқа асбоби. Тирнаб чалинған. Баъзи ҳолларда камон билан ҳам чалинған. Дарвишали Чангий қонунни энг қадимий асбоблардан бири деб кўрсатған. Ҳозирғи қобиз ва қомузлар қонуннинг бироз ўзгарған нусхаларидир.

## ҚЎШНАЙ

Қадимги ўзбек миллий чолғу асбоби. Қўш қамиши найчадан иборат бўлади. Иккаласига ҳам баробар пуфланади. Бир ярим октава овози бор.

## ФИЖЖАК

Ўзбек халқининг қадимий чолғу асбоби. Камон билан ишқаб чалинади. Тўрт октава овози бор. Миллий чолғумизнинг асосий асбобларидан бири.

## ХОФИЗ

Арабча сақловчи дегани. Қадимги ашула айтиш анъаналарини авайлаб-асраб ва ижро қилиб халққа танилған кишилар Ўрта Осиёда шундай аталған. Бундай кишиларга ҳозирғи вақтда жумхуриятлар ҳукumatлари "Халқ ҳофизи" деган юксак унвон беришади.

# МУСИҚА НАМОЁНДАЛАРИ БИЛАН ҚИСҚА УЧРАШУВЛАР

## Миллий мусиқа намоёндалари

### Абдулла Булбул Исо Ҳофиз ўғли

Абдулла Булбул XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX асрнинг бошларидан яшаган. Тошкентлик машҳур бастакор ва ҷолғучи. У ғижжак, дугор, ташибури шунақа моҳирона чалганки, ҳақиқ ҳайратланиб булбул лақабини берган. Шоир Фурқатнинг дусти бўлган. Унинг укаси Саъдулла Ҳофиз ҳам зур машшоқ ва хонанда бўлган. Унинг фожиали ўлимига бағишилаб Фурқат машҳур “Сайдинг қуябер саиёд” мухаммасини ёзган.

Абдулла Булбул Тошкент чормақомини бизнинг кунларгача сайқаллаб, авлодларга қолдириб кетган санъаткорлардан бири ҳисобланади.

### АБДУЛЛА НОЙИ

Навоийнинг замондоши. Балхда туғилган. Балх ва Ҳиротда яшаган. Қабри Балхда. Дарвинали Чангий ү ҳақда “ўзининг найдаги ширин машқи билан шакарқамишнинг таъмини ҳамманинг дилига ўтказган” деб эслайди. Машҳур қонунчи Ҳофиз Қонуний унинг укаси бўлган. Икковининг биргаликда ижросининг довруғи бутун Ўрта Осиёни тутган.

### АБДУРАҲМОНБЕК

XIX асрда Шаҳрисабзда яшаган, машҳур ўзбек бастакори. У Шанимақомдаги “Абдураҳмонбеги” ашуалалар туркумини яратган. Туғилганга ўлган йиллари номаълум.

### АБУ АЛИ ИБН СИНО

Ибн Сино ўрта аср фанларининг қомусий оталаридан бири. У улкан мусиқашунос ҳамдир. У ўзининг “Ақсом ул-улум ул-ақлийя” яни “Ақлий билимлар таснифи” асарида мусиқани математиканинг тўрттинчи бўлими қилиб гаснифлайди. Назарий жиҳатдан бу бир қадар туғри ҳамдир, чунки ҳар қандай мусиқа математик ўлчовладир. Айниқса, мусиқа гармонияси мураккаб математикадир. Мусиқа бу илоҳий оҳанг математикасидир.

### АБУ САҶИД МУҲАММАД ПАҲЛАВОН

Машҳур шоир, бастакор, хонанда ва елкаси ер кўрмаган паҳлавон. XУ асрда Ҳусайн Бойқаро саройида яшаган. Устози ва дусти Алишер Навоий саҳовати унинг ижодига равнақ берган. “Рост” мақомининг панжгоҳ аниула йўзларини Муҳаммад Паҳлавон басталаган.

### АБУ ҲАФС СҮФДИЙ

Туғилган йили номаълум. Рудакий туғилмасдан 28 аввали, яни 832 йилда Бухорода вафот этган. Форобий ўзининг “Китоб ул-муниқ ал-қабир” китобида Абу Ҳаф Сүфдий зур бастакор бўлганини ва шоҳрул деган мусиқа асбоби-ни яратганини айтади.

## АВАСТО

Үрта Осиёлик пайғамбар Зардұшт томонидан яратылған. Үрта Осиё халқарининг диний, ахлоқый ва дүнөвий қосуси. Авастанинг күп қисмі худоларга, табиатта ва ватан ҳам меңнатта гимнлардан иборат. Ёзма маълумотларга кура у 21 китобдан иборат бұлған. Бизгача айрим бұлаклари етиб келған.

## АЛИ ДҮСТ НОЙ

Машхұр бастакор. ХҮІ асрнинг охири ХҮП асрнинг бошларида, Балх ва Термизда яшаган. Термиз ҳукмдори Мирабнинг дүсті бұлған. Дарвиши Чангийга “Шодлик тұхфасы” асарини ёзишда қимматли маълумотлар билан ёрдам берған. “Янги ой” номли чолғу күйини ижод қылған.

## АЛИ ЖУБ НОЙ

Марвлик бастакор ХҮ аср охири ХҮІ асрнинг бошларида яшаган. Мақомнинг түркча зарбли “Чортор найгар” чолғу йұлларини у ижод қылған.

## АЛИ ШУНҚОР

Навоийнинг замондоши ва даврадоши. Мақомнинг түркча зарбли “Жуфт ҳилол-қамары” ҳамда “Савти дугох” чолғу йұлларини у ижод қылған.

## АЛИШЕР НАВОЙИ

Бүтун ўзбек класик санъаткорларининг дохијиси. Бүтун түркій халқтар ва Үрта Осиёлик барча халқлар маданиятининг раҳнамоларидан бири. Даҳо шоир ва мусиқашунос ва бастакор. У ҳақда Бобур шундай лейди: “Алишербек яна мусиқада яхши намалар бөглабдур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур. Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекчә мураббий ва муқавиий маълум әмаским, ҳарғыз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад, Шайхи Ноий ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекининг тарбияти ва тақвияти била муңча тараққий ва шуҳрат қилдилар.

## И.И.АКБАРОВ

истеъдодли ўзбек композитори 1921 йилда Тошкентда туғилған. Ўзбекистонда хизмат күрсатған санъет арбоби. 1957 йилда “Орзу” балетини яратған. “Йўлчи Юлдуз” спектаклига мусиқа ёзған. И.Акбаров жуда күп кинофильмларга мусиқа ёзған. Улар орасида “Орол балиқчилари”, “Гулбаҳор”, “Ҳамза”, “Сен етим әмассан”, “Осиё устида бўрон” ва бошқалар бор. У “Тошкентнома” ораториясининг ҳам муаллифидир. “Момо ер” ва “Қизбулоқ” драмалари мусиқасини ҳам И.Акбаров ёзған.

## И.А.АКБАРОВ

Ўзбек мусиқашуноси. 1909 йилда туғилған. Ўзбекистонда хизмат күрсатған санъет арбоби. У жуда күп мусиқа түннамларининг муаллифи ва тузувчи, сидир. “Мактабгача ўйнадиги болалар қўшиғи”, “Биз куйлаймиз”, “Ўзбек халқ қўшиқлари”, “Нота саводи”, “Навоий ғазалларига мусиқа” ва бошқалар унинг қаламига мансуб.

У.Ю.Ражабий ва М.Юсуповнинг 9 жылдлик “Ўзбек халқ мусиқаси”га муҳаррирлик қилған. И.Акбаров 1-4 синфлар учун “Мусиқа саводи” ларселик-ларини тузған.

## М.А.АШРАФИЙ

Машхұр ўзбек композитори. 1912 йилда Бухорода туғилған. Ижоди 30-йилдарда бошланған. Ашрафий бириңчи ўзбек лирижёри эди. Профессор, халқ артисти, Ашрафий дастлаб драмаларга мусиқа басталади. “Ичкарида”,

"Колхоз түйи", "Шерали" ва бошқалар.

Биринчи узбек операсини ҳам Мухтор Ашрафий яратган ва у "Бурон" операсидир. Бундан ташқари Ашрафий "Улуг канал", "Дилором", "Шоир қалби" операларининг ҳам муаллифидир. У ўнта симфоник поэма, бир қанча маршларнинг ҳам ижодкоридир. Ашрафий жуда кўп кинофильмларга мусиқа басталаган: "Насриддин Бухорода", "Наташахоним" ва бошқалар. Ашрафийнинг 30 дан ортиқ қўшиқ ва рэманслари халқ орасида машҳур.

Ашрафий икки марта Давлат мукофотига, Ҳамза мукофотига, Неру мукофотига, Жамол Абдул Носир мукофотига сазовор бўлган. Тошкент Давлат консерваторияси унинг номи билан аталади.

## БАҲРОМ ГЎР

Сосоний подшоҳ, 421 йилдан 438 йилгача подшоҳлик қилган. Илк шеърият ва мусиқа вазни ижодкори. Шарқ мақомларининг "Уфор" йўлларини у ижод қилган. Унинг хотини Дилоро и машҳур чангчи бўлган ва "Дуяқ" номли чолгу куйини яратган.

## БОРБАТ МАРВАЗИЙ

Машҳур бастакор 12 мақом ижодкори. Сосоний подшоҳ Хисрав II Парвиз саройида янаган. Нишин 12 онинг 12 мақом ижод қилинган. Ҳар бир мақомга ойнинг куннариҷа, яъни 30 тағаш куй бунёд ётган. Шундай қилиб, у 360 та куй ижод қилган. Йирра: XI асрнинг омири УП асрнинг бошларида яшаб ўтган. Борбатни шундай оғанини куннариҷа аниқ этиб келмаган, борлари ҳам мақом ва исларини ўзбек музикантлар ишагнигиб кетган.

## БИНОИЙ

Камолиддин Биноий мана узбек шириф ва бастакор бўлган. Навоийнинг замондоши ва уни устоз ёб юниформаётган. Учта шеърий девони қолган. "Рост" мақом йўлларida унинг ижоди ҳам кутиари бор. 15/2 йилда Қаршида Эрон сафавийлари ўтказган қирғина та шаҳри бўлган.

## С.БОБОЕВ

1920 йилда туғилган, тошкентлик, узбек композитори. Илк ижоди 40 йилларнинг охирларида бошланган. Дастваб жуда кўп қўшиқ ва романлар яратди. Кейинчалик бу бир неча кантаталар ёзди. "Гуллар водийси" увертюраси машҳур. С.Бобоев жуда кўп мусиқали драмалар муаллифидир: "Ватан, ишқи", "Икки билагузук шулар жумласидандир. У "Ҳамза" ва "Ёрилтош" эртак операларини ҳам яратган.

## БОБОЙИ ҚАМЧИН

XVI асрнинг охири XVII асрнинг бошларида Самарқандда ва Бухорода яшаган узбек шоири ва бастакори. Дарвишали Чангий маълумотига кўра мақом йўлларидаги "Кор" номли мусиқа асари машҳур бўлган.

## М.БУРХОНОВ

Атоқли узбек композитори. 1916 йилда туғилган. Бухоролик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М.Бурхонов жуда кўп қўшиқ ва романслар муаллифи. Ўзбекистон Давлат мадҳиясини ҳам М.Бурхонов ёзган. Унинг

вокаль симфоник сюиталари машҳур. У “Ўзбекистон қиличи”, “Ҳикмат” мусиқали драмаларига ҳам мусиқа басталаган.

У бир қатор кинофильмларга ҳам мусиқа басталаган: “Абу Али Ибн Сино”, “Самолётлар қўнолмади”, “Мафтунингман” ва бошқалар. М.Бурхонов Алишер Навоийнинг 550 йиллигига “Алишер Навоий” операсини ҳам яратди.

## ВОЖИД АЛИХОН ҲИНДИСТОНИЙ

Ҳиндистонда туғилган ўзбек мусиқашуноси. XIX асрда яшаган. “Илимларнинг боши” ва “Фанлар мажмуаси” номли икки жилд китоб ёзиб қолдирган. Биринчи жилднинг 26, иккинчи жилднинг 36 боби мусиқага бағинланган. 12 мақом ва 24 шўъба ҳамда Ўрта Осиё мусиқа асбоблари ҳақида баттағесил маълумотлар қолдирган. Вожид Алихон Хоразмда мударрислик қилиган.

## ДАРВИШАЛИ ЧАНГИЙ

ХУ1 асрнинг охири, ХУП асрнинг бошлирида яшаган. Ҳиротда туғилган ва Бухорода вафот этган. Тошкент, Андижон ва Самарқандда ҳам истиқомат қилган. Шоир ва бастакор, мусиқашунос. “Рисолаи мусиқии” номли машҳур тарктат муаллифи. Асарида бутун 12 мақом зарб усуаларини берган. Классик мусиқамизининг жуда күн савилярини, нақшларини, нешравларини у кинни ижод қилганилар.

## К.ЖАББОРОВ

Ўзбек композитори. 1914 йилда Андижонда туғилган. Ўзбекистон халқ артисти. “Ғўлжа устида нур”, “Нодира” каби спектаклларга мусиқа басталаган. К.Жабборов 50 ка яқин куй ва қўшиқлар яратган. Улар “Муфтаго булдим сенга”, “Диёримсан”, “Шифокорлар”, “Тошкент писёласи” ва бошқалардир.

## Т.ЖАЛИЛОВ

Ўзбек бастакори. 1895 йилда Андижонда туғилган. Ўзбекистон халқ артисти. Ижоди 20 йилларда бошланган. У 40 яқин саҳна асарларини мусиқаланитирган. “Тоҳир ва Зуҳра” операсини ҳам яратган. Унинг 200 яқин куи ва қўшиқлари бор. У Мехнат Қизил байроқ ва Ҳурмат белгиси орденлари билан мукофотланган.

## Д.ЗОКИРОВ

Ўзбек композитори ва дирижёри. 1914 йилда Самарқандда туғилган. Ўзбекистон халқ артисти Д.Зокиров “Ойинса”, “Зайнаб ва Омон”, “Ешиликдан берган кўнгил” спектаклларига мусиқа ёзган. Унинг жуда күн қўшиқ ва романслари бор. “Амирликийнг емирилиши”, “Улутбек юлдузи”, “Ёр-Ёр” кинофильмларига ҳам куй басталаган.

## И.ИКРОМОВ

Ўзбек бастакори 1891 йилда Тошкентда туғилган. Ўзбекистон халқ артисти. Имомжон Икромов 50 дан ортиқ турли куй ва қўшиқлар басталаган. “Торталур”, “Индамади”, “Ўйнасин”, “дарёси кўн дардга даво яли-яли” ва бошқа машҳур қўшиқларни шу киши яратган. “Муножот” ва “Чули ироқ”нинг агула иўлларини ҳам Икромов ижод қилган.

## КАВКАБИЙ НАЖМИДДИН БУХОРИЙ

Бухорода туғилган. Туғилган йили номаълум, 1532 йили Эронда ўлдирилган, мусиқашунос ва бастакор. “Рисолаи мусиқий” тарқатининг муаллифи.

## **КОМИЛ ХОРАЗМИЙ**

Ўзбек шоири, бастакори, мусиқашуноси, 1825 йилда Хивада туғилган. Комил Хоразмий “Танбур чизиги” деб аталувчи ўзбек нота ёзувини кашф қилган. У узи яратган “Мураббаи Комил” ҳамда “Пешрави Феруз”ни шу танбур чизиги нотасига ёзб қөздирган. Унинг ўғли Мұхаммад Расул ҳамма мақомларни танбур чизинига күчирган.

### **М.МИРЗАЕВ**

Ўзбек бастакори ва созандаси. 1913 йилда Тошкентда туғилган. Рубоб созининг оммавийлашигинда унинг хизматлари катта, машхур қўшиқ ва куйлар муаллифи, “Меҳнат аҳли”, “Шайло бўлибман” каби қўшиқлар, “Дилдор-1”, “Дилдор-2” ҳамда “Баҳор ватъси” тароналари бутун Ўрта Осиёда машхур.

### **МИРЗО МУҲАММАД РАСУЛ**

Атоқли мусиқашунос ва бастакор. Шоир Комил Хоразмийнинг ўғли. 1840 йилда Хивада туғилган ва 1922 йилда вафот этган. Хоразм мақомларининг ҳаммасини ташиб чизигига нота йўлига күчирган. “Рост” мақомига “Саъб” ва “Уфор” куйларини басталаган. Еттинчи мақом “Пангоҳ”нинг тўлиқ ҳолга келишида унини хизматлари катта.

### **МУҲАММАД РАҲИМХОН II-ФЕРУЗ**

Хива хони, машхур бастакор ва шоир. 1844-1910 йилларда яшаб ўтган. Шеърлари мақомга кирганд. Шашмақомга 13 та куй басталаган. “Муҳаммади жалиди феруз”, “Сақилии Ферузшоҳ”, “Чор усули фируз”, “Муҳаммаси феруз” ва бошқа куйлари мақомга сайқал берган.

### **ОТА ЖАЛОЛ НОСИРОВ**

Ўзбек мусиқашуноси, бастакори ва хонандаси 1845-1928 йилларда яшаб ўтган. Бухоролик, амир саройида хизмат қилган. Шашмақомнинг ҳамма ижро йўлларини мукаммал билган. Ўзи ҳам “Савти Жалолий” ва бошқа куйларни басталаган.

### **К.ОТАНИЁЗОВ**

Ўзбек хонандаси, бастакори. 1917-1975 йилларда яшаган. Бутун Ўрта Осиёга машхур ҳофиз, Ўзбекистон, Туркманистон халқ артисти. Мақом йўлларини мукаммал билган “Салом сиза Хоразмдан”, “Муборак”, “Азиз ватаним”, “Салом ҳинд ҳалқига” ва бошқа кўнлаб қўшиқлар ижодкори.

### **И.РАЖАБОВ**

Мусиқашунос доктори, ҳассос созандаси. Мақомларнинг кагга талқиқотчиси. Қадимги аждодларимиз нотага туширган куйларни ҳозирги замон нотасига кўчирган. И.Ражабов 1927 йилда Тошкентда туғилган, консерваториянинг домулласи.

### **Ш.РАМАЗОНОВ**

Бастакор, 1910 йилда туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъатарбоби. Ўзбекистон халқ артисти. “Холисхон”, “Шоҳсангам”, “Асл фарзанд” драмаларига мусиқа басталаган. Бир қанча сюита ва кангаталар ҳам куй ва қўшиқлар муаллифи. “Ўзбекистон”, “Ёр келур”, “Интизорман”, “Наманганд олмаси”, “Эй меҳрибоним” ва бошқа қўшиқлари машхур.

### **Х.РАҲИМОВ**

Композитор, 1927 йилда Тошкентда туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсаган.

ган санъат арбоби. "Ишқинг билан" ва "Жоним фидо" каби мусиқали драмалар ҳамда "Зафар" операсини яратган. Симфоник куйлари, "Қалб қүшиги", "Хәёлим сеніда" каби құшиқлари шуҳрат топған.

## САФИУДДИН АЛ-УРМАВИЙ

Шарқнинг буюк мусиқашуноси, асли туркйлардан, Бағдодда 1215-1294 йилларда яшаб ўтган. Шарқнинг биринчи мусиқа ёзуви ижолкори. Мусиқанинг назарияси ва амалиетига оид иккита китоб ёзис қолдирған. Булар "Күй яратышга доир шараф рисоласи", "Мусиқа ва усул доиралары" китобларидир. "Мұхайяри ҳусайний Урмавий" ёзис қолдирған шарқ нота ёзувининг ва мақомининг әңг күхна намунасынан.

## Т.СОДИҚОВ

Машхұр ўзбек композитори /1907-1957/ Тошкентта туғилған. Ўзбекистон халқ артисти, дирижёр. Т.Содиқов ижоди 30-йилларда бошланған. "Боғбон қызы", "Лайли ва Мажнун", "Даврон ота" драмаларига мусиқа басталаган. Кейин Глиэр биілән ҳамкорлықда "Лайли ва Мажнун" ҳамда "Гулсара" операсини яратди. Унинг жуда күп құшиқ ва күйләри халқ өрасида машхұр бўлиб кетган. Айниқса "Сарви гул", "Булбул", "Жанон құрғинур" каби романслари бетақордир.

## Ф.СОДИҚОВ

Ўзбек бастакори /1914-1977/ Тошкентта туғилған. Ўзбекистонда хизмат күрсатған санъат әрбоби. У "Ота ўғли" ва "Салттанат ғарзада" драмаларига мусиқа басталаган. Айниқса у құниқчи бастакор сиддитидә әзтә танилған "Жаҳон буйлаб бирназ яні рап", "Ўзбекистон", "Бир тұзад", "Ширмоной", "Дуторим" ва бошқасыр халқнинг севимли құшиқлари бўлиб қолған.

## Ғ.ТОШМАТОВ

Ўзбек созандаси ва бағытакори. 1913 йилда туғилған. Ўзбекистон халқ артисти. Ижоди 1935 йилларда бошланған. Фарғона театрида қүйилған "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин", "Қари қызы" спектаклларига мусиқа басталған. У 100 дан өртік құшиқлар муаллифи, дуторчи қызлар ансамблининг бадий раҳбари.

## М.ТОШПҮЛАТОВ

Машхұр ўзбек созандаси, мақомчи. Бухорода туғилған. Ғанбурда Шашмақомнинг мушкілөт бўлимларини тўлиқ чала билған. Ю.Ражабий мақомнинг чолғу йўлларини шу кишидан ёзис олган.

## М.Т.ТОШМУҲАММЕДОВ

Атоқли ўзбек хонандаси ва созандаси. Инқиlobгача жаҳоннинг Эрон, Туркия, Италия, Миср, Ҳиндистон, Хитой каби мамлақатларидан ўз санъатини намойиш қылған санъаткор. Шашмақомнинг мукаммал билимдони. / 1868-1943/ йилларда яшаб ўтган, тошкентлик. Тошкент чормақомининг күй ва құшиқлари унинг номи билан боғлиқ. Уайтган құшиқларнинг матни шоир Хислат тўплаган "Армуғони Хислат" тўпламига киритилған.

## М.УЗОҚОВ

Ўзбек хонандаси, машхұр халқ ҳофизи. /1904-1963/ йилларда яшаб ўтган, марғилонлик. Халқ құшиқларини ва катта ашулани ниҳоятда маромига етказиб айтган. Унинг ижросидаги "Сайдинг құябер сайд", "Якка бу Фарғона-

да”, “Суратинг”, “Қачон бұлғай”, “Бир келиб кетсун” қаби құшиқлар бетакрор жозиба кучига эга.

## УСТА ОЛИМ

Бетакрор ўзбек доираби. Доира рақсларининг ижодчиси, доира бастакори. /1875-1953/ йилларда яшаб ўтган. Асли Марғилонлик. “Занг”, “Гул ўйини”, “Садр”, “Пилла” қаби ўйинларни Тамараҳонумга, “Пахта”, “Тантана” қаби ўйинларни Мукаррамахонимга ўргатты. 1935 йилда Лондонда жаҳон халқлари фестивалининг олтин медалини құлға кириптеган. Мәхнат Қизил байроқ ордени билан мукофотланған.

## ФОРОБИЙ

Буюк юртдошимиз. Шарқнинг қомусий олими. 160 дан ортиқ фаннинг турли соҳалари буйича асарлар ёзіб қолдирған. Музықа ҳақида иккита катта рисола ёзған. Уларнинг биринчиси “Музықа ҳақида катта китоб” деб, иккинчиси эса “Музықа рисоласи” деб аталади. Форобий китобларида фақат музықа назариясини тушунтирибина қолмай, ҳар бир шарқ музықа асбобидан амалий фойдаланиш йўлларини ҳам ўргатыб кетади. У мусиқани инсоннинг маънавий тарбия воситаси деб қарайди.

## М. ХАРРАТОВ

Матёқуб Харратов машҳур ўзбек мақомчи. /1867-1939/ йилларда Хива ва Урганчда яшаб ўтган. Хоразм мақомларининг чолғу йўллари у кишидан ёзіб олинган.

## М. ХАРРАТОВ

Матюсуф Харратов ўзбек созандаси, бастакори, шоир Чокар тахаллусида шеърлар ёзған. Чанг созини такомиллаштирганлардан бири. Бир қанча құшиқлар ижод қылған. “Севикли ватан”, “Баҳодир йигитлар”, “Қизил қүшин маршлари” ва бошқалар.

## ШЕРОЗИЙ-МАДРАХИМ ЁҚУБОВ

Машҳур ўзбек созандаси ва хонандаси. 1890 йилда Хивада туғилған. 1973 йилда Урганчда вафот этган. Ўзбекистон халқ артисти. Жуда күп ўзбек халқ құшиқлари унинг ижросида ёзіб олинган. “Гул ватан”, “Асрлар орзиқиб” қаби құшиқлар муаллифи. Қизил Байроқ ва Ҳурмат Белгиси орденлари билан мукофотланған.

## А. С. ЮДАКОВ

1916 йилда Қўқонда туғилған. Ўзбек композитори. Жуда сермаҳсул ижодкор. Биринчи ўзбек комик операси “Майсаранинг иши”ни яратған. “Жонли аланга” балети ҳам унинг қаламига мансуб. Юдаков кантаталар, сюйталар, увертиюралар, симфоник поэмалар ва жуда күп құшиқлар муаллифидир. У Ҳамза мукофотининг лауреати. Мәхнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат Белгиси орденлари соҳиби.

## ЮНУС РАЖАБИЙ

Машҳур бастакор, созанда ва хонанда. Шашмақомнинг ҳаммасини тұлиғиша нотага туширган. Академик. 1897 йилда туғилған. 1976 йилда вафот этган. 1922 йилдан ижоди бошланған. 10 дан ортиқ мусиқали драмаларга күй басталған. “Зайнаб ва Омон” операсининг ҳам муаллифаридан бири. Юзлаб

Құшиқтар ижодчиси. Беш жылдлик “Ўзбек халқ мусиқаси” сини нашр эттирган. Ўзбек халқ мақомчилар дастасын ташкил этган. Ҳамза мукофоти лауреати. Меднат Қизил Байроқ ва Ҳурмат Белгиси орденлари соғиби.

### М. ЮСУПОВ

Ўзбек композитори. 1925 йилда Урганчда туғилган. Ўзбекистонда хизмат күрсатған санъат арбоби. “Хоразм құшиғи” операсини яратған. Ўнта мусиқа-дирамага мусиқа басталаган. Хоразм мақомларини туплаб нашр эттирган. Күй ва құшиқлари бутун юртта манзур ижодкор.

### ҲАМЗА

Ҳамза Ҳакимзода Ниёсий 1889 йилда Қўқонда туғилган. 1929 йилда Шоҳимарданда қатл қилинген. Атоқли ўзбек шоири, драматурги ва бастакори, театр арбоби. “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” тұпламини тузған. Биринчи ўзбек инқилобий құшиқлари “Хой ишчилар”, “Ишчилар, уйғон”, “Яша шура” ва бошқаларни яратған. Биринчи бұлыб Ўзбекистон халқ шоири уйвонига сазовор бўлған. Жумхурият давлат мукофоти унинг номида.

### И. ҲАМРОЕВ

Ўзбек композитори. 1916 йилда туғилган, бухоролик. Ўзбекистонда хизмат күрсатған санъат арбоби. “Ойжамол” ва “Чул чақмоги” операларининг муаллифи. Бир вокаль симфоник сюиталар ва кантаталар ижод қилинген. “Тингланғ мени сайёralар”, “Ўзбекистоним менинг” ва бошқа құшиқлар муаллифи.

# ХОРИЖИЙ МУСИКА НАМОЁНДАЛАРИ

## **И. С. БАХ**

Иоганн Себастьян Бах улуф немис композитори. 1685-1750 йилларда Германияда яшаган. Полифония-күп овозли мусиқанинг, фортепиано ва орган мусиқасининг отаси. Ҳамма мусиқий оқимларни муштарак бирлаштирган дунё миқёсидаги композитор. “Матвей эхтироси” ораторияси ва “мукаммал пардалаштирилган сөз” чолгу асарлари мусиқа таълимдининг эскирмайдиган дарсликларидир.

## **Л. В. БЕТХОВЕН**

Даҳо немис композитори. Людвиг Ван Бетховен 1770-1857 йилларда Бонн ва Венада яшаб ўтган. Мусиқанинг инқилобчиси. Унинг асарлари симфоник мусиқанинг чўққиси ҳисобланади. Соната жанрининг отаси. “З-қаҳрамонлик симфонияси” мисли кўрилмаган бадиий қурратга эга. Унинг мусиқалари оҳангининг илоҳий мўъжизакор тажассумидир. 1 опера, 10 симфония, 40 соната, 16 квартет ва 3 та увертиюра мерос қолдирган.

## **Ф. И. ГАЙДН**

Улуф австриялик композитори. 1732-1809 йиллар Венада яшаган. Классик симфоник оркестрнинг асосчиларидан бири. Ўта сермаҳсул ижодкор. 104 симфония, 84 квартет, 52 соната, 24 опера мерос қолган.

## **Ж. БИЗЕ**

Улуф француз композитори. 1838-1875 йилларда Парижда яшаган. “Кармен” операси дунёвий шуҳрат келтирган, ҳамон жаҳон саҳналаридан тушмайди. “Марварид қидирувчилар” ва “Жамила” ва бошқа опералар ва сюита-лар муаллифи.

## **Ж. ВЕРДИ**

Буюк итальян композитори. 1813-1901 йилларда яшаб ўтган. Унинг асарлари опера санъетининг чўққиси ҳисобланади. Жаҳон опера санъеткорларининг тўртдан бир қисмини Верди боқади. “Аида”, “Отелло”, “Риголетто”, “Травиата” ва бошқа опералари узининг ҳаётий кучи билан ҳамон кишиларни ҳайратга солади. Унинг шарафига жаҳон опера хонандаларининг “Вердиона овоз” конкурслари муңтазам ўтказиб турилади.

## **Э. А. ГРИГ**

Эдвард Григ Норвегиянинг улуф композитори. 1843-1907 йилларда яшаган. Скандинавий миллиёти ва табиатининг бетакор куйчиси. 150 дан ортиқ романслари бутун дунёга машҳур.

## **А. ДВОРЖАК**

Улуф чех композитори. 1841-1904 йилларда Прага ва Нью-Йоркда яшаган. 10 опера ва кўпдан-кўп симфониялар, увертиоралар, рақслар муаллифи. Прага ва Нью-Йорк консерваторияларининг профессори бўлган.

## **В. А. МОЦАРТ**

Буюк австрия композитори. 1756-1791 йиллари Венада яшаган. Олти ёшида мусиқа оламига танилган. 12 ёшида мусиқа академиги бўлган. Мўъжизавий истеъод эгаси “Фигаронинг тўйи”, “Сехрли най”, “Дон-Жуан” опералари-

нинг муаллифи. 50 дан ортиқ симфониялар кўпдан-кўп қўшиқлар ёзган. “Реквием” асари жаҳон мусиқа маданиятининг арши айлоси ҳисобланади.

### **Н. ПАГАНИНИ**

Улуғ итальян созандаси ва композитори. 1782-1840 йилларда яшаган. Скрипканинг афсонавий ижро устаси. Скрипка учун 24 та якка чолғу концерти ёзган. Генуяда жаҳон скрипкачиларининг Паганини совруни конкурслари мунтазам ўтказиб турилади.

### **Ф. ЛИСТ**

Улуғ венгер композитори, пианисти, дирижери. 1811-1886 йилларда яшаган. Венгрия мусиқа академиясининг асосчиси. 15 дан ортиқ симфониялар, 20 яқин рапсодиялар, юзлаб кўй ва қўшиқлар мерос қолдирган.

### **К. СЕН-САНС**

Камил Сен-Санс француз лирик композитори. 1835-1921 йилларда яшаган. “Самсон ва Даилиа” операсининг ижодкори. Унинг якка лирик мусиқаларига якка лирик балет асарлари кўп қўйилади.

### **Ф. ШОПЕН**

Улуғ поляк композитори, пианисти. 1810-1849 йилларда яшаган. Фортепиано мусиқасини юқори чўққига кўттарган новатор ижрочи. Польша мусиқасини жаҳон миқёсига олиб чиққан. Пианино учун жуда кўп мусиқа асарлари ёзган.

### **И.ШТРАУС**

Ота-бона австриялийк композиторлар. Ота-Штраус 250 та вальс яратган. Ўғил-Штраус отасининг йўлидан бориб вальс мусиқасини юқори чўққига чиққарган. Унинг “Мовий ‘дунай” ва Вена ўрмони эртаклари” вальслари жаҳонга машҳур.

### **Р. ШУМАН**

Немис романтик мусиқасининг юрик вакили. 1810-1856 йилларда яшаган. Лирик-романтик чолғу мусиқанинг устаси. 4 симфонияси машҳур “жаннат ва пари” ораториясининг муаллифи.

### **Ф. ШУБЕРТ**

600 дан ортиқ қўшиқ ва романслар яратган, қисқа умр кўрган /1797-1828/ немис композитори, жуда кўп квартет, квинтет ва туркум қўшиқлар муаллифи.

# РУС КЛАССИК МУСИКА НАМОЁНДАЛАРИ

## **М. И. ГЛИНКА**

1804 - 1857 йилларда яшаган. Урус классик мусиқасининг асосчиси. "Иван Сусанин" ва "Руслан ва Людмила" операларини яратган. Урус симфонизми ва урус романсларининг бошловчиси "Испан увертюралари" машҳур. Глинка номли Урусиya давлат мукофоти бор

## **М. П. МУСОРГСКИЙ**

Атоқли урус композитори. 1839-1880 йилларда яшаган. Ҳаётий урус операларининг асосчиларидан бири. "Борис Годунов", "Хованёина" опералари машҳур. Яна "Сорачин бозори" операси ва фортепиано ва вокаль түркүмлари бор.

## **Н. А. РИМСКИЙ-КОРСАКОВ**

Улуғ урус композитори, дирижёри. 1844-1908 йилларда яшаган. Асарлари ўзининг халқчиллiği билан ажralиб туради. Жұда күп турли йұналишдаги опералар муаллифи 15 та опера яратған. "Май кечаси", "Қорқиз", "Садко", "Олтиң құралы", "Шоқ келини" каби опералар, "Шаҳризода" каби чолғу асарлари машҳур. Кейинги авлод композиторларининг күпига устозлик қылған.

## **П. И. ЧАЙКОВСКИЙ**

Даҳо композитор. Дунё мусиқа маданиятига бетакрор ҳисса құшған. Урус мусиқа маданиятининг Чүккіларидан бири. Уннинг опералари, балетлари, симфониялари жаһон саҳналаринин безаги. "Евгений Онегин", "Мазепа", "Иоланта" каби опералари, "Оқкуш күли", "Ухләттан гүзal" каби балетлари мусиқа дурданалари саналади. "Ромео ва Жульєта", "Франческа да Римини" каби увертюралари севиб ижро қилинади. Ҳар йил Чайковский гомидаги халқаро конкурс үтказилади.

## **Р. М. ГЛИЭР**

Атоқли композитор. 1874-1956 йилларда яшаган, санъатшунослик доктори. "Қызыл гул" ва "Мис чавандоз" балетларини ва "Шоҳсанам" операсини яратған. Ўзбек мусиқа маданияти учун ҳам хизмат қылған.

Бир қанча ўзбек композиторларига устозлик ва ижодда ҳамкорлик қылған. Киев ва Москва консерваторияларининг профессори бўлған. Глиэр уч марта Давлат мукофотига сазовор бўлған.

## **С. С. ПРОКОФЬЕВ**

Улуғ композитор, пианист ва дирижёр. Мусиқа ифода воситаларини ўта ҳаётийлаштирган ва инсонийлаштирган ижодкор. "Семён Котко", "Уруш ва тинчлик" опералар, "Ромео ва Жульєтта", "Кулбет" балетларининг муаллифи. Жуда күп оратория ва кантаталар яратған. "Петя ва бўри" симфоник эртаги болалар дунёсининг ёрқин қўшиғидир. Прокофьев бир неча бор Давлат мукофоти соҳиби бўлған.

## **Д. Д. ШОСТАКОВИЧ**

XX асрнинг даҳо композитори. 1906-1975 йилларда яшаган. Халқ артисти, Мехнат қаҳрамони. Даър фожиаларининг гениал ифодачиси. "Катерина Измайлова", "Бурун" каби оперелар, 15 симфония, 10 та хор учун поэмалар яратған. Шостакович күп кинофильмларга ҳам мусиқа басталаган. У Ленинград ва Москва консерваторияларининг профессори бўлған. Олти марта

Давлат мукофоти билан тақдирланган. У Халқаро Тинчлик мукофотининг ҳамлауреати бўлган.

### A. И. ХАЧАТУРЯН

Буюк арман композитори, Халқ артисти, Мөхнат қаҳрамони. 1903-1975 йилларда яшаган. Унинг сусиқаси эҳтиросларга бойлиги ва ута шиддатклриги билан кишини ҳайратга солади. У машҳур “Гаянэ”, “Спартак” балетлари нинг ижодкори. Айниқса унга фортепиано ҳамда скрипкага мўлжаллаб ёзган концертлари дунё миқёсида шуҳрат келтирди. Ҳозир у Ер юзида энг кўп ижро қилинадиган композитордир. У беш марта Давлат мукофоти олган.

### Д. Б. КАБАЛЕВСКИЙ

Атоқли композитор, Халқ артисти, Мөхнат қаҳрамони. Педагогика фанлари академиги. Мусиқа тарғиботи ва таълименинг инқилобчиси, “Кола Брюнен” ва “Тараснинг оиласи” опералариниң, “Баҳор кўйлайди” опереттасини ва кўплаб куй ва қўшиқларнинг муаллифи, 5 марта Давлат мукофоти билан тақдирланган.

### R. K. ШАДРИН

Кейинги авлоднинг энг дунё тан олган машҳур композитори, 1932 йилда туғилган. “Анна Каренина”, “Ўлик жонлар” опералари, “Букри тойчоқ” балети машҳур, ораториялари, оперетталари куй ва қўшиқлари шуҳрат топган. Шедрин халқ артисти, Мөхнат қаҳрамони, Давлат мукофотининг лауреатидир.

---

## **Құлланмадаги мавзуларнинг мәтірзуа учун режалар ва адабиётлар күрсаткычлари**

**Марказий Осиё халқлары қадимги аждодларининг мусиқали  
хаёти ва ижодлари.**

**Режа:**

1. Қадимги аждодларимизнинг мусиқали ҳаёtlари ва ижодлари.
2. Қадимги афсоналар ва мавсумий құшиқларнинг пайдо булиши.
3. Қадимги аждодларимизнинг «Авесто», Грек-бактрия, араб халифалиги давридаги санъатлари.
4. Марказий Осиёлик буюқ алломалар мусиқа ҳақида.
5. Умумий холосалар.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон тарихи 1994 йил, Тошкент А. Асқаров.
2. «Йиғиқлол йўли», 1995, Тошкент.

**Ўзбек халқ мусиқа санъатининг келиб чиқиши тарихи ҳақида айrim  
мулоҳазалар.**

**Режа:**

1. Миллий маданият ва санъат тарихини ўрганиш ҳар бир миллат маънавий юксалишининг ва миллий мағкурасининг асоси.
2. Қадимги халқлар тарихи, маданияти ва санъатининг муштараклик ва ўзига хослик жиҳатлари.
3. Ўзбек миллатининг ҳамда унинг миллий маданияти ва мусиқа санъатининг шаклланиш йўллари.
4. Умумий холосалар.

**Адабиётлар:**

1. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» 1998, Каримов И. А.
2. «Туркӣ халқлар мағкураси». Тошкент, «Чўлпон» 1995 й.
3. «Фозиллар фазилати», Тошкент, 1969й. Ходи Зариф.

**Темурийлар даври мутафаккирлари ижодида мусиқа?**

**Режа:**

1. Амир Темур, Шохрух Мирзо ва Улуғбек Мирзолар даврида мусиқа устозлари ижоди.
2. Султон Ҳусайн Мирзо ва Амир Алишер Навоий даври мусиқаси ва рақс санъати.
3. Заҳриддин Муҳаммад Бобур мусиқа ва рақс санъати тадқиқотчиси.
4. Умумий холосалар.

**Адабиётлар:**

1. Миллий мағкура мамлакат тараққиётининг пойдевори. Каримов И. А.
2. «Мутрибона оҳанглар», Санъат, 1991.
3. «Турк мусиқаси» А. Фитрат, «Ёшлиқ» 1991 й.

**Мусиқа санъат тури ва тарбия омили.**

**Режа:**

1. Мусиқа қандай санъат тури.
2. Мусиқанинг бошқа санъат турларидан фарқи.
3. Мусиқанинг инсон камолатидаги ўрни.
4. Умумий холосалар.

**Адабиётлар:**

1. «Миллий мафқура-мамлакат келажагининг пойдевори». Қаримов И. А. 2000 йил.
2. Ўзбекистон энциклопедиялари. 7-тوم. 1976 йил, Тошкент.
3. Мусиқа луғати. И. Акбаров. 1987 йил. Тошкент.
4. «Гулистон», 1994 йил сонлари.

### **Мусиқа таълими тараққиётининг қисқача тавсифи.**

Режа:

1. Қадимги давлар мусиқа тараққиёти.
2. Ўрга асрлар мусиқа тараққиёти ва олий илмгоҳларнинг пайдо бўлиши.
3. Мамлакатимиз ҳудудида мусиқа тараққиёти йўллари.
4. Ўзбек мусиқаси жанрлари.
5. Марказий Осиё мусиқа алломалари.
6. XX асрда ўзбек мусиқаси ривожи.

Адабиётлар:

1. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида». Каримов И. А.
2. «Ўзбек мусиқаси тарихи». 1-2-томлар. 1972-1973 йиллар.
3. «История зарубежной музыка». 1980. Москва.

### **Бошлангич мусиқа таълими мақсад ва вазифалари**

Режа:

1. Мактабларда мусиқа ўқитилишининг мақсади.
2. Мусиқа дарсларининг асосий қисмлари.
3. Мусиқанинг ифода воситалари.
4. Умумий холосалар.

Адабиётлар:

1. «Буюк келажак сари», Каримов И. А. Тошкент.
2. Бошлангич синфлар учун чиқарилган мусиқа дарслклари.
3. Ўзбекистон энциклопедияси. 7-тум. 1976 й. Тошкент.

### **Бошлангич ашула ва хор мусиқа таълими.**

Режа:

1. Ашула хор мусиқа таълими ҳақида умумий тушунчалар.
2. Куйлаш қўнималари ва куйлаш ҳолати йўриқлари.
3. Нафасининг турлари ва унинг ҳолати йўриқлари.
4. Товуш ҳосил қилини.
5. Дикция.
6. Хор ҳақида умумий тушунчалар.
7. Ансамбль нима?
8. Бир ва икки овозли куйлаш.
9. а, капелла нима?

Адабиётлар:

1. «Бошлангич мактабда кўп овозли куйлаш», Р. Г. Қодиров, 1997 йил.  
Тошкент.

### **Бошлангич мусиқа саводи таълими**

Режа:

1. Мусиқа саводи таълим мининг мақсади ва ҳажми.
2. Мусиқавий матъумотларни бериш бўлимлари.
3. Мусиқавий тасаввур ва тушунчаларни эгаллаш жараёни босқичлари.
4. Умумий холосалар.

**Адабиётлар:**

1. «Таълим тўғрисидаги қонун», Тошкент. 1997 й.
2. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Тошкент. 1997 й.
3. «Мусиқанинг оддий назарияси». А. Вахромеев. 1980. Москва.

**Бошлангич мусиқа тинглаш таълими**

**Режа:**

1. Болаларни мусиқа тинглашга ўргатиш жараёни.
2. Мусиқа тинглашнинг дарсдаги имкониятлари ва жараёни.
3. Мусиқа тинглашда жанр ва тушунтириш услублари.
4. Умумий холосалар.

**Адабиётлар:**

1. «Миллий мафкура-мамлакат келажагининг пойдевори». Каримов И. А.
2. «Мусиқа услубиёти». 1991 йил. Жаҳун. Ш. Раҳматуллаев. Термиз.
3. «Методика муз. обучение» О. Апроксина. 1978, Москва.

**Биринчи синфда мусиқа таълими**

**Режа:**

1. Қушиқ болалар мусиқавий фаолиятининг асоси.
2. Биринчи синф болаларининг мусиқавий имкониятлари.
3. Биринчи синфда қобилиятсиз болалар билан ишлаш.
4. Биринчи синфда қушиқ ўргатиш услублари.
5. Умумий холосалар.

**Адабиётлар:**

1. И. Акбаровнинг бошлангич синфлар учун чиқсан дарслеклари ва услубий қўлланмалари. 1980-1995 й.
2. «Мусиқа алифбоси» 1998 й. Тошкент, Н. Нурматов, Н. Норхужаев.

**Иккинчи синфда мусиқа таълими**

**Режа:**

1. Иккинчи синфнинг мусиқий имкониятлари.
2. Иккинчи синфда «занжирили» куйлаш усули.
3. Умумий холосалар.

**Адабиётлар:**

1. Бошлангич синфлар учун чиқарилган дарслеклар. 1980-1999.
2. «Бошлангич мактабда кўп овозли куйлаш». 1997. Тошкент, Р. Қодиров.

**Учинчи синфда мусиқа таълими**

**Режа:**

1. Учинчи синф ўқувчиларининг мусиқий имкониятлари.
2. Учинчи синфда нота саводи йўриқлари.
3. Учинчи синфда икки овозли куйлаш.
4. Умумий холосалар.

**Адабиётлар:**

1. Дарслеклар. 1991-1999 йиллар.
2. «Мактабда кўп овозли куйлаш» 1997 й. Тошкент, Р. F. Қодиров.

## МУНДАРИЖА

### I-БОБ. Кириш

1. Марказий Осиё халқлари қадимги ажлоғ тарининг мусиқати ҳасти ва ижодлари .....	4
2. Ўзбек халқ мусиқа санъатининг келиб чиқини тарихи дақида айрим мулоҳазалар .....	8
3. Темурийлар даври мутафаккирлари ижодида мусиқа .....	14
4. Ўзбек халқ мусиқасининг кейинти тараққисти нутари .....	20

### II-БОБ. Бошлангич мусиқа таълими услубиёти

1. Бошлангич мусиқа таълими принциплари, мақсад ва вазифалари тавсифи .....	24
2. Бошлангич ашула ва хор мусиқа таълими .....	27
3. Бошлангич мусиқа саводи таълими .....	32
4. Бошлангич мусиқа тинглаш таълими .....	36
5. Биринчи синфда мусиқа таълими .....	39
6. Иккинчи синфда мусиқа таълими .....	41
7. Учинчи синфда мусиқа таълими .....	43
8. Мактабдан ташқари мусиқа тарғиботи ва таълими .....	45

### III-БОБ. Мусиқа саводидан асосий оддий маълумотлар

1. Мусиқавий товушларнинг хусусиятлари .....	47
2. Мусиқавий тартиб ва товушқатор .....	47
3. Мусиқа сози, ярим тон, бутун тон .....	48
4. Ноталар, уларнинг чўзими ва нота йўлларига ёзилиш тартиби .....	48
5. Калитлар .....	50
6. Альтерация белгилари .....	50
7. Ноталар чўзимини узайтирувчи белгилар .....	51
8. Паузалар .....	51
9. Нота ёзувини қисқартирувчи белгилар .....	52
10. Ритм, метр, такт ўлчов .....	52
11. Темп-суръат .....	53
12. Дирижёрлик қоидалари .....	54
13. Интерваллар .....	54
14. Ладлар ва тоналликлар .....	55
15. Учтовушликлар ва аккордлар .....	56

### IV-БОБ.

Кундалик зарур мусиқанома .....	57
---------------------------------	----

### V-БОБ. Мусиқа намоёндалари билан қисқа учрашувлар

1. Миллий мусиқа намоёндалари .....	68
2. Хорижий мусиқа намоёндалари .....	76
3. Рус классик мусиқа намоёндалари .....	78





**Шафоат Раҳматулло ТЕРМИЗИЙ**

**БОШЛАНГИЧ МУСИҚА ТАЪЛИМИ**

**Олий ва ўрта маҳсус таълими талабалари учун ўқув қўлланма**

**Муҳаррир:— Ш. Р. ТЕРМИЗИЙ**

**Техник муҳаррирлар:— Д. ХАФАЛОВ, Н. БОЛТАЕВА.**

**Теришга берилди: 10.12.2000 й.**

**Таймс гарнитураси.**

**Босишга руҳсат этилди: 18. 06.2001 й.**

**Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$  5,5 босма тобоқ.**

**Газета қоғози. Буюртма № 477.**

**Сурхондарё вилоят босмахонасида оғсет усулида**

**500 нусхада чоп этилди.**

**Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 13-ий.**



### *Шафоат Раҳматулло Термизий*

— Термиз давлат университети доценти, «Мусиқа ва тасвирий санъат» кафедраси мудири. Айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлимининг масъул котиби, «Жануб шамоли», «Умид остоиаси», «Гулоб» каби шеърий тупламларининг, «Мусиқа услубиёти», «Мусиқа алифбоси» илмий рисолалари муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.